

Ўзбекистон Республика Фанлар академияси
“Қатағон қурбонлари хотираси” музейи
“Шаҳидлар хотираси” жамоат фонди

ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ ВА УЛАРНИНГ АДАБИЙ-БАДИЙ ҲАМДА ПУБЛИЦИСТИК МЕРОСИ

“Ўзбекистонда сталинча қатағонга учраган ва фаолияти
кам ўрганилган маданият ва жамоат арбобларининг фаолияти
ҳамда илмий-маърифий, изходий меросининг истиқлол йилларида
ўрганилиши” мавзуидаги
Республика илмий-амалий анжумани материаллари
2015 йил 15 апрель

Тошкент
«MUMTOZ SO‘Z»
2015

УЎК:821.512.133

КБК 83.3(5Ў)б

XX асрнинг 30–50-йиллардаги сталинча қатагон даврида ўзбек халқининг кўплаб фарзандлари “халқ душмани” сифатида айбланиб, йўқ қилиб юборилди.

Мустақиллик йилларида тарихий ҳақиқатни тиклаш мақсадида Президент Ислом Каримов раҳбарлигида олиб борилган хайрли ишлар натижасида бегуноҳ жабрланган қатагон қурбонларининг пок номлари тикланниб, уларнинг аксар асаллари халққа қайтарилди ва улар ҳақида китоб, рисола ва мақолалар ёзилди. Аммо шу мудҳииш йилларда жабрланган илм ва ижод аҳли ўртасида шундай шахслар ҳам борки, уларнинг илмий ва адабий мерослари шу вақтгача ўрганилмай келади.

Ушбу рисоладан ўрин олган мақолаларда шундай жабрдийдадар ва уларнинг илмий-ижодий мерослари ҳақида фикр юритилган.

Нашр учун масъул:
Бахтиёр ҲАСАНОВ

Масъул мухаррир:
Найм КАРИМОВ

Таҳрир ҳайъати:
М.Зикруллаев, Б.Ирзаев

83.3(5Ў)6

Қ13

Қатагон қурбонлари ва уларнинг адабий-бадиий ҳамда публицистик мероси (“Ўзбекистонда сталинча қатагонга учраган ва фаолияти кам ўрганилган маданият ва жамоат арбобларининг фаолияти ҳамда илмий-маърифий, ижодий меросининг истиқдол йилларида ўрганилиши” мавзудаги Республика илмий-амалий анжумани материяллари 2015 йил 15 апрель) / масъул мухаррир Н.Каримов. – Тошкент: 2015. – 128 б.

ISBN 978-9943-4552-4-5

© “MUMTOZ SO‘Z”, 2015

СЎЗБОШИ

ХХ асрнинг сўнгти йилларида рўй берган оламшумул воқеа – ер юзининг олтидан бир қисмида жойлашган мустабид давлатнинг парчаланиши, шу давлат ўйлаб топган ғайриилеммий мафкуранинг хубоб бўлишидир. Шу улуғ воқеа туфайли шу даврда, бир томондан, ҳаддан зиёд улуғланган, идеаллаштирилган сиймоларнинг ясама доҳийлар эканлиги ойдек равshan бўлган бўлса, иккинчи томондан, турли-туман сохта айблар билан отиб ташлаш ёки азиз умрларини камоқ ва лагерларда чиритиш йўли билан фан ва маданият тарихидан, ҳалқ хотирасидан ўчириб юборилган отабоболаримизнинг пок номлари яна эъзозланди, муборак мерослари эса ҳалқимизнинг бой маданий меросидан ўзининг конуний ўрнини эгаллади.

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов раҳбарлигига шу соҳада амалга оширилган хайрли ишлар бу дунёда рўй берган ва рўй берётган барча воқеаларнинг ягона ҳаками – Давр ва Тарих эканлигини яна бир бор исботлади.

Бугун биз 1937-1938 йилларда юрагини ҳовучлаб яшаган ҳаликнинг уйидаги араб ёзувида битилиган ноёб босма ва қўллэзма асарларни, муқовасига “Чўлпон”, “Абдулла Қодирий”, “Фитрат”, “Файзулла Хўжаев” сингари исмлар ёзилган китобларни анхорларга олиб бориб, синч деворлар орасига яшириб ёки гулханларда ёндириб ташлаганини эслаб, кўз ёшларимизни дув-дув тўкамиз. Шу китоблар билан бирга буюк олимларимиз ва ёзувчиларимизга Оллоҳ берган ақл-заковат ва порлоқ истеъдод самаралари ҳам ёниб кул бўлган.

Аммо шу нарса бизни юпатадики, баҳтимизга, шу мудҳиш йилларда газета ва журналлар, адабий-бадиий ва илмий тўпламлар нашр этилган. Мустабид давлатнинг ақл-заковат аҳлини бўғиб ташлаган кўллари, хайриятки, шу газета ва журналларни, баёз ва тўпламларни ёндириб ташлашга ултурмай қолди. Шунинг учун ҳам бу нашрларни варақлаган киши 1937-1938 йилларда қириб ташланган олимлар, ёзувчилар, журналистлар, санъаткорлар қаламига мансуб шеър ва ҳикоялар, адабий-танқидий ва публицистик мақолаларни, сухбатларни топиб, уларни қайта эълон қилиш имкониятига эгадир.

Совет давлатининг қатағон сиёсати ҳалқ ва мамлакат ҳаёти-нинг ҳамма соҳаларини “каллаклаб” ташлади. Афсуски, биз, “қатағонпунослар”, илмий изланишларимиз нишабини асосан ўзбек адабиётининг жабрдийда намояндаларига қаратиб келмоқдамиз. Шунда ҳам бизнинг зътиборимиз асосан машхур ёзувчилар тақдирига марказлашган. Ҳолбуки, Абдулла Қодирий ёки Усмон Носирдан ташқари, яна қанчадан-қанча фидойи шоир ва ёзувчилар, журналист ва адабиётшунос олимлар катагон даврларининг курбонлари бўлишган. Давлат ва жамоат арбоблари, фан ва маданият, саноат ва қишлоқ хўжалиги, сиҳат-саломатлик ва транспорт ходимларини эса умуман эсламай кўйганмиз...

Шаҳидлар хотираси” жамоат фонди ва “Қатағон курбонлари хотираси” музейи тарихий адолат ва ҳақиқатни тиклашдаги шу жиддий камчиликни бартараф этиш мақсадида 2015 йил 15 апрелда “Ўзбекистонда сталинча қатағонларга учраган ва фаолияти кам ўрганилган фан, маданият ва жамоат арбобларининг фаолияти ва илмий-мъерифий, ижодий меросининг истиклол йилларида ўрганилиши” мавзууда Республика илмий-амалий конференцияни ўтказди. Конференция ишида шу масала билан шуғулланиб келаётган таникли адабиётшунос, санъатшунос ва тарихчи олимлар билан бирга ёш тадқиқотчилар ҳам фаол иштирок этилди. Улар ўз маърузачиларида ижоди шу вактгача текшириш объекти бўлмаган ёзувчилар, журналистлар ва таржимонларнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятини ёритиш билан бирга Абдулла Қодирий ва Чўлпоннинг шу вактгача жамоатчиликка номаълум бўлиб келган асарларига ҳам илк бор назар ташлаб, ҳали адабиётшунослар, тарихчилар ва журналистлар олдида бу борада ғоят катта ва машаффатли вазифалар турганини кўрсатиб бердилар.

Кўлингиздаги рисола икки қисмдан иборат. Биринчи қисмдан ижодий фаолияти кам ўрганилган ёки ўрганилмаган ёзувчи ва журналистлардан Тавалло, Фози Юнус, Исмоил Обидов, Аъзам Аюб, Санжар Сиддик, Юнус Латиф, Саттор Жаббор, Муҳаммад Ҳасан, Қосим Сорокинларга бағишланган маъруза матнлари жой олган бўлса, иккинчи қисмда улардан айримларининг бадиий асарлари, шунингдек, Абдулла Қодирийнинг “Куёш билан ҳам курашман” ва Чўлпоннинг “Мерос” ҳикоялари кирилл ёзувида илк бор эълон қилинмоқда.

“Шаҳидлар хотираси” фонди ва “Қатағон курбонлари хотираси” музейи ҳаёти ва фаолияти кам ўрганилган давлат, фан ва маданият арబблари, бошқа соҳа вакилларининг ҳаёти, ижтимоий, илмий ва ижодий фаолиятини ўрганишда давом этади; ўзининг шу йўналишдаги фаолиятида қатағон курбонларининг фарзанд ва неваралари ёрдамига катта умид билдиради.

Шояд сталинча қатағоннинг бегунох курбонлари тақдирига бағишланган шундай илмий анжуманларни ўтказиши, шундай мақола, рисола ва китобларни эълон қилиш билан улар руҳини шод, охиратини эса обод эта олсак...

ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАР

Бахтиёр ҲАСАНОВ,
“Қатагон қурбонлари хотираси”
музейи директори, т.ф.д.

САНЖАР СИДДИҚ ВА УНИНГ АДАБИЙ МЕРОСИ

Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизда тарихий адолатни тиклаш ишининг давлат сиёсати даражасига кўтарилиши мазкур соҳада кенг кўламли тадқиқотлар олиб бориш учун катта имкониятларни юзага келтирди. Ўтган йиллар давомида мустабид тузум даврида қатағон килинган таникли ватандошларимизнинг номларини агадийлаштиришга, фан ва маданият арбобларининг ҳаёти, фаолияти ҳамда илмий меросини ўрганишга оид катта ишлар амалга оширилди. Мустабид тузум қатағонларининг энг юқори босқичига кўтарилган даври 1937-1938 йилларни ўз ичига олиб, “Катта қирғин” номи билан тарихга муҳрланди.

Истиқлол туфайли қатағон қилинган юртдошларимизни аниклаш, уларнинг номларини агадийлаштириш ва тарих зарварақларига муҳрлаш борасида шахсан Президентимиз раҳнамолигида хукуматимиз томонидан ҳам амалий, ҳам савобли ишлар амалга оширилди. Ватан учун, миллат учун жон фидо этган, совет режимининг сиёсий қатағонига учраган, Юртбошимиз фикри билан айтганда, “маънавий жасорат кўрсатган” юртдошларимизни номма-ном аниклаш, уларнинг ижодий меросларини ўрганиш ҳам истиқлол яратиб берган неъматлардан биридир. Бугунги кунда истиқлол, эрк, озодлик, миллат ор-номуси учун курашган аждодларимиз руҳини шод қилиш биз, авлодларнинг муқаддас бурчидир. Зеро, Президентимиз И.А.Каримов: “Эл-юртимиз тақдирига дахлдор бўлган тарихий адолатни тиклаш, ҳалқимиз ва миллатимизнинг яқин ўтмишидаги ёпиқ саҳифаларини тўла очиб бериш, шу тарихдан сабоқ чиқариб, бугунги ва келажак ҳаётимизга онгли қарашни шакллантириш, бегуноҳ қурбон бўлган инсонлар хотирасини агадийлаштириш биз учун ҳам қарз, ҳам фарз”¹, – деб бежиз таъкидламаган эдилар.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – Б.98.

Ана шундай сталинча қатағон сиёсатининг бегуноҳ қурбони, ўтган асрнинг бошларидағи ўзбек матбуотининг йирик намоянда-ларидан бири Абдулбосит Исроилжон ўғли Сиддиков - Санжар Сиддикдир (1902-1938).

Санжар Сиддик 1902 йили Тошкентда Исроилжон чойфуруш оиласида дунёга келди. Ўз фолиятини 1920 йилда Эски шаҳардаги 12-сонли мактабда ўқитувчи сифатида бошлади. Айни вақтда “Иштрокион” газетаси таҳририятида адабий ходим ва таржимон вазифаларини бажарди. У бутун эътиборини нашр соҳасига қаратди ва тинимсиз ижодий иш билан шугулланди. Санжар Сиддик “РоСТА” газетаси ва болалар журнallарида мухаррир, “Қизил байрок” ва “Туркистон” газеталарида котиб, “Инқилоб” журналида адабий ходим бўлиб ишлади. Сўнгги йилларда “Қизил Ўзбекистон” газетасида бўлим бошлиғи, “Ер юзи” журналида масъул котиб бўлиб, бошқа нашрлар билан ҳам ижодий ҳамкорлик қилди. У олий маълумот ооломмади, коммунистлар партиясида аъзо бўлиб киришга интилмади. Бу тиним билмас журналистга нисбатан таъкиб бошланганда у “Гулистан” журналида масъул котиб вазифасида ишлар эди.

Санжар Сиддикнинг юздан ортиқ публицистик мақолалари ва театр тақризлари нашр этилган. У журналист сифатида ўз мақолаларида “Китобхон”, “Бир киши”, “Санжар нафратчи”, “Калтадум”, “С.С.”, “Газетчи”, “Тошкентлик”, “Кўз-кулок”, “Санжар” ва бошқа тахаллуслардан фойдаланган. У масъул вазифаларни адо этиш билан бир пайтда ўта самарали ижод қилди. Ўзбекистонда биринчи бўлиб таржима назариясига багишланган “Адабий таржима санъати” монографиясини яратди. Моҳир таржимон сифатида ўзбек ўқувчилари учун рус, немис, инглиз ва форс тилларидан кўплаб асарларни таржима қилди. Лопе де Веганинг “Кўзибулоқ қишлоғи” (1931), Ал-Ҳабибнинг “Бомбей” (1931), П.Фурманский ва Я.Родионовларнинг “Ван Ши-Бин” (1932), Н.Ф.Погодиннинг “Менинг дўстим” (1934), Н.В.Гоголнинг “Ревизор” (1934), Н.Зархиннинг “Қувончлар кўчаси” (1938) пьесалари Санжар Сиддик таржимасида кўп йиллар давомида Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театрида намойиш этилди. У 1931 йилда америкалик шоир Ленгстон Хьюзнинг шеърлар тўпламини, 1937 йилда Л.Н.Толстойнинг “Кавказ асири” қисссасини ўзбек тилига таржима қилди. 1937 йилда эса П.А.Павленконинг “На востоке” (“Шарқда”) романини,

А.С.Пушкин ва М.Ю.Лермонтовнинг айрим шеърларини ўзбек тилига ўгирди.

Эндиғина 35 ёшни қаршилаган ва ижодининг айни чўққисига эришган “Гулистан” журнали адабий ходими Санжар Сиддик ЎзССР ЖКнинг 66-моддаси I-қисми ва 67-моддалари бўйича айбланиб, қамоққа олинади. Шу куни ЎзССР НКВД 4-бўлиммининг тезкор ходими, кичик лейтенант Маврин бошчилигига Санжар Сиддиқнинг Тошкент шаҳри Октябрь райони Охунбобоев маҳалласидаги 312-уйида тинтуб ўтказилади. Тинтуб вактида унинг ЮБ 121405-рақамли паспорти, 30 сўм пули, чарм камари, кичик ойна каби буюмлари олинниб, давлат фойдасига мусодара этилади. Унинг 65 ёшли онаси Зубайда Абдуғафурова, 32 ёшли хотини Камола Мавлонова, 22 ёшли укаси Мақсад, ўғиллари 16 ёшли Борий, 5 ёшли Баҳодир ва оиласининг ўз тарбиясига олган 12 яшар Машхура Турсуновалар жигарлари ортидан қон йиглаб қоладилар. Осмон баланд, ер қаттиқ. Қалбида ватан, миллат муҳаббатини ардоқлаган Санжар Сиддик қаерга олиб кетилаётганини аллақачон тушуниб етганди. У қаддини ғоз тутган ҳолда чиқиб кетди. Бирок, ўта иродали бўлган бу инсон сўнгги бор кўрган 2 ёшли қизи, бешигида ҳеч нарсани англамай ҳайрон ётган Маъмурани кўз олдидан ўтказар экан, ичидан нимадир узилиб кетганини хис этди.

Биринчи сўрок 1937 йил 31 августда ўтказилди. Унга отасининг Тошкент атрофида 2 га боги бўлгани, хотинининг савдогар қизи экани, ишламаслиги қабилар айтилди.

Терговчи 1937 йил 2 сентябрда ўтказилган сўрокда Санжар Сиддиқнинг 1918-1919 йилларда “Чигатой гурунги”да иштирок этгани, 1922-1924 йилларда “Туркистон”да “Маҳкамай шариат” рукнини тайёрлагани ва 1925 йилдан “Ер юзи” журналида ишлагани ҳақида маҳбус Зиё Саиддан олинган кўрсатмадан уни кораловчи материал сифатида фойдаланишга уринди.

1937 йил 10 сентябр куни Ҳамза номидаги Миллий театр репертуаридан Санжар Сиддик таржималари асосида яратилган “Менинг дўстим” (Н.Ф.Погодин), “Кўзибулоқ қишлоғи” (Лопе де Вега), “Чудесный сплав” (Киршон), “Ван Ши Бин” (Фурманский ва Радионов) спектакллари олиб ташланди. Бу кўпчилик учун унинг “халқ душмани” сифатида “фош этилган”ининг натижаси эди.

1937 йил 2 октябрда ўтказилган навбатдаги сўрокда у Чўлпон ва Фитратлар билан ҳамкорлиги, миллатчилик фаолияти каби тў-

киб чиқарилған айбларнинг барчасини қатъийян рад этди. НКВД ходими Н.Триғулов томонидан қўлланган барча усул ва воситалар хеч қандай самара бермади, унинг иродасини синдира олмади.

1938 йил 20 февраль куни Қ.Рамазон, С.Турсунхўжаев, А.Аюбовлар билан юзлаштиришлар ўтказилди. Улар барча “жиноятлар”ини тан олдилар. Санжар Сиддик эса ҳеч қандай айби йўқ эканлигини маълум қилди. Шунда “Гулистон” журналининг сўнгги йиллардаги муҳаррири Камол Шарипов ва Санжар Сиддиқнинг фаолияти текширилди. “Текшириш” хulosасига қараганда, “Гулистон” журнали таҳририятида 1936-1937 йилларда К.Шарипов раҳбарлигига А.Аюб, С.Сиддик, С.Айнийлар аъзо бўлишган. Материалларни А.Аюб, С.Сиддик, Чўлпон, М.Осим, Элбек, М.Рафик, У.Носир, Уйғун, Ойбек, Ҳ.Олимжон, М.Султонова, А.Шокировлар тайёрлаганлар. С.Сиддик “Авантюрист” мақоласида Анвар пошони идеаллаштиргани, уни қаҳрамон сифатида тасвирлагани “аниқланди”. Мақолада унинг кўккўз русларга карши курашувчи Иброҳимбекка ёрдамга келгани, 1928 йилги очарчилик вақтида тожик қишлоқларида Анвар пошони нажоткор сифатида кутиб олингани ҳакида ёзгани муаллифнинг айби сифатида талқин килинган эди.

Сўнгги айблов баённомасида: унинг Анвар пошони идеаллаштиргани, Афғонистонни мактагани, Тожикистондаги қишлоқларда 1928 йилда юз берган очарчилик учун советлар бошқарувини айблагани каби “жиноят”лари санаб ўтилди.

Санжар Сиддик 1938 йил 8 октябрь кечаси соат 2.10 дан 2.30 гача давом этган “учлик” судида ўзига кўйилган айбларнинг бирор тасини ҳам тан олмади. Шунга қарамай, у ЎзССР ЖКнинг 57- ва 66-моддаларнинг I- қисми, 67-модда бўйича айбланиб, отувга хукм этилди. Бу ҳакда оила аъзолари учун ҳеч қандай маълумот берилемади. Ўз фарзандининг халқ ва ватанини севишидан бошқа гуноҳи йўқлигини билган онаси Зубайдада янинг 1940 йил 16 июндаги хатига совет жазо идораси томонидан ҳеч қандай муносабат билдирилмади.

Сталинизм фош этилиши билан С.Сиддик “иши” ҳам қайта кўриб чиқилди. 1956 йил 2 февраль куни Ўзбекистон Ёзувчилар ўюшмасида Курбонов раҳбарлигига Охундий, Туйғун, Ҳ.Пўлат, Файратий каби ёзувчилар иштирокида мажлис ўтказилди. Унда С.Сиддиқнинг “Б” ва “Газетчи” имзоси билан матбуотда зълон қи-

линган айрим мақолаларида совет режими нинг танқид этилгани айтилди. Жумладан, “Бугунги Бухоро” мақоласида совет Бухоросини бекорчилар, ўғрилар, савдогарлар шахрига айлангани тасвирланади, деб баҳо бердилар.

1956 йил 6 февралда қайта тергов ишлари бошланди. Унинг ишини олиб борган НКВДнинг собиқ терговчиси, кейин Тошкентдаги 84- заводда цех бошлиғи ўринбосари бўлиб ишлаган Н.Триғулов сўроқ қилинади. У ўз вақтида тергов жараёни ва юзлаштиришларнинг қонуний ўтганини тасдиқлайди. Йўқолган ҳужжатларни ҳозирги пайтда эслай олмаслигини айтади. С.Сиддиқни таниган ва билганлар каторида Назир Сафаров ва Зиннат Фатхулинилар у ҳакида фақат яхши гапларни айтадилар ва унинг аксилик қилибий ҳаракатидан хабарлари йўқлигини маълум қиласидилар. 1956 йил 26 июлда С.Сиддиқ СССР Олий суди томонидан тўла окланади.

Салимхон Тиллахонов ўз “Хотиралари”¹да: “Санжар ҳозирғи вақтда Ўзбекистонда ёзувчиликда биринчиликни оладир. Ҳозиргача маҳсус асар ёзмаган бўлса ҳам, ёзувчилар орасинда энг маълумотлиси шул Санжардир. Санжарнинг ҳамма вақт ёзған асарлари миллий йўлда бўлган, ёзув ила миллий ташкилотга ёрдам бериб, миллия учун жуда яхши ташвиқот қилғон”, деб ёзган эди. Дарҳакиқат, унинг мақолалари ўз вақтида қанчалик долзарб масалаларга аҳамиятга эга бўлган бўлса, улар бугунги кунда муаллифнинг турли соҳаларни чукур билгани ва ҳар бир муаммонинг илдизига қадар етиб боришга интилганини намойиш этиши билан эътиборга моликдир. Унинг “Ипак”², “Радиоҳаваскорлар”³, “Темир йўлнинг 100 йиллиги”⁴, “Артеллар бокимсиз”⁵, “Ем-хашак ва бинокорлик – “Зомин”нинг ўпирилиш участкаси”⁶, “Китобхон Тошкент”, “Чигитлардан ҳайвон учун овқат”⁸ каби мақолалари фикримизнинг далилидир.

¹ Т и л л а х о н о в С. Махбус хотираларидан / “Тарихнинг номаълум саҳифалари”. IV китоб. – Т.: 2013. – Б. 180.

² Т о ш к е н т л и к . Ипак // Ер юзи. – 1927. № 32. – Б. 6-7.

³ Т о ш к е н т л и к . Радиоҳаваскорлар // Ер юзи. – 1928. № 9. – Б. 7.

⁴ Т о ш к е н т л и к . Темир йўлнинг 100 йиллиги // Ер юзи. – 1929. № 21. – Б. 19.

⁵ С и д д и қ . Артеллар бокимсиз // Қизил Ўзбекистон. 1930 йил 16 ноябрь.

⁶ Б.С. Ем-хашак ва бинокорлик – “Зомин”нинг ўпирилиш участкаси // Қизил Ўзбекистон. 1932 йил 5 октябрь.

⁷ Б.С. Китобхон Тошкент // Қизил Ўзбекистон. 1935 йил 18 март.

⁸ Б.С. Чигитлардан ҳайвон учун овқат // Қизил Ўзбекистон. 1935 йил 24 ноябрь.

“Курапш”⁹ мақоласида ўзбек курашининг миллпий қадрият сифатидаги хусусиятларига тўхталса, “Бугунги Бухоро”¹⁰ да “Газетчи” сизни “Бухорои шариф”га олиб боради. Қадим афсонавий шаҳарнинг жин кўчалари, обод бозорлари, фойтуналарни учирив юрувчи абжир аравакашлари, Бухоро ҳовузларининг сири, мешкоплар, шахматчилар билан таниширади. Мақолани ўқиш жараёнида Бухорода юрган сайёҳга айланасиз, кўчалардаги ярим тоҷикча чақириклар, ўзаро гап қистиришлар, сұхбатлар гўё қулогингиз остида кечади. Бир пайтда Янги Бухоро шаҳрининг бекорчилар-у, ўғрилар билан тўлгани, сўлим гўшанинг ари уясидек ўз хотиржамлигини йўқотганини ҳам тасвирлаганини англаш қийин эмас. Маколада 1920 йил сентяброда тўпга тутилган Минораи қалоннинг тўкилиб турган суратининг берилиши ҳам маълум маънога эга. (Қадим Бухоронинг рамзи бўлган бу минора 1923-1924 йилларда Ф.Хўжаевнинг кўрсатмаси билан уста Ширин Муродов раҳбарлигидаги бир гуруҳ меъморлар томонидан қайта тикланган эди).

Сиддиқ кенг халқ оммасининг жаҳон халқларининг турмуш тарзи ва анъаналари ҳақидаги билимларини ошириш масаласига оид қатор мақолаларни ҳам эълон қилди. Булардан “Майдада миллатлар мамлакати”¹¹ мақоласида Чехославакия ҳақида, “Бурунги маданият қолдиклари”¹² да Америка ҳиндулари ҳаётига оид маълумот берилди. Ҳиндуларнинг оиласиий муносабатларидаги тенглик, миллпий анъаналарга садоқати ибратли ҳодиса сифатида тасвир этилди. “Дарвин музейхонаси”¹³ мақоласида Москвада Дарвин музейининг очилгани ҳақида хабар бериш билан бирга дарвинизм ғояси ҳақида ҳам ўқувчиларга атрофлича маълумот берди. “Айикпарастлар”¹⁴ мақоласида Шимолий Японияда истикомат қилувчи айну қабиласининг турмуш тарзи ва урф-одатлари қаламга олинди. Унинг “Кобил”¹⁵ мақоласида эса қўшни Афғонистоннинг ташқи ва ички сиёсатини ёритувчи маълумотлар берилди. Кейинчалик бу мақола НКВД ходимлари томонидан унинг асосий жиноий ишларидан бири сифатида баҳоланди.

⁹ К и т о б ҳ о н . Курапш // Ер юзи . – 1928. № 7. – Б. 1.

¹⁰ Г а з е т ч и . Бугунги Бухоро // Ер юзи . – 1928. № 4. – Б. 6-7.

¹¹ Т о ш к е н т л и к . Майдада миллатлар мамлакати (Чехославакия ҳақида) // Ер юзи . 1927. №32.

¹² Т о ш к е н т л и к . Бурунги маданият қолдиклари // Ер юзи . 1927. № 28-29.– Б. 19.

¹³ Т о ш к е н т л и к . Дарвин музейхонаси // Ер юзи . 1928. № 1. – Б. 6.

¹⁴ Т о ш к е н т л и к . Айикпарастлар // Ер юзи . 1928. № 6. – Б. 1

¹⁵ Б. Кобил // Ер юзи . 1928. № 9 (42). – Б. 3-4.

Бу мақолаларнинг барчаси ўкувчига тушунарли, содда тилда ёзилгани, унинг дунёкараши, илмий тафаккурининг ўсишига хизмат қилиши билан муайян қимматга эгадир.

Санжар Сиддикнинг “Ўзбек театри”¹⁶ мақоласи ҳам ўта муҳим масалага бағишланган. Муаллиф мақолада ҳар доим ҳам актуал бўлган миллый асарлар яратиш масаласига оид мулоҳазалар билдиради. У театрлардаги Европа, рус, татар, озарбайжон драматургларининг асарлари қанчалик профессионал савияда ёзилган бўлмасин, ўзбек ҳалқи ҳаётидан, турмуш тарзидан узоқлиги учун уларни ҳалқ қабул қила олмайди, дейди. Айниқса, спектаклларнинг охирги пардаларига “Марсельеза”, “Интернационал” қўшиклари нинг тиқиширилиши улар нафаратига сабаб бўлаётганини айтади. Натижада ҳалқдан олқиши эмас, сўкиниш эшитилмокда; бу эса фақат артистларнинг эмас, ёзувчиларнинг ҳам ҳалқ ҳаёти, турмуш маданияти, орзу истакларидан накадар узоклигини англатади; “Ҳалқимиз ҳозирги даврда бу санъатни, айниқса, Европа санъатини хоҳламайдир”, дейди журналист. Нима учун “Ҳалима” ва “Еркинай” машҳур бўлиб кетди? Чунки улардаги ҳалқ ҳаётидан олинган саҳналар, таниш қаҳрамонлар ҳалқни саҳнага тортмокда; ҳозир Шекспир, Гоголь асарлари эмас, кўпроқ ҳалқ учун хизмат киладирган “ўзбек ҳалқ театрусини тузмоқ керак”, деб ҳисоблайди.

Санжар Сиддик таржимон сифатида нафақат саҳна асарларини, балки кўп сонли ўкувчилар эҳтиёжини ҳам инобатта олиб, бир қанча кичик ҳикоя ва мақолаларни таржима қилди. Улардан немис адиби В.Голландернинг “Махмуд ибн Камолнинг саргузашти”¹⁷ ҳикояси ва немис ёзувчиси Б.Келлерманнинг “Эронистон биёбонларида”¹⁸ мақоласини тилга олиш мумкин. Шунингдек, немисчадан Фрайиелнинг “Кутимаган баҳт”¹⁹, Анри Барбюснинг “Қўркинчли поезд”²⁰ и ва бошقا ҳикояларни ҳам таржима қилди. Бу асарлар ҳукмрон мағкура талабларига қанчалик мос бўлмасин, ўкувчи таржимоннинг мақсадини жуда яхши англайди. Уларда миллатнинг истибоддога қарши ички туғёни, озодлик ва тенглик учун кураши, зулмга нисбатан нафрати рухи уфуриб туради.

¹⁶ С. Ўзбек театри // Туркистан. 1922 йил 22 сентябрь. № 5. – Б. 1.

¹⁷ Т о ш к е н т л и к . Махмуд ибн Камолнинг саргузашти // Ер юзи. 1928. № 2. – Б. 13-15.

¹⁸ Т о ш к е н т л и к . Эронистон биёбонларида // Ер юзи. 1928. № 5. – Б. 3-4.

¹⁹ Т о ш к е н т л и к . Кутимаган баҳт // Ер юзи. № 8 (41) 1928. – Б. 6-7.

²⁰ Г а з е т ч и . Қўркинчли поезд // Ер юзи. № 13 (46) 1928. – Б. 6-7.

Санжар Сиддиқ айни пайтда ўзбек ижодкорларининг асарларини ўзга тилларга таржима қилиш ишларига ҳам бош-кош бўлди.

Мустабид тузумнинг begunoq курбони Санжар Сиддиқ ўзининг қиска умри давомида ўзбек матбуоти тараққиётида ўчмас из қолдирди. Унинг ижодий мероси, ёзган мақолалари, қилган таржималари ўз вақтида халқимизнинг маънавий камолоти, бадиий тафқурининг ўсишида муҳим роль ўйнаган.

*Баҳодир КАРИМОВ,
Ўзбекистон Миллий университети
кафедра мудири, ф.ф.д., профессор*

БИР ҲИКОЯ ҚИСМАТИ

Тўғриси, шу кунга қадар қайта нашр қилинган асарлари Абдулла Қодирий адабий ижодининг тугал манзарасини намоён қиласидан таассурот қолдирар эди. Адибнинг хаёlda пишитиб, режага олган романларининг, афсуски, номлари маълум, ёзиб-ёзилмагани аниқ эмас; кўлёзмаларидан эса ҳалигача дарак йўқ. Шунингдек, Абдулла Қодирийнинг ўз даври матбуотида ва китоб ҳолида босилган бадиий асарларининг барча нусхалари ҳам маҳсус қиёсий ўрганилиб, ҳозиргача тугал тадқиқ ва табдил қилинмади.

Абдулла Қодирий адабий меросига оид муҳим ва янги бир гап шуки, “Ўзбекистон шўро адабиёти” журналининг 1932 иили чиккан З-сонида адибнинг “Куёш билан ҳам курашаман” номли ҳикояси босилади. Бирок бу ҳикоя адиб тўпламларида қайта нашр бўлмаган; ҳатто номи асарлари рўйхатига ҳам киритилган эмас. Бунинг маълум сабаби бор, албатта...

Ҳикоянинг умум пафосида “Обид кетмон”га якинлик сезилади. Зотан, қиссани ёзувчи 1932-1934 йиллар оралигига, Ҳабибулла Қодирий таъбири билан айтганда, “...елкасида рюкзак, кишлоқмақишлоқ, ялангоёқ юриб, далаларни кезиб, қўлида кетмон, пахта чопикларида қатнашиб, бободеҳконлар билан сухбатлашиб ёзган”. “Куёш билан ҳам курашаман” ҳикояси ҳам худди шундай ижодий сафар, саёҳат, меҳнат-машаққатлар ҳосиласи эканига шубҳа йўқ.

“Эй, мен бу кун офтоб билан ҳам гаплашаман” – бу шаҳду шизоат ҳикоянинг бош қаҳрамони Пўлағурга тегишли. Ҳикояда

XX асрнинг 30-йилларидағи ўзбеклар ҳаёти, хусусан, ғўза парвариши, пахтачилик билан боғлиқ турмуш тарзи тасвирланади. Унда бўргиб, кўзга яққол кўриниб турган тўлақонли образ бор: Пўлағур. Барча вокелик, далада кечётган мусобака шу ташки кўриниши ҳам, табиати ҳам бошқалардан анча фарқ қиласидиган, Бадал билан баҳсллашиб, чопикда уни енгиб чиқадиган Пўлағур – Розик кўр теграсида кечади. Бошқа интригалар, тасвир, тавсия ва сұхбатлар шу қаҳрамон табиатини очишга хизмат қиласди.

Куёшнинг олов пуркаётган оғзи, ғўзалар ўсаётган дала ва уларни чопик қилаётган одамлар аниқ тасаввур қилинади. Чопиқчилар ўртасидаги бўлиб ўтган ўзаро турли қитмир гаплар, ҳазиллар, беғараз пичинг ва киноялар ҳикоянинг самимиятини таъминлайди.

Бизнингча, ушбу ҳикоя “Обид кетмон” қиссасини ёзиш арафасидаги жиддий бир тажриба саналади. Зеро, Обид кетмон ва Пўлағур-Розик қайсиdir даражада, дейлик, мардлиги, меҳнаткашлиги, куч-куватта тўлгани, индивидуал характеристи билан ўзаро яқин образлардир.

Ҳикояда Абдулла Кодирийнинг инсонни тасвирлаш санъатига хос бадиий маҳорат кўзга ташланади: “Ғилай йигит, яъни биригадирнинг таъбирича, “каллаҳом”нинг асли исми Розик бўлиб, фавқулодда яратилғонлиғидан бўлса керак, унинг шахсига анчагина лақаб тўқифон эдилар. Сийлағон киши уни, ўз исми бўлғон “Розик” билан атаб чакирав эди, бирорлар “каллаҳом” деб ундар эди. Учинчилар “Пўлағур” ва тўртингчилар ҳазилмандлар эса, тўғридан-тўғри “кўр” деб кўяқолар эдилар. Лекин “ғилай” деб ҳеч ким атамас, эҳтимолки, Розикқа нисбатан “ғилай” сўзини “ҳайф” ёки “эссиз” ҳисоблар эдилар. Бу лақабларни Розикнинг ўзи томонидан қаршиланиш масаласига келганда, у бундай лақаблардан чумоли чаққанча ҳам ранжимас, билъакс, табиатига “кўшимча” тариқасида бағишлиланғон “қизиқлиқ”ларидан озгина ишлатиб қўйишға рухсат берилганлигини сезар, Розикқа тақиғон лақаблардан “Пўлағур” сўзи, унинг яратилиш сифатини яхши гавдалантирганлиқдан биз ҳам бундан сўнг Розикнинг асл исмини атамай “Пўлағур” деб юритамиз”. Маълумки, адаб бошқа асарларида ҳам ўз қаҳрамонларини шунга яқин услубда, уларнинг характеристи-табиатига хос хусусиятларни бир нуқтага жамлаб тавсифлайди; исмлари маъно ташийди.

Ҳикояда ёз манзараси, пейзаж, қуёш тафти, димиқсан ҳаво, чопиқчилар юзидан оқаётган терлар ҳарорати аниқ ҳис этилади;

тилида дәққончиликка оид күплад атама-сўзлар учрайди. Бу эса ёзувчининг дәхқон тилини маҳсус ўрганганидан далолат беради... Шижаот билан далада ишлаётган Пўлагурни ёнидаги шериклари: “Бошингта офтоб уради”, дея огоҳлантирганида, у: “Эй, мен бу кун офтоб билан ҳам гаплашаман”, деб юборади. Ҳикоя сарлавҳаси шу диалогдаги гапдан ўзгартириб танланган.

Энг қизиги шундаки, бу ҳикоясини ёзувчи кейинчалик “Обид кетмон” қиссаси ичига, айнан шу ном остида бир фасл килиб киригади.

“Обид кетмон” қиссасида жуда кўп образлар бор. Батафсил ўтмиши, тарихи берилган Мулла Обид, Берди татар, Рафиқов ва бошқалар асар воқелигига бошдан-охир қатнашади. Иккинчи дараҷали қаҳрамонлар сон-саноғи ҳам кўпчиликни ташкил этади; уларнинг айримлари гагчил, серҳаракат. Бироқ “Куёш билан ҳам курашаман” фаслидаги образлар бошқалардек жуда фаол эмас. Ҳикоядаги Пўлагур, Бадал, Юнус ота, Ислом бригадир, Аваз каби образлар қиссанинг иккинчи бўлими еттинчи фаслида, яъни асарнинг тўртдан уч кисми баёнидан кейин саҳнага чиқадилар. Шунгача ёзилган саҳифаларда, бирор эпизодда улар умуман қатнашмайди. Ҳикоя бир оз мослаб, адабий матни тўқимасига сингдирилгандан кейинги саҳифаларда ҳам Ислом бўлтакбоши, Пўлагур, Бадал образлари бир-икки марта тилга олинади, холос: Ислом бўлтакбоши бир йигинда икки оғиз гапиради; пахта терими кунлари бешинчи бўлтакда “ҳануз Пўлагур билан Бадалбойлар орасида мусобака” давом эттаётгани эсланади.

Бундай алоҳидалик ҳикоянинг мустақил асар сифатида ўзига хос поэтик структураси билан майдонга келганидан дарак беради.

Адид “Куёш билан ҳам курашаман” ҳикоясини “Обид кетмон” таркибига ҳеч кийналмасдан жойлаштиради. Биринчидан, ҳар икки асар мавзуси бир хил: дәхқон хўжалигининг ахволи. Иккинчидан, қиссага киритилган маҳалида Ислом бўлтакбоши раҳбарлик киляётган бўлим Обид кетмон раис бўлган “Четан” колхозининг таркибида зикр этади. Ҳикоя воқелиги ўкувчи хаёлида жамоа хўжалигининг биридаги иш жараёнида кечаетгандек таассурот қолдиди. Журнал нусхада “Четан” деган хўжалик номи умуман тилга олинмайди. Учинчидан, ҳикоя қисса ичига олиб кирилар экан, асар бошидан иштирок этиб келаётган образлардан бирининг номини Пўлагур: “Хатиб домланинг ола сигири ҳам шуники, дeng”, дея

ҳазиллашиб эсга олади. Бу усул ҳам хикоянинг кисса таркибиға табиий сингиб кетишига ёрдам беради.

Алоҳида таъқидлаш керакки, хикоя матни “Обид кетмон” таркибида келган матндан маълум даражада фарқ қиласи. Ҳикоядаги айрим сўз ва сўз бирикмалари таҳрир этилган; заруратга кўра қисқартирилган ҳамда поэтик нутқ киссанинг умум пафосига, ритмига мослаш учун баъзи ўзгаришлар киритилган. Ҳикояда танланган баён усулини кисса оҳангига мослашда барча гапларнинг туганчи - кесим қисмида бир-икки товуш ўзгариши бор. Ҳикоядаги барча гапларнинг кесимлари “буғга айланди”, “чопикқа тушдилар”, “тарқала бошлади”, “отаға ҳайқири”, “деди Пўлагур”, “кўзларига ёшлар чиқди” шаклида аниқ ўтган замон феълида ифодаланади. Буларнинг барчаси қисса бошидан бери давом этиб келаётган баён манерасига, матн ритми ва пафосига мосланиб, бир-икки товуш кўшилади. Дейлик, унда гапнинг кесими “буғга айланади”, “чопикқа тушадилар”, “тарқала бошлайди”, “отаға ҳайқиради”, “деди Пўлагур”, “кўзларига ёшлар чиқади” тарзда хозирги замон феъллари кўринишини олади. Аммо бу ифодадан ҳам воқелик бўлиб ўтгани аниқ ўз аксини топган, албатта. Шунингдек, хикоя қисса таркибиға киритилганда, “бригадир - бўлтакбоши”, “ингичка - нафис”, “эгат - пушта”, “бадани - аъзоси”, “ғилай - беўхшоқ”, “сергўшт - этлироқ”, “сурнай - халқум”, “чоғлаб - жуплаб”, “рўмол - хом сурп”, “оқ туман - оқ тутун”, “атроф жимжит - теварақ тинч”, “Ошнинг ўтини боя ўчирганман – Ошнинг ўтини яқинда тўхтатдим”, “Номим Носир сайёр Тошкандий – Номим Носир сайёри Самарқандий” каби таҳрирлар амалга оширилади. Албатта, бундай ўзгаришларнинг қайсилар ўринли ёки ўринсиз эканини бадиий матндан ташқарида, узиб олинган бундай сўз, сўз бирикмаси ва содда гаплардан илғаб олиш ҳамда уларга баҳо бериш қийин.

Ҳикояда Пўлагурнинг ғолиблик нашидасини адаб: “Бунинг хозирги кўриниши хиндиларнинг ўлук ёқатурғон гўрковларини хотирлатмоқда эди”, деган ўҳшатиш билан тасвирлайди. Бу тасвирий гап қисса нусхасида йўқ. Эҳтимол, хинд гўрковини ўзбек ўкувчиши тасаввур қилиши қийинлигини ўйлаб, ёзувчи уни қисқартиргандир. Баъзан хикоя таркибида келган: “Ислом биригадир Пўлагурни ҳам Бадал каби йўл устида ярим совуқ кўк чой билан қаршилади. Аммо кўлидағи кўк чой бу гал икки пиёлада эди.

Булардан биринчи Пўлағурга тутди” жумласи қиссада “Исломбой уни ҳам кўк чой билан қаршилади” кўринишида ихчамлашгани, шунингдек, ҳикоядаги баъзи диалоглар, сифатлаш ва ўхшатишлар ҳам таҳрирга учрагани кузатилди.

Аслида адиб журналда босилган бу асарини “Обид кетмон” қиссасининг бир парчаси ўрнида эмас, балки алоҳида сюжет ва композицияга эга ҳикоя сифатида эълон қилди. Сарлавҳадан кейин қавс ичидаги “ҳикоя” деб жанрини аниқ ёзди. Иккинчидан, ҳикоя охирида адибнинг барча тугал асарларига хос бутунликни англатадиган “Битди. Абдулла Қодирий. Тошкент. 20 ичиюл 1932 й.” аниқлиги ҳам бор. Тахминимизча, ёзувчи замонавий қишлоқ хаёти, дехқонларнинг турмуш тарзи тўғрисидаги нисбатан улкан ҳажмли “Обид кетмон” қиссасидан олдин шу ҳикоясини ёзилб, қаламини синааб, бир чархлаб олган кўринади.

Умуман олганда, бир сарлавҳа остида берилган иккита адабий матнга алоҳида ҳодиса, яъни: 1) қиссасининг бир парчаси ва 2) алоҳида ҳикоя сифатида қараш ўринилдири. Шу боис адибнинг “Куёш билан ҳам курашаман” ҳикояси бошқа кичик асарлари қаторидан ўрин олиши мақсадга мувофиқдир. Бу ҳам Абдулла Қодирий бадиий маҳоратининг бир киррасини англашга ёрдам беради.

Шу қисмати муносабати билан айтмоқчимизки, Абдулла Қодирий кўллаган бу усул ва тажриба дунё адабиётида, ҳатто бугунги адабий жараёндаги ўзимизнинг адибларимиз ижодида ҳам учрайди. Бу муаммо – бошқа мақоланинг мавзуси.

Ҳикояни нашрға тайёрлаш жараёнида ўша давр журнал таҳрияти томонидан йўл қўйилган айрим техник нуқсонлар, имло ҳатолар “Обид кетмон”нинг 1935 йилги нашрига қиёсан ўнгланди, жузъий ўринларда ҳикоя тили бугунги адабий тилга мосланди.

Наим КАРИМОВ
“Катагон құрбонлари хөтирасы”
музейи, ф.ф.д., профессор

ЮНУС ЛАТИФ – ТАНИҚЛИ ШОИР, ЖУРНАЛИСТ ВА АДАБИЁТШУНОС

Иккинчи жағон урушининг бошланиши билан 1937-1938 йилдарда зарбдорлик билан ишлаган НКВД органларига яна “халқ душманлари”ни ахтариш, топиш ва қамоққа олиш вазифаси топширилди. Совет давлатининг “босмачилик”ка қарши кураш, жамоалаштириш ва “қулоклаштириш” кампаниялари ҳамда “Катта қирғин” даврида жабрланган миллионлаб кишилар СССРнинг ғарбий худудларини ишғол қилиб келаётган душман томонига ўтиб, большевизмга қарши курашиши ҳеч гап эмас эди. Шунинг учун ҳам совет ҳукумати НКВД органларига яна чексиз ҳуқуқлар берди. Ўзбекистон НКВД органларини эгаллаб олган келгиндилар қонли қўзларини, биринчи навбатда, яна халқнинг пешқадам кишилари – зиёлиларга қаратдилар. 1941 йил 4 июлдан 20 октябрга қадар бўлган муддатда “Қизил Ўзбекистон” газетаси бўлим мудири Тўхтасин Жалолов, шу газета адабий ходими Юнус Латиф, “Муншум” журнали адабий ходимиFaфур Расулов, “Ёш куч” журнали масъул котиби Омил Одилов, ЎзКП(б) МК котиби Сулаймон Азимов, ЎзКП(б) МК тарғибот-ташвиқот бўлими мудири Сотти Хусайнов ва бошқаларни қамоққа олиш ҳақида ордерлар тайёрланди ва кўп ўтмай, улар ҳаммаси қамоққа олиниб, НКВД ертўласига олиб келинди. Тергов ишлари шошилинч равища олиб борилди ва улар Ўзбекистонда советларга қарши аксилиниколий миллатчилик ташкилотини тузишда айбландилар. Сотти Хусайн 1942 йил 5 сентябрда, Юнус Латиф 6 сентябрда отиб ташланди. С.Азимов билан Т.Жалолов 10 йиллик қамоқ муддатини ўташ учун Магаданга, 8 йилга ҳукм қилинган F.Расулов билан О.Одилов ҳамда 5 йилга кесилган Соли Эминов Дудинка ярим оролига, 8 йилга кесилган Обиджон Ҳошимов эса Красноярск ўлкасига сургун қилиндилар. Шундай қилиб, истеъоддли шоир, журналист ва адабиётшунос олим Юнус Латиф умрининг гуллаган фаслида – 32 ёшига кирган шу тарзда НКВД жаллодлари қўлида ҳалок бўлди.

Юнус Латиф 1910 йили Тошкентнинг Эски шаҳаридаги Хонобод маҳалласида тижоратчи оиласида дунёга келган. Унинг отаси белигта меҳр ва муруват камарини маҳкам боғлаган, ёшлигарга панд-насиҳат бериб, уларни ҳидоят йўлидан етаклаган киши бўлганлиги туфайли маҳалла аҳли ўртасида катта обрў-эътибор қозонган эди. У фарзандларини нафақат камтар, одобли, меҳнаткаш ва меҳр-окибатли, балки янги тарихий даврнинг илғор кишилари қилиб ҳам тарбиялашга уринган.

Юнусхон 1917 йилнинг октябрь ойида Фузулий номидаги бошлангич мактабга ўқишига кириб, уни 1922 йили тугатган. Сўнгра ўқишини Навоий (кейинчалик Наримонов) номидаги таълим ва тарбия техникумидаги давом эттирган. 1933 йили техникумни мувоффақият билан тутатиб, Тошкент педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетига ўқишига кирган. Институтни 1938 йилда “олий маълумотли ўқитувчи” деган шаҳодатнома билан битирган.

Маълумки, шўро давлати 20-йиллардан эътиборан бойларнинг мол-мулкларини мусодара килиб, ўзларига нисбатан таҳдид ва тазиик усулларини кўллаган. “Йўксиллар давлати”нинг бу ўта гайриинсоний сиёсати Латиповлар хонадонини ҳам четлаб ўтмади. Унинг отаси мол-мулкини давлатга топширганига қарамай, доимий таъқиб остида яшади. Шу боис Юнусхон таълим ва тарбия техникумини тутатиши билан ишлаб, “пул топиш”га мажбур бўлди. У 1938 йилгача, яъни педагогика институтидаги таҳсил олган даврида ҳам, ўрта ва олий ўқув юртларида тил ва адабиёт фанларидан дарс бериб, отасини кундалик рўзгор ташвишларидан фориг қилишга интилди.

Юнусхон шу даврда ўрта мактаблар учун замонавий дарслик ва мажмуаларнинг стилемгаётганини, мавжудлари эса йилдан-йилга ўсиб бораётган талабга жавоб бера олмаётганини кўриб, ўзининг адабиёт муаллими сифатидаги вазифаларини белгилаб олди. Кейинчалик у танқидчи ва адабиётшунос сифатида муайян тажриба ҳосил кивлеч, бўлажак ҳамзашунос олим Юсуф Султон билан бирга ўрта мактабларнинг 10-синфи учун “Адабиёт дарслиги” ва “Ҳозирги замон адабиёти” мажмуасини напротив тайёрлади. 1938 йили илк бор босмадан чиккан бу китоблар 1941 йилга кадар уч марта нашр этилди.

Шу даврда қалам тебрати бошлаган Юнус Латиф сингари ёш шоир ва адабиётшунослар учун адабиёт мўъжизалар олами эди.

Улар шу мўъжизалар оламига даҳлдор бўлғанларидан ўзларини баҳтли хисоблаб, адабий жараёнда фаол иштирок этишга ҳаракат қилганлар. Юнус Латиф ўқитувчилик фаолияти билангина чегараланиб қолмай, шеърият билан ҳам, адабий танқид ва адабиёт-шунослик илми билан ҳам шуғулана бошлади. У 1925 йилдан бошлаб газета ва журналларда “Бу кунги шеъриятимиз ва “Шульалар қўйнида” (Миртемирнинг шу номдаги шеърлар тўплами тўғрисида), “Янги адабиёт атрофида” (1928), “Рамақижон”, “Ойдин” (Жаъфар Жабборалининг драмаси ҳақида), “Хандон лолалар” (А.Мажидийнинг шу номдаги асари ҳақида), “Янги адабий вазифалар ҳақида” (1929), “Болалар адабиёти ҳақида” (1931), “Зафар Диёрнинг ижоди ҳақида”, “Улуг ёзувчи ва устоз”, “Оташин санъаткор” (хар икки мақола М.Горький ҳақида), “Муқимий ҳақида”, “Навоий афоризмлари”, “Генрих Гейне”, “Фольклорда ёшлар” (1938), “Доҳий шоир, буюк гуманист” (Навоий ҳақида), “Навоий”, “Тарас Григорьевич Шевченко”, “Маҳбуб ул-кулуб” ҳақида”, “В.В.Маяковский”, “Анна Каренина”, “Бахшининг янги асари”, “Хотиралардан” (Коста Хетагуров ҳақида), “Тарихий справкалар” (Торобий, Форобий, Ибн Сино, Улугбек, Бобур, Турди, Гулханий, Нодира ва Фурқат ҳақида) (1939), “Уч шоир” (Мунис, Оғаҳий, Аваз), “Алишер Навоийга бағишлиланган виставка” (1940), “Аёл ёзувчиларимиз “(Зебуннисо, Нодира, Маҳзуна, Нозикон, Ойдин, Зулфия, Ръяно Узоқова, Офтобхон Холботирова, Сайёра, Оқиловалар ҳақида), “Садди Искандарий” достони”, “Хамса” (1941) сингари 50 дан зиёд адабий-танқидий мақолаларни эълон қилди. Шу кичик рўйхатнинг ўзиёқ Юнус Латифнинг билим ва қизикиш доираси кенг мунаққидгина эмас, балки 30-йиллар ўзбек танқидчилиги ва адабиётшунослигининг пешқадам намояндларидан бири бўлганидан шаҳодат беради.

Юқорида қайд этилган мақолаларнинг сарлавҳаларидан уларда нима тўғрисида сўз борганини англаш қийин эмас. Шунга қарамай, камина Ю.Латиф бир-икки мақоласига тўхтаб ўтмокчиман. Бугунги авлодлар ўзбек ҳалқининг Форобий, Ибн Сино, Улугбек, Бобур, Турди, Гулханий, Нодира ва Фурқат сингари машҳур фарзандларини яхши биладилар. Лекин мустамлакачилик зулми остида, инқилобий тала-тўплар даврида яшаган кишилар миллий маданий илдизларидан узилиб қолган эди. Шунинг учун ҳам XX асрнинг 10-йилларида “Ойна” журналида, 20-30-йилларда эса “Маориф ва

ўқитувчи”, “Ер юзи”, “Гулистан” сингари даврий нашрларда халқ-ни миллий тарихимиз саҳифалари билан, жумладан, жаҳон фани ва маданияти равнакига катта ҳисса қўшган улуг ўтмишдошларимиз билан таниширувчи мақолалар босилди. Ю.Латиф шу кутлуг ишга бош бўлган устозлардан ибрат олиб, ўзи ҳам шундай мақолалар ёзди. Алишер Навоий таваллуди 100 йил тўлажак кун яқинлашиши билан улуг шоир меросини ўрганишга жиддий киришилиб, ўнлаб мақолалар ёзилди. Бу мақолаларда Навоий ижодининг оламшумул аҳамияти ёрқин кўрсатиб берилди. Ю.Латиф “Алишер Навоийга бағишлиланган виставка” деган мақоласида кўргазмада намойиш этилган ноёб тарихий осори атикаларни кўриб, буюк ўзбек шоирининг бўш заминда эмас, саноати, қишлоқ хўжалиги, фани ва маданияти IX-X асрлардан бошлаб ривожлана бошлаган серҳосил заминда майдонга келган, деган фикрни олға сурдики, бу айни пайтда ўзбек халқининг жаҳон цивилизацияси бешигини тебратган халқлардан бири бўлган, деган фикр ҳам эди.

Юнус Латиф 1936 йилда машхур осетин шоири Коста Хетагуровнинг юбилейи муносабати билан ўзбек ёзувчилари делегацияси таркибида Грузияга боради. У Кавказ сафаридан олган таассуротлари асосида бир неча шеър ва “Отқиз” эртак-достонини яратади. 1939 йилда “Салом, меҳрибон” шеърлар тўпламини нашр этади. 1940 йили эса “Қоракўз ойим” достонини ёzádi. Шоирнинг “Салом, меҳрибон” шеърлар тўпламини вараклар эканмиз, Кавказдан ташқари, Сибирь кенгликларига қилган сафари натижасида туғилган хис-туйгулари, лирик кечинмалари билан ҳам танишамиз. Чунончи, унинг Новосибирск йўлида ёзилган “Ҳаммамиз ҳам бир одам” деб номланган шеъри бундай мисралар билан бошланган:

*Ватаним кенг... Мен қўзгалдим нахтазоримдан,
Поезд учар – деразамдан шўх шамол келур.
Икки ёним кўкалемзор, ўтлар эгилур,
Диёр гўзал ота-она, фарзанд, ёримдан.*

Ватанинг ота-она, фарзанд ва ёрдан гўзал эканлиги ҳақидаги сатрни ўқиганимизда, совет мафкурасининг шабадаси эсиб ўтгандек бўлади. 30-йилларда яшаб ижод қилган шоир ва олимлар қатори, Юнус Латиф ижодини ҳам шу мафкура таъсиридан холи деб бўлмайди. Аммо Юнус Латифнинг юқорида келтирилган сатрлари-

даги бу таъсир шоирнинг Ватани – советлар Ватанини илохий-лаштирганида сезилиб қолади. Ҳис ва туйгулари доим чақнаб турган шоир севимли рафиқаси Софияга бағищланган шеърида эса ўзбек табиати манзараларини бундай бўёқлар билан чизади:

*Оқшом шафақлари – дилёқар, дилбар.
Ким буркди уфқقا анор сувларин?
Ким ўпди коинот анор юзларин,
Қиз-қуёш ўткалааб ботар ҳар сафар.*

*Илон изи йўллар, ёмғирли кўча,
Шўх болалар аста бошлар қўшигин.
Девор орқасидан шафтоли-олча
“Ким экан булар?” деб солар қулогин.*

*Чорбог кўчалари жуда ҳам узун,
Ариқ ёнлаб кетар сигир, қўй, бузок.
Тегишиб ўтдиilar оқшом еллари,
Тон-тоза юракда не қўлсин ҳузун?..*

Бундай булоқ сувидек тиник сатрларини ўқиган киши уларда Юнус Латифнинг лирик қаҳрамонинигина эмас, балки шоирнинг ўзини ҳам кўргандек, унинг юрагидаги она-ватан ва ёрга бўлган муҳаббатнинг камалак рангларидан баҳра олгандек бўлади. Чиндан ҳам, бундай сатрларнинг тиник кўзгусида майнин табиатли, ҳаммани севган, ҳаммага яхшилик килиш истаги билан яшаган, муаллимлик сўзи, шоирлик, журналистлик ва танқидчилик қалами билан халиқда хизмат қилишга тайёр, ҳали ўттиз ёшга кирмаган Юнус Латифнинг айни ўзини кўриш қийин эмас.

Юнус Латиф 40-йиллар аввалида Тошкент транспорт институти қошидаги адабиёт тўғарагига раҳбарлик қилган. Ўша йилларда эндигина ўрта мактабни туттаган, физика ва математика сингари аник фанларга укуви бўлган ёшлардан бири мазкур институтга ўқишга кириб, адабиётта бўлган қизиқиши туфайли Юнус Латифнинг тўғарагига қатнаша бошлаган. Шу тўғарак машғулотларида иштирок этиб, Юнус Латифдек латиф инсон ва шоир билан мулоқот унинг кейинги ҳаётини тамомила ўзгартириб юборди. У устози таъсирида транспорт инженерларини тайёрлайдиган инсти-

тутни тарк этиб, ўқиши Тошкент педагогика институтига кўчирди ва таниқли шоир бўлиб улғайди. Бу йигитнинг исми - Ўзбекистон халқ шоири Шухратдир!..

Алишер Навоийнинг 500 йиллик юбилейига тайёргарлик ишлари авж олган 30-йилларда шоир ва адабиётшунос олим Юнус Латиф зиммасига улуг шоирнинг ўлмас асарларидан бири – “Маҳбуб ул-кулуб”ни нашрга тайёрлаш вазифаси тушган.

Юнус Латиф 1939 йили Навоийнинг “Маҳбуб ул-кулуб” асарини нашрга тайёрлаб, нашр этганидан сўнг буюк шоирнинг “Садди Искандарий” достонини тадқик этиб, нашрга тайёрлашга киришди. Орада Иккинчи жаҳон уруши бошланиб, матбуот ходимлари ҳарбий хизматга олингач, газета чиқарувчи кишилар сафи сийраклашиб қолди. Шундай кунларнинг бирида у “Қизил Ўзбекистон” газетаси мухаррирининг таклифи билан шу газетага адабий ходим бўлиб ишга ўтди. Аммо Юнус Латиф 1941 йилнинг куз ойларида Сулаймон Азимов бошчилигидаги “аксилинқилобий ташкилотнинг аъзоси” деган сохта айб билан қамоқча олинди ва, айтиб ўтилганидек, 1942 йил 5 сентябрда отиб ташланди.

Орадан 12 йил ўтгач, 1954 йил 19 январда, аксилинқилобий фаолиятда айбланган шахсларнинг жиноий ишларини кўриш бўйича тузилган Марказий Комиссия ЎзКП(б) МКнинг собиқ котиби Сулаймон Азимов ва бошқа шахсларнинг “жиноий ишлар”ини қайта кўриб чиқади. Шу нарса аён бўладики, 1941 йилда Ўзбекистон НКВД органлари ихтиёрида С.Азимов ва бошқаларнинг “аксилинқилобий жиноий ишлари”ни тасдикловчи бирор асос бўлмаган ва бу иш шахсан Ўзбекистон ССРнинг собиқ ички ишлар халқ комиссари Амаяк Кобулов томонидан бичиб тўқилган. А.Кобулов маҳбусларга нисбатан кийноқ усусларини кўллаганидан сўнг, айбланувчи Т.Жалолов ЎзКП(б) МК котиби С.Азимов томонидан гўё кўзғолон кўтариши мақсадида тузилган миллатчилик ташкилотига ёллангани ва, унинг топшириғига кўра, Эминов билан Ҳошимовни шу ташкилотга жалб этгани ҳакида кўрсатма берган. Т.Жалолов гўё аксилинқилобий ташкилотга аъзо бўлган шароит ҳакида сўзлаб, 1940 йил февраль ва июнь ойларида С.Азимов билан учрашгани ҳамда ундан гўё аксилинқилобий фаолият олиб бораётганини эшитган. Яна шу маҳбуснинг кўрсатма беришича, у 1941 йил сентябрида шаҳар айланиб, тасодифан Азимовнинг уйига рўйбарў келиб қолган ва шу ерда ЎзССР Халқ Комиссарлар Совети

раисининг собиқ ўринбосари, кейинчалик Ўзбекистон Фанлар академияси президенти профессор Кори Ниёзий ва Тошкент вилоят партия ташкилотининг собиқ котиби Йўлдошев иштирокида гўё “аксиалшўровий йигилиш” ўтказилаётганини кўрган. С.Азимов гўё йигилганларга Т.Жалоловни ўз одамимиз, деб таништирган ва шундан кейин улар советларга қарши фаолиятни кучайтириш йўларини муҳокама килишган.

Аммо, ҳамма гап шундаки, Азимов 1940 йилда автомобиль ҳалокати натижасида оғир жароҳат олиб, Сочи шаҳрида даволанган. Шунинг учун Т.Жалоловнинг уни шу вақтда Тошкентда кўриши, унинг уйида Кори Ниёзий, Муҳаммаджон Йўлдошев ва бошқа “аксилинкилобий ташкилот” аъзоларини учратиши асло мумкин эмас эди. Бинобарин, Жалоловнинг кўрсатмалари, Марказий Комиссия хulosасида айтилишича, бошдан-оёқ ёлғондан иборат бўлган. “Терговнинг жиной усуллари ёрдамида олинган бу кўрсатма, – дейилади Марказий Комиссия хулоласида. - Азимов ва бошқаларнинг қамоқка олиниши ва шафқатсиз равишда жазоланишига сабаб бўлган. А.Кобулов маҳбусларни қийнаш ва калтаклаш пайтида шахсан иштирок этиб, улардан аксиликлобий жиноятларни содир қилганлари ҳақидаги икрорномаларни олган”. СССР НКВД қошидаги Махсус Кенгаш эса шу сожта кўргазмага асосланган ҳолда Сотти Ҳусайн билан Юнус Латифни ўлим жазосига хукм қилган. АйбланувчиFaфур Расулов лагерда ҳалок бўлган. Бошқа айбланувчилар эса жазо муддатини ўтаганларидан сўнг ҳам она юртларига қайтарилмай, доимий яшаш учун Сибирдаги олис ва совуқ сургунгоҳларга юборилган.

Эндиғина 32 ёшга тўлган шоир ва танқидчининг ҳаёти шу зайлда фожиали тугади. Шўро давлати бу мудҳиши воқеадан аввал унинг акаси Юсуф Латифни ҳам маҳв этган эди. “Халқ душмани” сифатида отилган икки ақанинг ука ва сингиллари, якин кариндон-уруғлари ҳам қатағон даврининг аччиқ тузини тотиб яшаганлар.

*Сироҗиддин АҲМАД,
“Қатагон қурбонлари хотираси”
музейи, бўлим мудири, с.ф.н.*

ҒОЗИ ЮНУС ФЕЛЬЕТОНЛАРИДА ДАВР ҲАВОСИ

Ўтган аср бошларида кўпгина қаламкашлар ижтимоий-сиёсий ва лирик асарлар ёзиш билан бирга ҳажвий асарлар ёзиш борасида изчил ишладилар. Муқимий, Фурқат ва Завкий бошлаган ҳажв йўналиши Европа ҳажвчилик андозасида ўзгача бир шакл ва мазмунда ривож олиш билан бирга миллий ҳажв адабиёти жанрлари, пайровлари билан бойитгилди. Ҳажвиялар 20-йиллар матбуотида кўпинча “Ҳангома”, “Кичик фельетон”, “Фельетон”, “Кулгу” рукнлари остида чоп этилди. Аммо дастлабки икки жанр Абдулла Қодирий, Ғози Юнус, Чўлпон-Абдулҳамид Сулаймон, Намакоб-Назир Тўракулов, Чаён – Муҳаммадшариф Сўғизода, Ботурбек – Ҳожи Муъин Шукрулло ва бошқалар қалами билан гуруллади. Сабаби октябрь давлат тўнтаришидан сўнг собиқ империя, хусусан, Туркистонда вужудга келган бошбошдоқликлар, маҳаллий ахолининг янги тузумни қабул қиласлиги, ҳарбий коммунизм деган талотум даврнинг реквизиция, контрибуция каби зулмлари, лавозимларни эгаллаб олган фирибгар-у, собиқ чиновник мулозимча кимсалар қилмишлари, янги хукуматнинг улардан қолишмайдиган қаззобликлари ҳажвчилар учун ҳар нафасда янги-янги мазвуяларни тақдим эта борди. 30-йилнинг охиirlаригача ҳажвчиларнинг наштари мойга ботмади. Шу боис ҳажвчиларнинг наштари синмай-синдирилмай, кўп едирилмай ишлади, десак муболага бўлмайди.

Ўтган аср 20-йиллар матбуотида ҳажвчиликда биринчи ўрин ҳақли равища Абдулла Қодирийга берилди. Ғози Юнус у билан тенг кўйилди. Намакоб-Назир Тўракулов ва бошқалар улар билан қадам боқадам бордилар. Адабиётшунос Абдураҳмон Саъдий “Туркистон”²¹ газетасида босилган “Олти йил ичida ўзбек шеърий адабиёти” мақоласида куйидагича ёзади: “Ўзбек шеърий адабиётининг кўзга кўринадурғон бир томони эса ҳажвий қисмидир. Бу давр ичida уч қалам ўзини очиқ танита олди: Жулқунбой, Ишчи, Шапоқ маҳзум. Булар “Иштирокион” газетасидан бошлаб ишлад

²¹ “Туркистон”. № 294, 1924 йил, 21 июнь.

келдилар. “Қаландар” ҳам шуларга қўшилди. Ҳажвлар кўпрак сиёсий ва ижтимоий мавзуларда бўлди.

Бирок Жулқунбой қаламининг умуман ҳажв бобида санъаткор ва кучлик бир қалам эканин бу жойда алоҳида қайд этиб ўтмасдан бўлмайдир.

Ўзбек ҳажвий адабиётини тараккий эттиришда “Муштум” журнали билан бирга Гози Юнусни ҳам санамогимиз тарихий вазифамиздир. Бу адид бир ёқдан ўзининг нашр эттирган томошаликлари билан ўзбек саҳна адабиётининг тараққийси учун тиришган бўлса, ўзбек ҳажвий адабиётининг кенгайтирилиши, ўсиши учун яна ортиғроқ куч сарф этиб келадир. Шунинг ташабbusи ва гайрати билан “Муштум”нинг чикиши ва унинг давоми ва ҳамон тарақкий эта бориши бунга шоҳиддир”²².

Чамаси Саъдий Гози Юнуснинг “Ишчи” ва “Шапоқ маҳзум” тахаллуслари билан ҳажвий асарлар ёзганидан хабарсиз бўлса керак. Шу боис икки тахаллусни алоҳида тилга олиб ўтган.

Гози Юнуснинг бир қатор ҳангома ва кичик фельетонлари ижтимоий-сиёсий, маърифий масалаларга каратилган. Жумладан, “Ишчи” имзоси билан “Иштирокион” газетасида 1919-1920 йилларда чоп қилинган “Ойлик орқасинда”, “Масъулият” “Шоирлиқ ва шуҳрат учун жоним фидо”, “Ости-устига”, “Фельетон” (Мажлис-бозлиқ ҳакида); “Шапоқ маҳзум” имзоси билан 1921-1924 йилларда “Қизил байрок”, “Туркистон” газеталарида босилган “Дафъи эҳтиёж”, “Жойинг жаннатда бўлсун”, “Ислом ва коммунизм”, “Кечаларимиз”, “Бечора Розиқбой ака”, “Маймунларимиз”, “Навбати билан”, “Омин”, ”Текинга жаннат йўқ”, “Эҳее, базмимиз таралла гижданг”, “Номоз куни”, “Нима қилмоқ керак”, “Алдамокқа ёш бола яхши”, “Театр биноси”, “Бозори шаб” кичик фельетонлари эътиборга сазовор.

Ўша даврда шоирлик ва енгил шуҳрат кетидан қувган кишилар газета таҳририятига бир талай-бир талай “шеър”лар юборишган. Уларнинг орасида истеъододсизлик, ҳаваскорона тарзда ёзилган шеърлардан ташқари, бирорларнинг асарларини ўз номидан чиқармоқчи бўлган шуҳратпараст кишилар ҳам бўлган. “Шоирлиқ ва шуҳрат учун жоним фидо” ҳажвиясининг асосий қаҳрамони фаолиятини шоир ўз номидан баён қиласди. “Инсоннинг кўлиндан ҳеч нарса кутулмас” деган ҳикматни келтириб, шоирлик ва шуҳратни

²² “Туркистон”. №294. 1924 йил, 21 июнь.

орзу қилиб, Фитрат ва С.Айний шеърларини ўз номидан матбуотга юборган кишининг ахволи рухиясини очади. Шеър оддий кўчирмакашлик эмас, балки худо томонидан бериладиган бир истеъодд эканлигини уқтиради. Матбуот ходимлари шеър юборадиган одамларга қандай муомала қилишини уқтириб кўяди: “Бу албатта манга қаттиқ тегди, – дейди шуҳратпараст шоир. – Чунки ман “Ойина” журналиға қараб ёзмафон бўлсан ҳам, ойнага қараб ёзғондирман. Наки десангиз ёзғон шеърларим “С.Айний”нинг ёзғон шеърининг худди ўзгинасиdir, шунинг учун манинг ёзғон шеърларимни “Иштирокион” идораси ўғурлаб ёзғон деб гумон этмасун эди”, деган кесатик билан туттади.

20-йилларда кўтарилиган бошлангич мактаблар масаласи бир оз ҳал қилинган бўлса-да, аммо вилоят ва қишлоқ жойларда ушбу масалага умуман эътиборсизлик билан қаралаётгани муаллифни ҳаяжонга солади, ҳатто бир оз жигибийрон ҳам қилади. “Биз Туркистон жумхуриятида яшовчи маҳаллий ҳалқнинг илмсизлиги орқасида ҳозиргача ҳам энг кийин ва фожиалик ҳоллар кечириб турганин кўрамиз”, – деб ёзди Шапоқ маҳзум “Нима қилмоқ керак” кичик фельетонида. “Шаҳарда бўлса ерлик меҳнаткаш (Фарғона мустасно) ижтимоий бир йўлга секин-секин бўлса-да, кириб борадур. Уездларда бундай ўзгариш бўлгани йўқ. Уездга чиқкан киши ерлик ишчи-меҳнаткаш кундан-кунга инқирозға юз тутиб турғонин ўз кўзи билан кўрадир. Мактаблар очилмаган, очилгани ёпилган, Уезд ижроқўми қарамайди.

Маҳаллий ижроқўмларнинг кўпи мактаб деган нарсани кўнгилга ҳам келтирмайдилар. Тошкент билан Чимён орасида мусулмон мактабларининг барчаси ёпилғон...

Ўқитувчиларнинг кетиб қолиши бир сабаб. Эски кўркув давом этади. Рус қишлоқлари матбуот билан таъмин қилингон ҳолда ерлик ҳалқнинг қишлоқлари(да) бир йил турсак ҳам бир нашр, газет ёки бир дона қизил адабиётни кўриб бўлмайдир”. Туркестанпечат, давлат нашриёти вақтида газета-журналларни босмаётгани учун матбуот жойларга вақтида етиб бормаётганини танқид қилади. Қишлоқларда терлама касали авж олаётгани, Соғлиқни саклаш комиссарлигининг эътибори бу масалага жалб килинар экан, муаллиф масаланинг тубини ишора йўли билан очади. Яъни ҳали ҳам давлат идораларининг муҳим ўринларида маҳаллий ҳалқни ўйламайдиган сайёр кишилар кўлида эканлиги уқтирилади.

Театр санъати доимо адебнинг кузатув доирасида бўлган. Унинг “Алдагани ёш бола яхши” кичик фельетони шу масалага қаратилган. Ўзбекистонда театр санъатининг илк қадамлари XX асрнинг дастлабки ўн беш йилига тўғри келди. Бу даврда чор ҳукумати турли йўллар билан бу соҳага қаршилик кўрсатгани мутахассисларга маълум. Аммо ўзини миллий маданият ва собиқ эзилган ҳалкларнинг халоскори деб эълон қилган совет ҳукумати ва комфирика миллий маданиятнинг тараққиётига тиш-тирноғи билан қарши турди. Айникса, чор ҳукуматидан қолган собиқ мулозимваччалар бу йўлда жонбозлик кўрсатдилар. Қўлимизда тўпланган архив материалларида уларнинг қилмишни фош этувчи ҳужжатлар мавжуд. Аммо бу масалани давр матбуотида кўтарилиши масаланинг ўша вактда долзарб бўлганини кўрсатади. Ҳажвчи ўтмишда чор ҳукумати ўзини маҳаллий ҳалқнинг отаси деб, алдаб, аллалаб аҳолини ижтимоий-сиёсий жиҳатдан ухлатиб келганини баён қиласар экан, “театрларимиз маҳаллий ҳалқнинг ўз қўли билан ясалган “ҳаммомпиш”²³ ларда давом этадир. Ўлка театру бўлимида отамиз Юреньев²⁴ бобойлар “отам манга санойи нафиса олиб беринг” деб ийғлагувчиларни ҳамон алдаб, тебратиб келадирлар.

Музикамизнинг ҳолига кулмакка ҳам йиғламоққа мумкин. Ҳаммасини ҳам қўйинг-га, янги шаҳарда кўпдан бери давлат цирки (от ўйинхона) бор, бу ерда ҳар куни янги нашр ўйинлар кўрсатиб, ҳалқни мамнун килиб турғонда, эси паст ўзбаклар ҳам от ўйин сўраб йиғласун учун Маориф комиссариати янги шаҳардаги от ўйинхонасининг отхонасини эски шаҳарга кўчириб турди. Ҳафтада бир неча мартаба ўзбеклардан ақча олиб, шу отхонага қамаб, отларнинг беда еб, сув ичувин кўрсатадир. Бизнинг от ўйинхонамиз ўтгандаги “отнинг думи охурға бўлиб қолубдур” хикоясига жуда ўхшайдир.

Биз энди жуда овундик. Энди алдаб овора бўлмасалар ҳам бўладир. Мундан кейин сира йиғламаймиз. Маориф комиссариатидан ўтинализки тездан эски шаҳардаги отхонасини кўчириб олиб кетсун”.

Агар фельетон ёзилган даврдаги ўзбек театри, музика санъати аҳволига эътибор берадиган бўлсак, шуни очиқ айтиш керакки,

²³ “Ҳаммомпиш” – болалар лой ва тупроқдан кичик тепача қилиб ясайдиган ўйин.

²⁴ Юреньев – собиқ чор офицери, Самарқандда ишлаган рус театрининг режиссери, 1919-1920 йилларда Ҳалқ маориф комиссарлиги Театр бўлимининг бошлиги.

йилнинг (1921) бошида миллий театр тўғрисида ўзини ғамхўр килиб кўрсатган совет ҳукумати орадан алла қанча вақт ўтса-да, миллий театр трупласини саклаб туришга имконият бермаган. Ҳолбуки шу даврда рус театрларига ғамхўрлик катта бўлиб, уларга давлат бюджетидан минг-минглаб сўмлар ажратилар эди. Ҳалққа қилинган вазъдалар, айниқса, “Туркистон тил-имло қурултойи”да кўтарилиган санъат ва маданият масалалари бажарилмай қоғозда қолиб кетади. Бу масала муҳтор жумхурият театр бўлимига бошлиқ бўлиб олган Юреньевлар кўлида эди. Шу боис пурратга олувчи кишилар топилмагунча театр биноси қурилмади. (Факатгина 1926 йилда бу бино қуриб битказилди, аммо уни қурган кишилар 30-йиллар оммавий жазолаш даврида изсиз йўкотилди.)

Фози Юнус журналист, ҳажвчи сифатида бу масалага бир неча марта мурожаат қилгани маълум. Унинг “Камчиликларимиз” фельетонида янги иктисадий сиёсат даврида театрлар тушиб колган аҳвол ёритилади.

20-йилларда турли номларда фаолият олиб бораётган театр тўдалари иқтисодий тақчиллик туфайли бадиий жиҳатдан талабга жавоб берадиган спектаклларни кўрсатишга имконияти бўлмаган. Шу боис репертуар ҳам бойитилмаган. Чайқовчилик авж олган. Ўзини театр тўдаси деб эълон қилган айрим трупалар “Шарқ кечаси” номи остида пул ишлашни мақсад қилиб енгил номерлардан иборат концертларни ташкил этишган. Октябр ўзгаришидан илгариги даврларда кўрсатилган “Ҳасан оғо”, “У ерда унақа, бу ерда бунака”, “Туркистон табиби” каби бир пардали ҳажвий асарларни енгил-елши намойиш қилишган. Ҳалқнинг эътиборини жиддий асарларга қаратиш, бадиий асарларни намойиш этиш масаласи қолиб кетаётгани, автоном республика Театр бўлими бу масалага шовинистик ёндашаётгани фельетоннинг ички мавзусидир.

“Жонинг жаннатда бўлсун!” фельетони ижроқўм қошида фаолият олиб борган сиёсий оқартув (политпросвет) бўлимининг тугатишишига бағишиланган. Фози Юнус барча ҳангома ва фельетонларига хос бўлган кесатиқ, узиб олишдан фойдаланмайди. Бу фельетонда заҳархандаликни қўллайди. Ушбу фельетон “Бундан бир неча кун илгари тиф тегиб, эски шаҳар сиёсий маориф бўлими вафот этди” деган заҳарханда жумла билан бошланади. Фельетончи бу ташкилотнинг ўзбек маданиятини юксалтиришга сариқчақалик ёрдами тегмаганини баён қиласиди: “Сиёсий маориф келтирган

фойдаси... бутун ер юзидаги дарактлар қалам бўлса, бутун дунё бақамалари “фалокат босиб” сиёҳ бўлса, денгизларнинг суви шу сиёҳларга кўшулса, дунё юзидан “нон” деганда, кесак ғириллаган... муҳаррирларга ҳазрат Хизр билан Илёснинг умри берилса ҳам мадхия ёзиб тамом қилолмайдир”.

Айнан сиёсий маорифнинг айби билан маданият ва санъат ўчоқларидан кўпгина мутахассислар чекинди, ҳаваскорлар танлаган соҳасида истиқбол кўрмагани учун ташлаб кетди. Муаллифнинг тўғри таъкидлашича, эски шаҳар “театру ва кинематографи маънан йўқ қилинган”, шу ташкилотнинг ўзи турли труппаларни тузган ва уларни бир-бирига қарши кўйган. Муаллиф бу ташкилот аввалига “Турон” ва “Тараққий” труппаларини қайта ташкил этиб, кейин уларни тарқатиб юборганини назарда тутмоқда. Ўзбек музика мактабини тузиш ҳам талқон қилинганини ёзади. Унинг “кўкариб келаётган ўзбек санойиъ нафисасининг тагига қайноқ сув күйилди” деган сўzlари сиёсий маориф фаолиятига берилган ҳаққоний баҳо эди. Умуман бу ташкилотнинг йўқ бўлиши миллий маданият учун фойдали деган фикр беради. Шу сабабли фельетонни ниҳоятда оғир тилак билан тугатади: “Оҳ...! Марҳум гўрингда тинч ёт ва осоийшта ёт, ҳеч кўзголма. Тупргинг енгил, юкинг оғир бўлсун!”

Фози Юнус қаламга олмаган мавзулар жуда оз. Ўз даврида соидир бўлаётган турли ташкилотлардаги воқеалар, улардаги сансоларликлар, дин масаласидаги ҳолатлар, мадрасаларда ўтказилаётган ислоҳотлар ҳажвчининг эътиборида турган. 20-йилларда давлат ташкилотларида фуқаролар ёки мансабдор шахслар турли ташкилотлар ёки мажлисларга ёхуд йигилишга чақирилганда келмаса, масъулият, яъни жавобгарликга тортилиш ҳақида дўй-пўписа қилинган. Кўпгина ташкилотларда мажлисбозлик авж олган. Одамларнинг талайгина вақтлари бекор ўтган. Ҳажвчи “Фельетон”²⁵ да ана шу масалани кескин қоралайди. Самарқанд вилоят Каттакўрон шахрига юборилган сиёсий муҳбир хабарларига асосланиб, шаҳар раҳбарлари ўтказган мажлисларда нотиклар керакли ва кераксиз мавзуларда соатлаб гапириб, одамларни асосий масаладан чалғитиб юбориш, ўринсиз баҳс-мунозаралар, толиқтириш кўп бўлгани учун халқ мажлисларга келмай қўйганини кесатик йўсинда ифодалайди.

²⁵ “Иштирокиён”. 1920 йил, 3 сентябрь

Ҳажвчи мажлислардан күнгли қолган халқнинг аҳволини қуидаги таърифлайди: “Эй ожуннинг Тангриси! Туркистондан чиқғон нотиқларнинг дастидан биз тезликдан меҳнаткашларни куткарсангчи. Эй банибашарнинг ҳомийси Карл Маркс отам, ҳурриятдан бери йигинларга бора-бора азбарой худо жонимизга тегдику? Нимага десанг, йигинларга бориб турлик түзсиз сўзларни эшитамиз. Бечора нотиқлар сани қўйдирив ёзғон асосий сўзларингни жуда давдала қилиб юбордилар²⁶. Кўп вақт пуч ёнғоқ билан қўйнимизни тўлдириб, гоҳо миямизни қоқиб қўлимизга берур, гоҳо бизнинг ҳуқуқимизни билмазга тўққиз пулдак килиб тўкуб беродурлар. Натижада, ҳемири фойдасиз бўлуб чиқардур”. Шундай фойдасиз мажлислардан кейин халқнинг мажлислардан безиши табиий ҳол. Аммо мажлис ўтказувчи идоралар топқирлик қилиб, турли томошалар, кураш воситасида халқни жалб этишга уринган. Муаллиф ўша мажлис хусусида тўхталиб, нотиқларнинг ҳақиқий исм – фамилиясини айтмай, рамзий номлар билан атаб, улар халқнинг вақтини бекорга олишларини ҳажв қиласади. Мажлисларни ўтказишни тартибга солиш масаласида кулгили таклифлар беради:

“1. Тездан шаҳарнинг қоқ ўртасида йигинга маҳсус бир бино этдириб, нотиқлар нутқ сўзлаганда ишларини тўплаб қўюв;

2. Халқни йигинга жалб этмак учун йигин куни от ўйин ёки кураш қилдирув;

3. Бу қарорни тасдиқ этдирмак учун кўпияси билан бино учун бир исмета ясад, марказ нотиқлар комиссариятига юборув”.

Ўшандай вазият Тошкентда ҳам содир бўлган. Жумладан, 1920 йил сентябрь ойида Бокуда ўтадиган Шарқ халклари қурултойига вакил сайлаш мажлисига халқ келмайди, шунда замонавий ёшлар севадиган музика ёрдамида одамлар мажлисга чорланади. “Охири “камзул йиртгар” талабаларнинг мусиқаси билан Абдулла қонунчини²⁷ худо хайрини берсин, музика ғарт-гурути билан, Абдулла қонунчи ахлоқсиз музика билан жуда кўп халқни йигиб берди” – дейди. – “Машхур... нотиқларимиздан ўрток Кўқонхўжаев²⁸ халиқка

²⁶ Бу киноядир.

²⁷ Абдулла қонунчи – XX аср боши ва биринчи чорагида яшаган таржимон. Бу кишининг саводи бўлмаган, аммо чор ҳукуматининг Тошкентдаги адлия муассасалардан бирида қоровул бўлиб ишлаш чогидан ҳукумат қонунларини эшитиб, укуб олган ва жуда кўп одамларга пуллик хизмат кўрсаттан. Шу боис халқ уни Абдула қонунчи деб атаган.

²⁸ Бу йигинди таҳаллусга ўхшайди. Ўшан даврда Кўқонбой Абдухолик ўғли исмли жамоат ходими яшаган бўлса-да, у асосан Самарқандда фаолият олиб борган, Тошкентда

мажлис очилгонин эълон этуб, сўз навбати буюк файласуф шоирларимиздан Турк ўғли Турунчи²⁹ эканин билдириди. Халкнинг миясини қоқиб кўлига берди... Ундан кейин соқоли узун киши сўзлаб, халкни жуда севинтириди. Халқ нимага суюнади, дейсизми, шу “Уламо” жамияти тирилиб қолдими, деб суюнди”. Нотиқни тарихий шахс, Исаҳон аъламга³⁰ ўхшатади. Ундан кейин мажлисда сўз олган нотиқ Тотли³¹ кўп вақтни олгани, ундан кейин Кўқонхўжаев етти соат гапиргани айтилади. Ҳажвчи нотиқнинг сўзини тутол сўз дейди: “Бизнинг халқимизнинг адабиётида “тутол” деган бир сўз бор эмиш: “бир чумчук бир думалаб тая бўлиб, учиб бориб, бир киёфатдаға қарағанд, тужек оғирликдан қиёқ тоғ бўлғон эмиш” ва хоказо, демак Кўқонхўжа ўрток халқға етти соат тутол сўзлаб берди” дейди. Бинобарин мажлислардаги сўзланган нутклар мазмунан тутолдан ўзга нарса эмас, дейди муаллиф.

Давлат тўнтишишининг дастлабки йилларида нарх навосини суриштиримай маҳаллий халқ вакилларига товон тўлтиш (контрбуция), эл мол-мулкини давлат фойдасига ўтказиш (реквизиция) баҳонасида аҳоли таланганд. 1919 йилда Тошкентдаги Хўжа Аҳорори валий жомесида бу масалага бағищланган халқ йиғилиши ўтказилган. Йиғилиш Туркистон ҳукуматининг бу масаладаги фаолиятини қоралаган. Йиғилиш-митингда катнашган ҳукумат вакиллари иштирок этиб, ўз қилмишларидан тонадилар. Митинг ҳукумат олдига реквизиция ва контробуцияни тўхтатиш ва бир қатор таклифларни қўйган. Аммо шунга қарамай инкилобий бошбошдоқлиқ давом этган. Бу масала билан шуғулланаётган ташкилотларга ўз шахсий манфаатини ўйлайдиган шахслар ўрнашиб олган.

“Иштирокион” газетасида “Ишчи” таҳаллуси билан босилган “Ости-устига” кичик фельветони айни шу масалага бағищланган. Ташкилотларда ўрнашиб олган кишиларнинг фаолиятини “Ярим-ярим боғи” деган болалар ўйинига ўхшатади. Бу ўйинда болалар икки гурухга бўлиниб, ўзларига гурух раҳбари тайинлайдилар.

яшамаган. Иккинич бир Кўқонбоев, асли фарғоналиқ бўлиб, Тошкентта 30-йилларнинг бошида келган ва асосан ҳарбия комиссарнатда ишлаган.

²⁹ Турк ўғли – Туркистон совет республикаси комиссарларидан бири - Мухаммадали Юсуфалиевнинг таҳаллуси. У кўпинча “Иштирокион” ва бошқа газеталарда М.Али имзосини кўллаган. 1937 йилда катагон килинган.

³⁰ Исаҳон аълам Бадалхўжаев, 1920 йилда “Маҳкамай шаръия” бошлиги, кейинчалик фатво бўлими аъзоси.

³¹ Тотли – шарқшунос, “Турон” ва “Чигратой гурунги” аъзоси, ўша даврда эски шахар фирмә котиби Лазиз Азиззода (1897-1987)нинг адабий таҳаллусларидан бири.

Олишувда кайси томон ютқазса, ўша томон боласи ютган томон вакилини устига миндиради. Гурух бошлиғи кўрсатган манзилгача опчиб кетаверади. Кўрсатилган манзилга боргач, уй эгаси қандай буйрук берса шуни бажаради. Масалан, у йўлда давом этинг деб буюрса, опичган бола ост бўлиб кетаверади, агар у “ост-устига” деб буюрса мингган ост бўлиб, миндирган уст бўлади. Яъни вазият тақозоси билан ост-устга чикади.

Тошкент шаҳрида 1917 йил охирида собиқ лошмон, яъни мардикор-ишчилар ташаббуси билан ташкил қилинган “Мехнаткашлар ташкилоти” ва “Турон” жамияти фаолият кўрсатган. Ана шу икки ташкилотни “Ярим-ярим боги” ўйинидаги болалар гурухига ўхшатади. Гурух курашида “Турон” чакқонлик қилгани учун “Мехнаткашлар ташкилоти” қўйига тушиб қолади. Ана шу даврда контрубуцияга тортилган кишилар орасида оддий меҳнаткашлар ҳам, ўртаҳоллар ҳам бўлган. Кейинги ташкилотта манфаатпаста кишиларнинг келиши натижасида норозик аризалари давлат идораларида ёғила бошлаган. Бу ҳақда Фози Юнус “ҳақсиз контрубуция солунган кишилар хусусида ўз вақтида “Иштирокион”да ёзғон эдим”, дейди. Фельетонда бу масалага янада кенгроқ ёндошади. “Тўғрисини ёёсанг тарафкашлар тарафиндан сўкулурсан. Эндиғи вақтда озми, кўчаларда тутуб сўкканлари, майли, сўқаберсинларчи. Контрубуция комиссиялари ўзининг боёкиш боласиндан ғариб кўрсатса-да, ишлаган жиноятида майдонда турубдурки, келиб зиёфатин едирган буржуйларни қолдируб кетиб, ҳатто реквизиция қилинган арабаларин қайтуб олиб берди. Бундан бошқа ишларини ёза берсак гап кўпайиб кетар” дейди. Аммо меҳнаткашлар ҳам тинч ётмай темир йўлчиларга мурожаат қиладилар. Улар устиларидаги рӯдаполарни, яъни манфаатпастларни тушуриб ости-устига дегандек “Ҳозир эски шаҳарда халқ хукумати қурулуб, хукумат ишчилар қўлига ўт”ганини маълум қиласиди. Фельетон синфиий нуқтаи назардан ёзилгандек таассурот қолдирса-да, аслида совет хукумати Туркистонда олиб бораётган ғайриконуний сиёсатни ҳажвий бўёкларда акс этдиради. Махаллий ахолини оғир тўловлар билан букиб қўйилгани далилланади. “Бечора Розикбой ака” фельетони шу мавзунинг ўзига хос давомидир.

Фози Юнус – Шапоқ махзумнинг “Бечора Розикбой ака” кичик фельетони тошкентлик Розикбой Каримжонбой ўғлига бағишиланган. Бой совет хукуматига 50 минг сўм товон тўлаган. Унинг доимо

эски вақтларни қўмсаб яшашини ҳажвий тарзда очишга уринган. Розикбой тушида ўзи соғинган даврни кўради. Николай билан учрашувга пошишо томонидан совға қилинган тўнни кийиб бормоқчи бўлиб сўраганди, ўғли Адҳам ЧК тинтуб (обиска) пайтида олиб кеттганини айтади. Ота-бола зинадан тушаётганда Розикбой уйғониб кетади. Фельетон юзаки караганди, ўтмишини қўмсаб яшаётган, совет давлати кафандаго қилган собиқ бойни тасвириласада, аслида ЧК халқнинг энг сўнгти нарсасигача талаганини тарих учун муҳрлаб кўяди.

1918-1919 йилларда на марксизмни ва на исломни чуқур билмайдиган Ориф Клиблеев, Неъмат Ҳакимга ўхшашиб кишилар марксизм билан исломни апок-чапоқ, aka-ука қилиб кўрсатишдек сохта ва қалбаки тушунчани Туркистон халқи орасида тарқатишга интилган. Халқни сиёсий соддалигидан фойдаланиб кенгашлар ҳукумати олиб бораётган гайриқонуний, тажовузкор сиёсат туфайли азоб чекаётган маҳаллий халқни сиёсий ва ҳарбий кўтарилишга айлан-маслиги, шўро тарихчилигига “Босмачилар ҳаракати” деб аталган халқ ҳаракатини кенгайиб, умуммиллий ҳаракатга айланиб кетишидан кўркиб, сохта фалсафа билан алдашга киришиган. Шалоқ маҳзумнинг “Ислом ва коммунизм” фельетони шу масалага багишлиган.

20 йилларда бўйига Петербургдан то Термизгача, энига Киевдан то Владивостокгача бўлган жўғрофий кенгликда жойлашган шаҳарларнинг барчасида турли соҳаларда, жумладан тажовузкор инқилоб мағкурасини ташвиқот қилувчи мақолалар матбуотда бо- силган ҳамда пулли ва пулсиз маърузалар ўтказилган. Ана шундай мақолалардан бири “Иштирокион” газетасида босилган Аитовнинг “Уламолар вазифаси”³², яна бир муаллифнинг “Шариат ҳукмийждан ҳукмидир”³³ мақолалариридир. 1921 йил декабрда Тошкентда “Ислом ва коммунизм” мавзууда маъруза ўқилган. Ҳажвчи маърузага тўхталаар экан, “дунё яратилғондан тортиб, дунё тамом бўлғунча ва бўлғувси нарсаларни сўзлаб, исломни коммунизмга, коммунизмни исломга татбик, ташрих этиб чиқди”. “Қаердандир Айтиб”³⁴ деган киши ўз вазифаси хомушлик экан, сўзлашга киришди”.

³² “Иштирокион”. 1919 йил, 10 июль

³³ “Иштирокион”. 1919 йил, 18 январь

³⁴ Айтиб – тўғриси: Аитов. Исли, касб-кори номалум шахс. Унинг кимлиги тўғрисида матбуотда хабар учратмадик.

Хомушлик, яъни куролсиз, ассосиз равища маъруза қилган ҳар қандай киши қоқилиши турган гап. Шу боис маърузасининг асоси бўлмагани учун муаллиф “Айитиб каби тескаричи бир ахмок айғирга ҳуррият калом берар экан, ҳал бўладирган масалалар ҳал бўлмайдир. Булар факир ҳалқнинг гўштини емоққа ва конини ичмакка ҳар вакт хозирдирлар” дейди. Масаланинг ниҳоятда заминсиз ва ҳалқни алдов учун қилинган бир иш эканини таъкидлайди. Шу боис сарлавҳа остига “Ана дўл, ана валвала, Ана тўй, ана томоша”, – эпиграфни келтиради.

Ҳажвчи ўз асарлари мавзуини ҳажв бўёқлари билан зеб берилган санъат асарига айлантиришга интилмайди. Унинг услубига кўра муаллиф ижтимоий, сиёсий ва майшний мавзуни ҳажв наштари билан ниш уруб кўрсатишида деб билган. Шунинг учун Абдулла Қодирий ҳақли равища унга эътироуз билдириган.

Фози Юнус – “Шапоқ маҳзум”, “Ишчи. F”. тахаллуслари билан “Иштирокиён”, “Қизил байроқ”, “Туркистон”, “Инқилоб” нашрларида босилган хилма-хил мавзудаги “кичик фельетон” ва “ҳангома”ларида ушбу жанрларга хос заҳархандалик, кесатик, киноя, бўрттириш, пичинг етакчи ўрин тутса-да, бироқ мавзуга публицистик ёндошув руҳи хийла устунлиги сезилиб қолади. Композиция, бадиий яхлитлик талаблари меъёрига етмагандек таас-сурот қолдирса-да, аммо давр ўргага олиб чиқкан ҳолатларнинг ўзи зеб берилмаса-да, ачинарли кулгулик ҳолатлар эканини уқтиради ва ҳалқнинг “ўлганимнинг кунидан қаҳ-қаҳ уриб куляман” хикматини хотирга беихтиёр келтиради. Шу билан бирга адабиётшунос Абдураҳмон Саъдийнинг Фози Юнус ҳажвиёти янада кувват олаётганини, “Ҳажвлар кўпрак сиёсий ва ижтимоий мавзуларда бўлди” деган фикрларини ҳар жиҳатдан тасдиқлайди.

Фози Юнус “Иштирокиён”, “Қизил байроқ”, “Туркистон” газеталари билан бир қаторда “Инқилоб”, “Машраб” журналларидан ташқари ўзи асос солган ва биринчи муҳаррир бўлган “Муштум” ҳажвий журналида талайгина тахаллуслар билан кўпгина шеърий ва насрый ҳажвияларни эълон қилганки, “Фози Юнус ва “Муштум” бу энди алоҳида мавзудир.

Зулхумор МИРЗАЕВА,
ЎзФА Тил ва адабиёт институти
катти илмий ходими, ф.ф.н.

САТТОР ЖАББОР ВА УНИНГ ИЛМИЙ-АДАБИЙ МЕРОСИ

Ўзбек адабиётининг олмониялик тадқиқотчиси Зигрид Клаймиҳел билан сұхбатда у ўтган асрнинг 20-йилларида Туркистандан Берлинга ўқишига юборилган талабалардан бири, бизга кимёгар олим сифатида маълум бўлган Саттор Жабборнинг “Кутулиш йўлида” номли адабий-танқидий йўналишдаги асари ҳакида гапириб қолди. Устоз адабиётшунос олим Наим Каримов “XX аср ўзбек адабиёти манзаралари” китобида ҳам ушбу манба Саттор Жаббор қаламига мансублигини таъкидлаб ўтганди³⁵. Аммо илмий жамоатчилик мазкур асарнинг мазмун-моҳияти, ёзилиш тарихи, сабаблари ҳакида ҳеч қандай маълумотга эга эмас. Шерали Турдиев “Улар Германияда ўқиган эдилар” (Тошкент, 2006) китобида ҳам асосан олимнинг кимё соҳасидаги фаолияти ҳакида маълумот берган. Демак, айтиш мумкинки, у ҳам Саттор Жабборнинг мазкур китобидан хабардор бўлмаган.

Кимёгар олимнинг Берлинда XX аср адабиёти тарихига оид китоб ёзиши тасодифми ёки бунинг бошқа бир сабаблари борми? Профессионал адабиётшунос XX аср адабиёти намояндадари ижодини қай даражада баҳоланганд? Фитрат, Чўлпон, Боту, Элбекка замондош олимнинг бу асари бизга маълум бўлмаган ҳакиқатларни очиш қалити бўла оладими, 20-30-йиллардаги адабий жараён ҳакида янги тасаввурлар бериши мумкинми?

Саттор Жаббор ҳаёти ва ижодига багишланган манбалардаги маълумки, у 1922-1931 йилларда Германияда яшаб, 1925-1931 йилларда Германиянинг Берлин ва Хайдельберг шаҳарларидағи ўрта ва олий ўқув юртларида таҳсил олган. 1931 йили Ўзбекистонга қайтиб, Ўрга Осиё давлат тиббиёт институтида дастлаб биохимия кафедраси, 1935-1937 йилларда эса ноорганик кимё кафедраси мудири бўлиб ишлаган, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш Халқ комиссарлигидаги коллегияга, ЎзССР Маориф комиссарлиги қошидаги Илмий кенгашга аъзо бўлган. 1937 йил 8 январда эса “аксилинқи-

³⁵ Бу ҳақда қаранг: К а р и м о в Н. XX аср ўзбек адабиёти манзаралари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008.

лобий мухожир миллатчилар ташкилотининг аъзоси” деган айб билан қамоққа олинган.

Саттор Жаббор Германияда профессорлар Шлейн ва Буденштейнлар билан яқин алоқада бўлган. Ўзбекистонда ишлаган пайтида эса хизмат вазифаси унинг немис профессори Энгланц билан мулоқотда бўлишини тақозо этган. Афсуски, бундай устоз-шогирдлик ва ҳамкараблик муносабатлари унинг қамоққа олиниши ва ноҳақ қатағон қилинишида аргумент вазифасини ўтаган. Олим 1938 йил 9 октябрда шахсга сигинишнинг бегуноҳ курбони бўлган.

С.Жаббор тергов органларига берган кўрсатмаларида ўзининг “эътиқодли миллатчи” эканлигини эътироф этган. Шунингдек, тазиқ остида “моддий манфаат юзасидан” мақолалар ёзганлигини ҳам тан олган. Бу иккала факт уни жар ёқасига олиб бориб кўйган. Бироқ бугунги кунда шўролар наздидаги “эътиқодли миллатчи”-нинг “миллатпарварлик эътиқодида событ турган инсон” сифатида талқин қилиниши кундай равшан.

Биз унинг мақола ва рисолалари икки факторга кўра юзага келган, дейишимиз мумкин. Улардан биринчиси миллий эътиқодга садоқат туфайли Туркистон адабиёти ҳақидаги мулоҳазаларини Farb матбуотида баён қилиш истаги бўлса, иккинчиси моддий манфаатдорликдир. Чунки Саттор Жаббор Германияда яшаган пайтида 1924 йилгача Бухоро Халқ Жумхуритидан стипендия олиб турган. 1926 йилдан 1930 йилгача Ўзбекистон жумхурияти стипендиясини ҳисобидан ўқиган. 1930 йилда стипендия тўхтатиб кўйилгач, у Берлин дорилфунуни қошидаги Александр Гумбольд жамгармаси томонидан берилган маблағ ҳисобига яшаган. Маълум муддат Браурай пиво заводи қошидаги кимё лабораториясида ҳам ишлаган. Демак, унинг Германия газета-журналлари - “Ост Ойропа” журнали, “Дейка Альгемейна Цейтунг”, “Дейш Таис Цейтунг” сингари газеталар учун ўзбек шоир-ёзувчилари ва бошқа адабиёт намояндалари ижоди ҳақида мақолалар эълон кила бошлаганлиги, бир жиҳатдан, ўқиши ва кундайлар эктиёжларини қоплаш мақсади билан боғлиқ бўлган. У жадид адабиёти намояндаларининг миллатпарварлик руҳида ёзилган шеърларини ҳам немис тилига таржима қилиб нашр этади. Жумладан, Фитратнинг “Қор”, Чўлпоннинг “Балжувон” шеърлари Берлинда, немис тилида илк бор нашр этилган.

Албатта, унинг бошқа соҳага қўл уриши сабаблари изоҳланар экан, “кўлдан кетган” ватандаги ижтимоий-сиёсий, адабий-илмий

жараёнларга бефарқ эмаслиги фактори доминантлик қиласы. Бино-барин, С.Жабборнинг маколалар ёзиш, “Кутулиш йўлида” китобини яратиш ва таржимага кўл уришдан икки максадни - Туркистондаги ижтимоий-сиёсий воқеаларнинг асл моҳиятидан олмон халки (кенг маънода бутун Европа)ни хабардор килиш ва шундан маънавий-руҳий қаноат тувиш ҳамда иқтисодий тангликтан кутулишни кўзда тутади.

С.Жаббор миллатнинг бир зиёлиси сифатида Тошкент кутубхонларининг вайрон бўлаётгани, маҳалий аҳоли ўргасида мустамлакачи давлатнинг ижтимоий, миллий ва иқтисодий сиёсатидан норозилик кайфиятининг кучайгани, хорижда таҳсил олаётган талабалар оиласига кучли босим ўтказилаётганинга бефарқ қараб тура олмасди. Бу ҳақдаги хабарлар унинг ёш ва қайнот қалбини ларзага солган, фикрида түғён уйғотган. Таассуфки, 1930 йилларнинг охирларига келиб, бу жараёнлар унинг шахсий ва оиласиги ҳаётини ҳам четлаб ўтмаган.

С.Жаббор кунларнинг бирида Туркиядан ўқишига келган ёш Хайри Тоқай билан Берлин шаҳридаги “Озари” ресторанида учрашиб қолади. Ҳайри Тоқай Берлинга эндиғина келган ёш турк талабаси бўлиб, бу ерда иқтисодиёт соҳаси бўйича таҳсил олаётган эди. Тасодифни қарангки, турк талабаси ҳам иқтисодий тангликтан қийналаётганди. (Аслида, 1920-1930 йилларда хориждан Германияга ўқишига келган бошқа талабалар ҳам моддий жиҳатдан бирдек азобланишган.) Саттор Жаббор ва Хайри Тоқай бу оғир вазиятдан кутулиш учун Туркистон адабиёти ҳамда ўлқадаги ижтимоий-сиёсий воқеаларга оид китоб ёзишни режа қиласидар. Улар ёзилажак китобни “Кутулиш йўлида” деб номлашни режалаштиришади. Дунё эътиборида бўлган Марказий Осиёдаги сиёсий-ижтимоий жараёнлар Туркия фуқароларини ҳам эътиборсиз қолдирмаслигини билиб, уни Туркияда нашр этишини мақсад қилишади. Саттор Жаббор турк тилини, Хайри Токай ўзбекчани билишмагани сабаб улар ўзбек-турк тиллари қўшилмасидан иборат ўрта бир лисонда мулоқот қилишган. Китоб матни ҳам мана шу “ўрта тил” асосида ёзилган. Зигрид Клайнмиҳел ушбу китобга ёзган тақризида унинг тилини “гибрид тил”, деб атайди³⁶. Саттор Жаббор ва Хайри Тоқай матн устида олти ой тинимсиз ишлайдилар. Ниҳоят, 1931 йилда

³⁶ Kleinmichel, Sigrid. A work on Central Asian Literature in a Turkish-Uzbek mixed language // Kunde des Morgenlands, Wien, 2004. – Pp.382-389.

китобни нашрга тайёрлаш ишлари тугайди. Саттор Жаббор уни угзози (Шлейн ёки Буденштейн бўлса керак) лабораториясида, икки нусхада, немис харфларида терив чикади ва бир нусхасини Хайри Тоқайга бериб, иккincinnisinи ўзи билан олиб қолади. Отасининг кутилмаган вафотидан сўнг С.Жаббор ўқишини ташлаб, 1931 йилнинг март ойи охирларида Тошкентта қайтишга мажбур бўлади.

Табиийки, С.Жаббор мазкур китобнинг асл нусхасини ўзи билан Тошкентта олиб келади. Тошкентта қайтгач, у ўртоғи Хайри Тоқайга фақат биргина хабар юборади. Мазкур хабарда ўзининг Тошкент Давлат тиббиёт институтида дарс бераётганлигини билдирган. Германиядан жўнаб кетиши олдидан замон қалтислиги боис, икки ўртоқ ўзаро алоқаларида эҳтиёткорлик юзасидан маҳсус кодлардан фойдаланиш ҳақида келишиб оладилар. С.Жабборнинг мазкур ҳатида ҳам Тошкентдаги оғир турмушга оид баъзи бир изоҳлар код орқали ўз ифодасини топган. Хайри Тоқай дўстига бир неча марта ҳат ёёса ҳам уларга жавоб ололмайди. У С.Жаббордан бирор-бир хабар олиш умидида Берлиндаги туркистонлик талабалар учрашадиган кафе-барга бир неча марта боради. Аммо ҳеч бир натижа бўлмайди. Георгий исмли сотувчи Хайри Тоқайга Тошкентдан хабар кутишини маслаҳат беради. У бир неча ойдан кейин кафе-барга борганида, дўстининг Сибирга сургун қилинганини ҳакидаги хабарни эшигади.

Бу тарихий ҳакиқатга мос эмас. Чамаси, 1937 йилда С.Жаббор сингари “халқ душмани” сифатида айбланиб, қамоқقا олингган кишилар ҳақида тарқалган “миш-миш”лардан биридир. Бу хабарни эшитиб, чорасиз колган Х.Тоқай китобни ўғлига қолдиришга мажбур бўлади. 1931 йилда нашр этилиши мўлжалланган китоб орадан кариб 70 йил ўтгач, 2000 йилда Истанбулда чоп этилади. Кўлёзма тилшунос олимлар А Сумру Ўзсој, Эсра Карабасак, турколог Клаус Шўниглар томонидан тайёрланган, Ингеборг Балдауф сўзбошиси билан нашр этилган.

Ушбу кўлёзманинг С.Жаббордаги нусхаси ҳақида ғоятда кам маълумотларга эга бўлганимиз боис унинг аслиятга нечоғлик адекватлиги ҳақида сўз юритиш имконсиздир. Мұҳаррирларнинг фикрича, “Кутулиш йўлида” китоби Хайри Тоқайнинг 1931 йилдаги нусхаси асосида нашр этилган ва бу ҳозирча матннинг ягона нусхаси ҳисобланади. Китоб кўлёзмасининг ҳар бир сахифасида ўрта тил асосидаги асл кўлёзма матн, иккincinnisida унинг инглизча

таржимаси берилган. Мұҳаррирлар китобхонлар даврасини көнгайтириш мақсадыда унинг дастлабки бўлимларида ўзбек ва турк тилларининг лексик, фонетик, фонологик, морфологик хусусиятларини Саттор Жаббор ва Хайри Тоқай тайёрлаган матн асосида текширишган. Аммо Зигрид Клаймихел ушбу китобга ёзган тақризизда матннинг тил нуктаи назаридан қилинган таҳлилидан коникмаганлигини айтади. Унинг фикрича, мутахассислар 1930 йиллардаги ўзбек ва турк тилларини яхши билмаганликлари, матн замонавий туркий тил меъёрлари нуктаи назаридан таҳлил қилинганини боис унда жуда кўп хатоларга йўл қўйилган. Немис олимаси шундай хатоларни мисоллар билан аниқ кўрсатиб берган³⁷.

Муаллиф китобнинг дастлабки (“Туркистанда янги шоирлар”) бўлимида туркий халклар ўтмиши, тарихи, мумтоз адабиётимиз намояндалари Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Лутфий, буюк алломалар Мирзо Улугбек, Ибн Сино ҳакида маълумот беради. XVIII асрдаги Шарқ таммаддуни ҳакида гапириб, ўша даврдаги Самарқанд, Бухоро, Кўқон каби шаҳарлар бугунги Париж, Берлин, Лондон билан бемалол ракобатдош бўла олиши мумкинлигини таъкидлайди. Сўнгра замонавий ўзбек адабиётига кириб келаётган янги шоирлар сифатида Мирий, Сиддиқий, Сўфизода, Ҳамза Ҳакимзода ва Тавалло ижоди ҳакида тўхталади. Уларнинг шеърларидан намуналар келтиради.

Буюк алломалар ҳакида келтирилган маълумотлар ахборот характеридаги ўтмишга экспурс бўлса-да, муаллифларнинг XIV-XVIII асрлардаги Шарқ таммаддуни ҳакида ифтихор билан сўз юритиши, ўша даврдаги Самарқанд, Бухоро, Кўқон каби шаҳарлардаги маданий тараққиётни Европа билан киёслashi ижобий ҳодиса эди.

Саттор Жаббор ҳар бир шоирнинг адабий жараёндаги ўрни, ижодидаги йўналишлар, мухим нукталар ва уларнинг ижтимоий-сиёсий воқеаларга қандай позицияда туриб ёндашганлигини объектив таҳлил этади. Масалан, Мирийни қадимги туркий адабиётнинг яхши билимдони деб билади, унинг мумтоз адабиётга, Навоийга эътиқодиниғазаллари воситасида кўрсатиб беради.

Ҳамза ижоди хусусида тўхталиб, уни ўз миллати ва эътиқодидан воз кечган, ҳеч бир иккиланишларсиз шўролар билан тил би-

³⁷ Kleinische Sigrid. A work on Central Asian Literature in a Turkish-Uzbek mixed language // Kunde des Morgenlands, Wien, 2004. Pp.382-389.

риктириб, дўстларига қарши чиққан шахс сифатида баҳолайди. “Мусиқашунос ва шоирнинг аянчли тақдирига ҳеч қандай ачиниш имкони йўқки, у сиёсий ўйинлар курбони бўлиб, Туркистон тарихида кора доғлар қолдирди”, деб ёзади муаллиф, катъий ва ҳеч қандай иккиланишсиз³⁸. Англашиладики, С.Жаббор ҳам Ҳамзанинг мустамлакачилар сиёсатига кўр-кўронга эргашган, “янги тузум”ни улуглаб, уни кўллаб-кувватлаб, тор дунёкараши билан нотўғри позицияда бўлган шоир сифатида билган. Унинг бундай бир томонлама карашлари Ҳамза асарлари билан ўзро матбуоти оркалигина танишиш имконига эга бўлганлиги билан изоҳланади. Зоро, ўзбек адабиётчунослари Ю.Султонов, Л.Қаюмов, М.Раҳмонов, А.Бобохонов, М.Қўшжонов, Ф.Мўминов, С.Мирзаев ва бошқаларнинг қатор илмий асарларида Ҳамзанинг ҳаёти, ижодининг ғоявий-бадиий хусусиятлари, сиёсий, фалсафий ва ижтимоий карашлари, анъана ва новаторлик масалалари ёритилган. Улар Ҳамзанинг серкирра ва мураккаб ижодини ўрганишга катта ҳисса қўшидилар. Аммо, аскарият тадқиқотларда Ҳамзанинг ижтимоий тузум олдидаги хизматларини бўрттириб кўрсатиш тамоили устувор бўлганлиги сабабли, унинг ўзбек адабиёти олдидаги асл хизматларини ёритиш бир мунча соядга қолди.

Саттор Жаббор ҳам Ҳамза ижоди моҳиятини унинг дунёкарашига боғлаб талқин килиб, манбалар танқислиги боис шоир ижодининг ички такомил босқичларини етарлича англаб етмаган. Унинг ижтимоий фаолияти: муаллимлик, маданий оқартурвчилик, тарғиботчилик, мухаррирлик, театр ташкилотчилиги, истеъододли ёшларни йиғиши, суфлёр, артист, режиссёр, муаллиф сифатида гайрат кўрсатишига етарлича аҳамият бермаган. Натижада, бир ижодкор ва фидойи инсон ҳаёти ва ижодининг мазмуни нохолис ёритилган. Унинг синфий кураш курбони экани назардан қочирилган. Анъанавий шеър тузилиши масалалари билангина чекланиб қолмай, ҳалқ шеърий тузилишига фаол мурожаат қилгани, ижодий мероси ифода воситалари ва образлар оламига кўра ранг-баранглиги мутлақо эътиборсиз қолдирилган. Китоб муаллифлари шоирнинг ҳалқ тили бойлиги ва оғзаки ижодига мумкин қадар яқинлашишга интилиб, ҳалқ театри усулларидан унумли фойдалангани, адабиётимизнинг ғоявий-бадиий савиясини кенгайтиришга интил-

³⁸ Settar Jabbab. Kurtulus Yolunda. – Istanbul. In Kommission Bei Franz Steiner Verlag Stuttgart, 2000. – S.106.

гани, ижтимоий муаммоларни куйинчаклик билан кўламдорifo-
далашга ҳаракат қилганидан бехабар бўлишган кўринади.

Китобнинг иккинчи бўлими Фитрат, Боту, Элбек, Чўлпон,
Мағжон Жумабой ижоди таҳлилига бағишиланган. Муаллифнинг
асосий эътибори Фитратга қаратиласди. Унинг Туркистондаги иж-
тимоий-сиёсий фаолияти, миллатта бўлган садоқати, миллатпар-
варлик руҳида ёзилган шеърларини таҳлил қилади. Фитратни тур-
кий адабиётга янгича шакл олиб кирган ёзувчилардан ҳисоблайди.
Ижодини Мирий, Сиддиқий каби шоирлар билан қиёсан таҳлил
этиб, ўзига хос нукталарни кўрсатишга ҳаракат қиласди.

С.Жаббор Фитратнинг “Ҳинд ихтиолчилари” асари ҳақида
ҳам эътиборли маълумотларни келтиради. Маълум бўлишича,
Фитрат Бухорода маориф нозири лавозимида ишлаб юрган пайт-
ларида шахсий фондидаги асарни С.Жабборга тақдим этган ва асар
1923 йилда илк бор Берлинда нашр этилган. Шу ўринда алоҳида
каёд этиш керакки, “Ҳинд ихтиолчилари” 1944 йилда Миллий
Туркистон комитети қошидаги адабий-илмий бўлимнинг топшири-
ғига биноан лотин ҳарфларида Берлинда иккинчи марта нашр этил-
ган. Уни Вали Қаюмхон билан А.Вон Габайн нашрга тайёрлаган.
Хозирда ушбу асар Берлиндаги “Миллий кутубхона” фондида ноёб
манба сифатида сакланмокда.

Баъзи бир хорижий фитратшунослар мазкур драма ҳинд тилига
ҳам таржима қилиниб, Ҳиндистон театрларида намойиш этилган,
деган маълумотни беришади. Зигрид Клаймиҳел мавжуд факт ва
Фитратга яқин шахсларнинг хотираларига таяниб, ушбу маълумот-
нинг бежиз эмаслигини айтади. Олиманинг ёзишича, Жаваҳарлал
Неру Ўзбекистонга келганида Фитратнинг мазкур асари Ҳиндис-
тоннинг озод бўлишида жуда катта аҳамиятга эга бўлганлигини
айтган экан.

С.Жаббор “Ҳинд ихтиолчилари”ни Шиллернинг миллий озод-
лик ғояси билан йўғрилган машхур ҳалқ драмаси “Вилгельм
Телль” (“Wilhelm Tell”, 1804) асари билан қиёслайди. Шиллер не-
мис ҳалқининг Наполеон кўшинларига қарши курашида
Швейцария тоғларидан илҳом олган бўлса, Фитрат мазкур дра-
масини яратишда Ҳинд тоғларидан илҳомланган, деб ёзади муал-
лиф³⁹. Драмани ўқиган ҳар қандай китобхон гап Ҳиндистон ҳақида

³⁹ Settar Jabbar. Kurtuluş Yolunda. – Istanbul. In Kommission Bei Franz Steiner Verlag Stuttgart, 2000. – S.134 (19).

эмас, балки Туркистон ихтилолчилари ҳақида бораётганлигини яхши англайди. Аммо, назаримизда, ҳар иккала драматург ижодидаги етакчи коллизия эркин дунёни барпо этиш орзу-идеали билан реал воқелик ўргасидаги зиддиятдан иборат. Агар ҳар иккала драма замирига назар солинса, уларда айнан ўша коллизия ётгани аён бўлади.

Фитрат асарда тасвирланган воқеани Ҳиндистон замирига кўчиришда бу макондан метафора сифатида фойдаланган. Асарда Ҳиндистон воситасида Туркистон ҳалқи озодлиги ғояси ифода этилган. Айни типдаги қарашлар асар яратилган даврда ёк мавжуд эди. Кизиги шундаки, гегемон мафкура назоратчилари дастлаб матннинг ички ҳаётига яширинган асл моҳиятни тўлалигича тушуниб этишмаган. Шу сабабли драма Боку ҳудудларигача етиб борган, Туркия театрларида бир неча марта саҳналаштирилган. Асар мустамлакачилик зулми остида эзилётган туркий ҳалқлар орасида машҳур бўлиб кетганидан сўнг, расмий цензура унинг саҳнага кўйилишини тақиқлаган. 1925 йилдан бошлаб драманинг кутубхоналардаги барча мавжуд нусхалари йўқ қилинган.

С.Жабборнинг маълум қилишича, Фитрат амирнинг тутқунликдаги биродари Бухорога келишни истагани учун амир уни ўзига душман билган экан. Фитрат эса Афғонистоннинг Тошкентдаги элчихонасида анчагина обrouга эга бўлган, уни Афғонистонда ҳам жуда хурмат қилишган. С.Жабборнинг мазкур маълумоти Германия Ташқи ишлар вазирлиги қошидаги сиёсий архивда сақланаётган Германия ва Бухоро амири ўргасидаги ёзишмаларга оид айрим фактларни ойдинлаштиради. Ушбу архив хужжатларидан аён бўлишича, Бухоро амири 1928 йилда Германиядан мустамлакачиларга қарши курашишда ёрдам беришни сўрайди; айни мактубда Афғонистондан ҳам кўмак сўралганлиги, аммо уларнинг ёрдам беришларига ишончи комил эмаслигини айтади. Аммо ишончсизлик сабаблари мактубда кўрсатилмайди. Амирнинг Афғонистондан умидвор бўлмаслиги сабабларидан бири, балки амирнинг тахтдан йиқилиши тарафдори бўлган Фитратнинг Афғонистон билан яқин алоқада бўлганлиги билан боғлиқдир.

Хориждаги Фитрат фаолияти тадқикига оид манбаларнинг кўпчилигига унинг 150 талабани Туркия ва Германияга юборганлги айтилади. Ушбу маълумот “Кутулиш йўлида” китобида ҳам қайд этилган. Фитратнинг 1924 йилда Москвага жўнатилиш сабаби ҳам

айнан ўзбек талабаларини хорижга жўнатганлигига, деб кўрсатади китоб муаллифи.

“Фитратнинг – деб ёзди С.Жаббор, – бизга берган сўнгги совғаси унинг энг сўнгти “Қор” шеъри бўлди, ундан кейин шоир бошқа шеър ёзмади”. Фитрат С.Жаббор ва унинг дўстларига “Қор” шеърини совға килиш билангина кифояланмай, унинг “Тилак” асарини ҳам таҳрир килиб берган⁴⁰.

“Кутулиш йўлида” китобида Фитратнинг “Турк эли”, “Биз киммиз”, “Миррих юлдузига”, “Шарқ”, “Беҳбудийнинг сафанасин изладим”, “Темур сафанаси устида”, “Ўғузхон” дан ўрнаклар”, “Қор” каби шеърлари ўрин олган. Муаллиф ушбу шеърларнинг барчасига ўз муносабатини билдириб, уларни бирма-бир таҳлил этган. Китобда ёзилишича, “Фитратнинг “Турк эли” шеъри 1923-1924 йилларга кадар халқ орасида жуда машҳур бўлиб, миллат кўшиғига айланган. У янги мактабларда, кўчаларда ўқилган пайтларда баъзи кексалар ўзларини йиғидан тўхтата олишмаган”⁴¹.

С.Жаббор шоирнинг “Қор” шеърини ҳам атрофлича таҳлил килишга ҳаракат қилган. Муаллиф: “Фитрат миллатнинг ҳар тарафлама зулм исканжасида қолиб, мустамлакачиларга кул бўлиб, бегуноҳ курбон бўлаётганликларига гувоҳ бўлган. Аммо у ҳеч қачон умидсизликка тушмаган. У озод кунлар келишига ишонган. Худди ерга тўкилаётган, эриб, кейин яна парчаланиб, осмонга қайтаётган қор каби, юртнинг бир кун бўлмаса, бир кун мустакил бўлишига умид қилган. Бир кун келиб, Туркистоннинг ўз эрки, озодлиги бўлишига ишонган”, деб ёзган⁴². С.Жаббор “Қор” шеъридаги айрим сатрларни Навоий ғазаллари билан қиёслаган. Мазкур шеърни Фитратнинг энг гўзал ижод намуналаридан бири сифатида кўрсатиб, уни немис тилига таржима қилган.

Кўринадики, С.Жаббор Фитратнинг “Қор” шеърини яхши адабиётшунос даражасида таҳлил қила олган. Матннинг ички ҳаётига яширинган асл моҳиятни чукур идрок этиб, тўғри хulosаларга келган. Бухоро жадидчисининг озодлик ҳақидаги сўнмас орзу умидларини қор парчаларига менгзашида ҳам С.Жабборнинг санъаткорона маҳоратга эга бўлганлигини кўриш қийин эмас. Адабиётдан

⁴⁰ Карап: Т у р д и е в Ш. Улар Германияда ўқиган эдилар. Т.: “Фан”, 1991, Б.28.

⁴¹ Settar Jabbar. Kurtulus Yolunda. – Istanbul. In Kommission Bei Franz Steiner Verlag Stuttgart, 2000. – S.118.

⁴² Settar Jabbar. Kurtulus Yolunda. – In Kommission Bei Franz Steiner Verlag Stuttgart, 2000. – S.146.

дәярлик узоқ бўлган кимёгарнинг ўзбек адабиёти таҳлилига оид бундай нозик кузатишлари бизни чиндан ҳам хайраттга солди.

“Қутулиш йўлида” китобининг Чўлпон ижоди таҳлилига бағишиланган қисми ҳам эътиборли. “Чўлпон, – деб ёзади С.Жаббор, – XX асрнинг энг машхур шоири, ўз шеърлари билан мустамлакачиликка қарши курашган, жаҳолат ва қуллик оловида ёнган афгор халқини золимлардан ҳимоя килган миллат қаҳрамонидир”⁴³. Унинг нафақат Осиё, балки Европада ҳам машхур бўлганлигини, “Фаргона” (“Гўзал Фаргона”) шеърининг нафақат Туркистоннинг шаҳар ва кишлоқларида, балки Боку, Истанбул, Берлин ва Москва-даги турклар тарафидан ҳам севилиб куйланаётганини айтади. Чўлпоннинг “Қор” шеърини таҳлил қилас экан, уни ҳаёт ва ўлимдан кўркмайдиган, замондан қочмайдиган, кучли иймонга, руҳга эга шоир, деб атайди.

С.Жаббор мақолада Чўлпоннинг “нашр этилмаган, калин жилдли “Олтин дафтар”и ҳақида ҳам маълумот берган”⁴⁴. (Назаримизда, муаллиф 1921 йилда Германияга чикиб кетишидан олдин кўрган қўлёзмаси хусусида сўзламоқда. Чўлпоннинг “Билим ўчоғи” журналиниң 1922 йил 1-сонида босилган “Йўл эсдалиги” сафарномаси сарлавҳаси пастига “1921 йил 27 май” санаси кўйилган. Унда йироқ йўлдан келган сайёҳ ўз тили билан ошкор этолмаган дардларини комил ишонч билан: “Меним қаламим айткандир... Ўқунг!... Меним достонларимни, “Олтун дафтар”ни”, - дейилади. Бизнингча, С.Жаббор ушбу асарни кўзда тутмоқда.) С.Жабборнинг фикрича, ушбу дафтардан кучли ижтимоий-сиёсий мавзудаги шеърлар ўрин олган бўлиб, улар Туркистон халқининг оғир ҳаётини акс этувчи ўзига хос ойна бўлган. “Олтин дафтар”га кирган шеърларнинг айримлари С.Жабборнинг болалигидан йигиб юрган “шеърий архив”ида ҳам сақланган. Туркистон озодлиги йўлида курбон бўлган, миллий кўзғолон раҳбарларидан бирига атаб ёзилган куйидаги шеър ҳам шу тўпламдан ўрин олган. С.Жаббор буни катта ҳажмдаги шеър деб айтади, аммо китобда ундан қуйидаги парчагина келтирилган, холос.

*Кўнглингдаги оловларни сўнар, дея ўйлама,
У вулқондир, ёнар тогдир, аччигини кўзгама!*

⁴³ Кўрсатилган манба. – Б. 190 (44).

⁴⁴ Кўрсатилган манба. – Б. 198 (48).

*Юзларингда алангалар, қизил чўглар тишқирап,
Арслон янглиг юртни бузиб қулогингда ўкирап.*

*Ўтли кўнглим сирли сирнинг дарди билан ёнадир,
Кенг водийда қонли кафан тинчилигимни оладир.
Йиртқичларнинг товушлари қулогимга чинглайдир,
Севган элим йиртқичларнинг оёғинда⁴⁵ инглайдир!...*

*Менинг учун тилак бўлган чамбар бошли⁴⁶ йигитлар
У водийда тўладирлар, битмаганлар, тириклар.*

“Кутулиш йўлида” китобига Чўлпоннинг “Кураш”, “Курбон”, “Халқ”, “Ёруғ юлузга”, “Юрт қайфуси”, “Балжувон”, “Япроклар”, “Мен ва бошқалар”, “Ўзбек қизига”, “Махмудхўжа Беҳбудий хотирасига”, “Кор”, “Яна қор”, “Виждан эрки”, “Кўклам қайфуси”⁴⁷ каби шеърлари киритилган.

Китобнинг “Замонавий шоирлар” бўлимидан жой олган сўнгти ижодкор қозоқ шоири Мағжон Жумабойдир. Муаллиф шоирнинг шеърлари таҳлилига деярли тўхталмаган, фақат ижодидан намуналар бериш – “Туркистон”, “Олисдаги оғамга”, “Оқсоқ Темур сўзи” шеърларини келтириш билангина чекланган.

Кейинги бўлимларида муаллиф Туркистондаги миллий озодлик (“босмачилик”) ҳаракатлари ва унинг байроқдорлари хусусида тўхталган. Муаллиф мазкур ҳаракатнинг асл моҳияти, уларнинг жадидлар билан муносабати ҳақида анча аниқ ва объектив маълумотлар беришга ҳаракат килган. “Кутулиш йўлида” китобининг сўнгти қисмида “Адабиётда гегемонлик учун кураш” масаласи тадқиқ этилган. Муаллиф миллий ва пролетар адабиёти масаласига муносабат билдирар экан: “Туркий адабиёт ҳеч қачон пролетар бўла олмайди, шуролар адабиётини яратмоқчи бўлган

⁴⁵ Ёз (yag) сўзи ўзбекча ёз сўзидан ўзлашган ёки “ёк” (yoq) “томон” маъносида ҳам қўйланилган бўлиши мумкин. Аммо ҳар иккиси ҳам шеър матнидаги маънога тўғри келмайди. Айни пайтда бу сўзниң кўшимчаси ўзбекча эмас, балки туркчадир. Шу сабаб сўзниң тутаг маъносини бериш имкони бўлмади. Бу ҳақда қаранг: Кўрсатилган асар. – Б.311.

⁴⁶ “Босмачилар” (миллий озодлик ҳаракати курашчилари) жангта киришдан олдин бошларини бир ёрлик билан боғлаганлар. – Кўрсатилган асар. – Б. 201.

⁴⁷ Саттор Жаббор китоби бир канча туркумларга бўлинган. Жумладан, “Кўклам қайфуси”, “Табиатнинг жавоби” сингари руқнидаги шеърларнинг Тошкент нашрлари билан қиёслаш зарур.

“қаҳрамон”лар аслида ҳеч қачон амалга ошмайдиган, мумкин бўлмаган нарса учун чирланмоқдалар. Туркистонда пролетарларнинг мавжудлиги туркий адабиётнинг пролетар бўлишини англатмайди. Зоро, Олмонияда 16 миллион пролетарлар бўлгани билан унинг адабиёти ҳам шаклан, ҳам мазмунан милллий бўлиб қолаверган”, деб ёзди⁴⁸.

Айтиш мумкинки, Саттор Жаббор – ўз даврининг нафақат кимёгар олими, балки адабиёт тадқиқотчиси ва таржимони ҳамдир. У Туркистондаги ижтимоий-сиёсий воеаларга дахлдор инсон. Шунинг учун ҳам у олмон халқи (кенг маънода бутун Европа)ни Туркистондаги жараёнларнинг асл моҳиятидан яхши хабардор қилиб, маънавий-рухий қаноат туйган. С.Жаббор тадқиқотчи сифатида хорижий кутубхоналарда мавжуд бўлган манбалардан фойдаланиш билан бирга ўз хотиралирига таяниб иш кўрган.

“Кутулиш йўлида” китоби айрим нуқсон ва камчиликлардан катъи назар, С.Жаббор адабиётшунослик илмидан йироқ кимёгар олим бўлса-да, давр адабиёти намуналарини шу тарзда таҳлил этиб, адабий танқидчи сифатидаги маҳоратини ҳам кўрсата олган.

Туркистондан хорижга юборилган ўзбек ўғлонларининг қай даражада истеъоддли ва ўзбек адабиёти бўйича ҳам чукур билимга эга бўлганликларини биргина Саттор Жаббор тимсолида кўриш мумкин. Аммо афсуски, уларнинг адабий истеъоддлари ҳам ўзлари билан бирга бевакт ҳазон бўлган.

Баҳром ИРЗАЕВ,
“Қатагон қурбонлари хотирааси” музейи,
катта шлмий ходим

АЪЗАМ АЮБ – ИҚТИДОРЛИ ЖУРНАЛИСТ ВА ТАРЖИМОН

Чор мустамлакачилари ва совет тоталитар давлати раҳбарлари Туркистондаги миллиятпарвар зиёлилар – атоқли давлат арбоблари, фан ва маданият намояндайларини қатагон қилишдан мустамлакачилик тартибларини сақлаб туриш учун энг маккорона тарзда фойдаландилар.

⁴⁸ Settar Jabbor. Kurtulus Yolunda. – Istanbul. In Kommission Bei Franz Steiner Verlag Stuttgart, 2000. – S. 290 (94).

XX асрнинг 20–30-йиллари ўзбек матбуотини ўрганар эканмиз, шу даврда ўзбек журналистикаси тараққиёти йўлида фидойиларча ишлаган Чўлпон, Фози Юнус, Мирмуҳсин Шермуҳаммедов, Санжар Сиддик, Абдулла Қамчинбек, Муҳаммад Ҳасан каби қатор таникли ёзувчи ва журналистлар бўлганини кўрамиз. 1920–30 йилларда ўзбек матбуотининг шаклланиши ва тараққиётiga салмоқли хиссасини кўшган журналистлардан бири Аъзам Аюбдири.

Аъзам Аюбов 1904 йил 21 августда Тошкентнинг Раис кўча деган маҳалласида хизматчи оиласида дунёга келган. Унинг отаси тошкентлик бир бойнинг кўлида саркор ва газмол савдоси билан шуғулланган. 1917 йилда отасининг вафот этиши Аъзам Аюбни мактабни ташлаб, оилани бокиш учун бозор-ўчар ишларига аралашишга мажбур этади. Ёш Аъзам оилани бокиш билан бирга 1918 йилдан бошлаб Мунаввар кори Абдурашидхоновнинг Хадрадаги еттий йиллик “Намуна” мактабида ўқишини давом эттириди. У ерда Фитрат ва Қаюм Рамазонлардан сабоқ олди. 1919 йили устозининг тавсияси билан “Турон” кутубхонасига китоб ташувчи бўлиб ишга жойлашади. Ишдан бўш вақтида ўзбек, рус, турк тилларидаги китобларни муроада қиласди. Россия Телеграф агентлиги Туркистон бўлимни томонидан нашр этилган “РосТА” деворий газетасини мутола қилиб боради. “Иштирокиён” ва “РосТА” деворий газеталари таҳририятига бориб, у ерда Мирмулла Шермуҳаммад, Чўлпон, Фози Юнус кабилар билан танишади. Тез орада “Иштирокиён” газетасига мусахҳих ёрдамчиси бўлиб ишга жойлашади. Аъзам Аюб 20-йилнинг ўрталарида Ёш бухороликларнинг “Тонг” журналига мақолаларни оқса кўчирувчи котиб-мирза бўлиб ишга киради. Икки нашрдаги фаолияти давомида Абдулла Авлоний, Чўлпон, Фитрат каби шоир, ёзувчи ва журналистлардан адабиёт ва журналистика сирларини ўрганади.

1922 йил сентябридан “Қизил байроқ” газетаси “Туркистон” номи билан чиқа бошлади. Бу пайтга келиб журналистлика соҳасидаги тажрибаси ошган ва жўшқин меҳнати билан танилган Аъзам Аюб шу газетада дастлаб бўлим мудири, кейин эса масъул котиб ўринбосари лавозимларига кўтарилади. 1925 йилдан “Туркистон” газетаси “Қизил Ўзбекистон” номи билан чиқа бошлийди ва Аъзам Аюб 1937 йилга қадар мазкур газетада масъул котиб ўринбосари вазифасида фаолият кўрсатди.

Ушбу газета таҳририяти таниқли адиблар – Абдулла Қодирий, Элбек, Ойбек, Боту ва бошқалар келиб турадиган, ўзаро фикр алмашидиган манзил эди. Газетада қаламкаш сифатида танила бошлаган Аъзам Аюб бу адиблар билан тез-тез мулоқотда бўлади. Натижада унинг матбуотга бўлган қизиқиши ортади, матбуотда ишлаш учун фақат амалий тажриба етарли эмаслигини англайди. Шу боис аввал ўрта мактабни тугатади, сўнг САГУнинг ижтимоий фанлар факультетида ўқыйди.

Аъзам Аюб 1925 йилда “Камбагал дехқон” газетасининг шаклланишида фаол иштирок этиб, 1925 йил июлидан 1926 йил июлигача шу газетада масъул котиб лавозимида иш юритади. Фаолияти давомида “Қизил Ўзбекистон” газетасининг иловаси бўлган “Ер юзи” номли суратли журналга 1926-1928 йилларда масъул котиблик қиласди. Дунё маданияти, ижтимоий ҳаёти, жаҳон адиблари ижоди билан ўкувчиларини илк бор таништирган бу журналning сермазмун бўлишида Аъзам Аюбнинг хизмати катта бўлган. Кеийинчалик бу журнал “Машъала”, “Гулистон” номлари билан чиқа бошлагандга у бу журналларда муҳаррир ўринбосари (1931-1937) бўлиб хизмат қиласди.

Аъзам Аюб факат матбуот ишлари билангина кифояланмай, адабий жараёнга ҳам фаол араласишига интилган. Даврий нашрларда санъат ва адабий ҳаётга доир катор такризлари зълон қилинган. У ўз мақолаларига “Аъзам Аюб”, “Чигатой”, “Аъзам”, “Аюб”, “Жимит”, “Газетчи”, “Томошачи”, “Тошкентли”, “А. А.” Тахаллуслари билан ҳам имзо чеккан.

Афсуски, мустабид тузум матбуотчи сифатида эндиғина элга танилган, таржима соҳасида ҳам қалам тебратча бошлаган Аъзам Аюбнинг ҳаёт ва ижод йўлига нукта кўйди. У буржуа миллатчиси, 1929 йилдан Ўзбекистонни Совет давлатидан ажратиб олишни максад қиласди махфий ташкилот аъзоси деган тухмат асосида ЎзССР ЖКнинг 66-моддасининг I-қисми ва 67-моддаси бўйича айборд деб топилди. 1937 йил 15 октябрда унинг Тошкент шаҳри, Абдулла Тўқай кўчасидаги 19-ракамли уйида тинтуб ўтказилади ва ўзи камоққа олинди. Турмуш ўртоғи Сожида Носирова, укаси Ориф Аюбов, сингиллари Муборак ва Мушаррафлар акаларини кўз ёшлиари билан кузатиб қолдилар.

ЎзССР НКВДнинг 4-бўлими бошлиги Агабеков қарори билан 1937 йил 2 ноябрда А.Аюбов биринчи марта терговга чақирилиб, уни пантуркизмда айблайдилар. 1937 йил 4 ноябрда А.Аюбовнинг

барча каршиликларини синдириш максадида СССР НКВД генерал комиссари Ежов номига ёзилган аризага мажбуран күл қўйдиралилар. Унда ўзининг оиласда миллий тарбия олгани ва бу уни А.Икромовга яқинлаштиргани, ёшлидан советлар ҳокимиятига қарши кураш олиб боргани, 1929 йилда эса Қосим Сорокин билан бирга миллатчилик ташкилотта киргани ёзилган эди.

1937 йил 5 ноябрда Аъзам Аюбов илк сўрока баённомасига имзо чекади. Унда: “Аъзам Аюб 1918 йили Хадрадаги мактабда Ҳайдар афанди, Фитрат, Қаюм Рамазонлардан таълим олган. Мактабда ташкил этилган “Ёш юраклар” ташкилотига қабул қилинган. 1919 йилдан “Турон”да ишлаб, Авлоний, М.Уйғур, Ф.Хўжаев, Абдувоҳид қори ва бошқалар билан танишган. 1920 йил охирларидан “Тонг”да ишлаб, Фитрат, Н.Тўракулов, Б.Солиев, А.Қодирий, Ботулар билан танишган. Сўнг А.Икромов мухаррир бўлган “Туркистон”га ишга келган. Бу пайтда Қ.Сорокин газетада техник мухаррир бўлиб ишлаган. У ерда Ғози Олим Юнусов, С.Сиддик, Чўлпонлар бор эди. 1924 йили А.Икромов Туркистон Компартияси Марказий Комитетига ишга ўтгач, А.Аюбов Қ.Сорокин билан бирга “Туркистон”, “Қизил Ўзбекистон” газеталарида иш олиб борган”, – деб ёзилган эди.

1937 йил 15 ноября НКВД терговчиси Тригулов томонидан тайёрланган қарорда ёзилишича, Аъзам Аюбнинг 1929 йилдан ўнг троцкийчи, миллатчи экани, ташкилотта А.Икромов ва Қ.Сорокинлар томонидан тортилгани “аникланган”. Унгача “Ёш юраклар”-нинг ташкилотчиларидан бири сифатида фаолият олиб боргани, А.Фитрат, О.Хошим, Қ.Рамазон билан бирга Тил ва адабиёт институтида, М.Ҳасан билан бирга “Қизил Ўзбекистон”, “Правда Вастока”, “Муштум”, “Туркистон” газеталарида советларга қарши кураш олиб боргани “аникланган”. Хуллас, А.Аюбов ЎзССР ЖК 57-моддасининг I-қисми бўйича Ватанга хоинлиқда айбланади. Айблов хulosаси 1937 декабрда ёзилган бўлса-да, бу сана 1938 йил 3 октябрь деб қаламда тузатилади. НКВД “учлиги”нинг ёпик суди 1938 йил 5 октябрь куни соат 11.55 да бошланиб, 12.05 гача давом этади. Сўнгра Айблов хulosаси ўқиб эшиттирилади. Унга кўра, Аъзам Аюбов ЎзССР ЖКнинг 58, 64, 67-моддалари билан айборд деб топилади ва олий жазога хукм килинади. Хукм 1938 йил 4 октябрда НКВД Ҳарбий Коллегиясининг шу ҳақидаги қарори чиқмасдан 1 кун олдин ижро этилади. Шу тарика юртнинг асл фарзандларидан яна бирининг тақдирига сўнгти нуқта қўйилади.

Аъзам Аюбов ўлимидан қарийб 20 йил ўтгач, унинг иши қайта кўриб чиқилади ва 1957 йил 1 августда синглиси Муборак Аюбовага журналист Аъзам Аюбовнинг оқлангани маълум қилинади.

Аъзам Аюб ижодий фаолияти давомида халқ манфаатини химоя қилиб кўплаб мақолалар, хикоялар ёзган. Унинг жамият ҳаётидаги айрим иллатларни фош этишдан мақсади уларни бартараф этиш бўлган. Чунончи, “Хатланган турмуш”⁴⁹ номли мақоласида никоҳ шўйбалари ва уларнинг фаолияти ёритилган. Муаллиф ўзбек халки турмушидаги ҳар хил салбий ҳолатларни қаламга олган. У, жумладан, мақолада қизларни ёш никоҳга бериш, “қалин”, “тўқ-қиз” каби одатлар натижасида ёшларни баҳтсиз қиласидан ҳолатларнинг келиб чикиши, аёллар хукуклари масаласи, йигитларнинг ҳам тўйдан олдин дўхтир кўригидан ўтиши зарурияти сингари масалаларга эътибор қаратади. Шу йўналишда ёзилган “Киёматлик уч талоқ”⁵⁰ хикоясида ҳам ўта муҳим бўлган оиласавий муносабатлар масаласи қаламга олинади. Унинг “Сафар жабдуғи”⁵¹ мақоласида инсонларни саломатлик учун ёзги таътил вақтида саёҳатлар ташкил этишга чакиради. Яхши дам олишнинг фойдаларини санаб ўтади. “Чойнакнинг янги вазифаси”⁵² мақоласида янги ҳаёт ўчоклари бўлган чойхона ва клубларнинг ичкилик тарғиботхонасига айланаб колаётганидан ташвишга тушади. Ҳатто маънавий соҳа вакиллари - ўқитувчиларнинг ҳам тадбирлари ароқсиз ўтмай қолганидан куюнади. У мақоласини: “Ота-оналар ўз болаларига қандай ўрнак бўлмоқда?” деган савол билан якунлайди.

Аъзам Аюбнинг “Сўлак”⁵³ хикояси косиб Солиҳ ака тилядан ёзилган. Қалбаки чирой ортидан қувувчи қизлар ҳозирда оёкларига ботинка, амрикон этиклар киядилар. “Булар мода деса томдан ташлайди”, дейди косиб. У шунинг натижасида маҳаллий ҳунармандларнинг касби касодга учраётганлигидан иолиди. Ёзувчи косиблар тайёрлаган маҳси-кавушларнинг маҳаллий маҳсулотлар асосида тайёрланиши, уларнинг саломатлиги учун фойдали эканлигига эътибор қаратади.

“Саҳнадаги қаҳрамон – омма”⁵⁴ сарлавҳали такризида эса Москва театрларидаги янгиликларни ўзбек театрларига жорий

⁴⁹ Аъзам Аюб. Хатланган турмуш // Ер юзи. 1928. № 2. – Б. 3-4.

⁵⁰ “А.А.” Киёматлик уч талоқ // Ер юзи. 1928. № 7. – Б. 3.

⁵¹ А. Аюб. Сафар жабдуғи // Ер юзи. 1928. № 9 (42) – Б. 8.

⁵² А.Аъзам. Чойнакнинг янги вазифаси // Ер юзи”. 1928. № 11(44) – Б. 15.

⁵³ Аъзам. Сўлак // Ер юзи. 1927. № 22. – Б. 7.

⁵⁴ А.Аъзам. Саҳнадаги қаҳрамон – омма // Ер юзи. 1928. № 6. – Б. 3.

этиш ҳақида тұхталади. У ошиклар, дохийлар, инқилобчилар образларининг күпчилиги томошабиннинг назаридан қолаётганини ёзади. Томошабинлар учун янги, замонавий омма образини яратышга қақиради.

Аъзам Аюб таржима соҳасида ҳам сезиларли из қолдирди. У Голденининг “Мехмонхона бекаси”, Шиллернинг “Макр ва мухаббат” асарларини русчадан ўзбек тилига таржима қилган. У бир қатор кичик ҳикояларни ҳам таржима қилди. Жумладан, П.Сумботтининг “Адабсиз занжи”⁵⁵, Борис Пильнякнинг “Султоннинг қаҳваси”⁵⁶ ҳикоялари фикримиз далилидир.

Албатта, биз келтирған мисоллар Аъзам Аюбнинг улкан ижодий меъросидан бир қатра, холос. Унинг яратған барча асарлари, таржималари ва мақолалари ўкувчилар томонидан қизғин кутиб олинган. А.Аюб қаламига мансуб асарлар юксак бадий савияси, пишиқлиги, тилининг равонлиги ва дозарб масалаларга қаратылғани билан ажралып туради.

*Мурод ЗИКРУЛЛАЕВ,
“Қатагон құрбонлари хотираси”
музейи, директор ўринбосари*

МУҲАММАД ҲАСАНОВ – МУҲАРРИР, ТАРЖИМОН ВА АДИБ

ХХ асрнинг 30-йилларида “Қизил Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталарига муҳаррирлик қилған Мұхаммад Ҳасанов (Мұхаммад Ҳасан) 1904 йилда Тошкентде ўқитувчилар оиласида дүнёға келди. Унинг отаси Фаттоҳ aka ҳам, онаси Тоибахоним ҳам Янги шаҳардаги мактабларнинг бирида болаларга таълим беришганды. Мұхаммад Тошкентдеги энг нуфузли ўқув юртларидан бири – Пестолоцци номидаги мактабда ўкиб, шу мактаб деворий газетасида шеър ва мақолалари билан қатнашған ва ўша кезлардаёқ унинг ёзув-чизувга лаёқатлы экани маълум бўлған⁵⁷.

⁵⁵ Аъзам Адабсиз занжи // Ер юзи. 1928 йил. № 6. – Б. 8-9.

⁵⁶ А.А ю б и й. Султоннинг қаҳваси // Ер юзи. № 10 (43) 1928. – Б. 6-7.

⁵⁷ Мұхаммад Ҳасаннинг таржима ҳолига оид маълумотлар Н.Каримовнинг “1937-1938 йиллардаги “Қатта кирғин”нинг фожиали оқибатлари” номли китобидан олинди (Тошкент: “MUMTOZ SO‘Z”, 2014 йил, 79-82-бетлар).

1924 йилдан бошлаб “Туркестанская правда”, “Қизил байрок”, “Туркистан” газеталарида адабий ходим, бўлим мудири бўлиб ишлади. Ўрта Осиёда миллий чегараланиш ўтказилгандан сўнг М.Ҳасанов “Қизил Ўзбекистон” газетасида ишлай бошлаган. 1930 йилда ушбу газетага муҳаррир этиб тайинланган. 1931-1932 йилларда Москвада ўқиган, қиска муддат Ярославль вилоят газетасида ишлаган, ВКП(б) Марказий Комитетининг матбуот бўлимида инструктор бўлган.

1932 йил охирида республика раҳбариятининг таклифи билан Ўзбекистонга қайтгач, яна “Қизил Ўзбекистон” газетасида масъул муҳаррир лавозимида хизмат килган. У 1934 йилдан “Муштум” журналига, 1936 йилнинг декабрь оидан эса “Правда Востока” газетасига ҳам раҳбарлик қилган.

Иқтидорли матбуотчи М.Ҳасанов “Аланга”, “Мухбирлар йўлдоши”, “Ёрқин ҳаёт” каби журналларнинг вужудга келиши ва ҳалқ ўргасида танилишига ҳам муносиб ҳисса кўшган.

М.Ҳасанов муҳаррирлик ва раҳбарлик фаолияти давомида ўз хикоялари ҳамда хорижий муаллифларнинг рус, инглиз тиллари даги мақолаларини ўзбек тилига таржима қилиб, матбуот саҳифаларида, хусусан “Ер юзи” журналида эълон қилди. Айрим мақолаларини “M.X.”, “М.Ҳасан”, “М.Ҳ-и” тарзда имзолади.

Унинг, айниқса, жаҳон адабиётининг машхур намояндайларидан қилган таржималари диққатга сазовор. “Ер юзи”нинг 1925 йил 2- ва 3-сонларидаги Антон Гойфнинг “Самарқанд осори атикалари” тасвирий парчаси, 1926 йил 5-сондаги инглиз ёзувчиси П.Гиббоннинг “Йўқолган виждон” хикояси, шу журналнинг 1926 йил 6-сонида босилган американлик машхур ёзувчи О’Генрининг “Кок нон” номли хикояси, 7-сонда берилган ижтимоий роман ва асарлари билан машхур бўлган яна бир американлик ёзувчи Уютон Синглернинг “400” деган романидан олинган парчалар Муҳаммад Ҳасаннинг таржималаридир. Бу асарлар равон, ўкувчига тушунарли услубда таржима қилинган. Бунда М.Ҳасанов меҳнат фаолиятининг дастлабки йилларида, Россия телеграф агентлигининг Эски шаҳарда тарқатилган “ТашРоста” газетасида ишлаш даврида, Абдулла Қодирий ва Мирмуҳсин Шермуҳамедовлар ёрдамида ўзбек тилини пухта ўрганганилиги муҳим омил бўлган.

Дунёқарали кенг, сўз бойлиги катта бўлган таржимон ўкувчиларга тушунарли бўлиши учун айрим хорижий атама ва сўзларга

максус изоҳлар берган. Хусусан, юқорида қайд қилинган “Қоқ нон” ҳикоясида учраган “мисс” сўзига “инглизча қиз хоним деган сўз” деб, “цент” сўзига “ярим тийин” деб изоҳ бериб ўтган. Умуман олганда, бу М.Ҳасанов мақолаларининг ўзига хос хусусияти, десак муболага бўлмайди. “Ер юзи” журналиниң 1926 йил 30-сонидаги “Улуғ Британия империя қонгресси” мақоласида (бошқа хорижий манбадан таржима қилинган бўлса керак) у 1926 йил 19 октябрда Лондонда Буюк Британия доминионларининг министрлари ва Англия-Хиндиштон ҳукумати вакиллари иштирокида ўтган Британия империяси Конгресси ҳақида маълумот беради. Мазкур мақолада учраган “доминион” сўзига ҳам “Англияниң ўзининг ички ишларида мустақил бўлган қисмлари. Буларга: Канада, Жанубий Африка, Австралия, Ирландия ва Зеландия киради”, деб изоҳ бериб ўтган.

Ўз ватани ва ҳалқини севган Мухаммад Ҳасанов ўлкада содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий, маданий-маший жараёнларни, совет давлатининг олиб бораётган сиёсати Ўзбекистон ҳалкларининг миллий манбаатларига зид эканлигини теран англаб етган. Ўз қараашларини эса ижтимоий-сиёсий мавзулардаги мақолаларига сингдиришга ҳаракат қилган.

Масалан, “Ер юзи” журналиниң 1926 йил 15-сонидаги “Пахта!” сарлавҳали мақоласида “шўро жумхуриятлари иттифоқининг саноати учун тилладан ҳам қиммат, кумушдек оппоқ пахта”нинг йиллик ҳосили тўғрисида маълумот берилган. Мақолада у дехқонларнинг тезлиқда ҳосилни териб заводларга топшириш, заводлар тункун тинмай пахтани тозалаб, вагонларга ортиш, темирийўлчилар пахта ортилган вагонларни ҳеч ҳам тўхтатмай “Марказ”даги фабрикаларга етказиб беришга жиддий-жаҳд қилаётганликлари, чунки “шўро жумхуриятлари иттифоқининг пахтаға тўёлмағон саноати Ўзбекистоннинг иқтисодий манбаатлари ҳеч қимга оғиз очишга, эътибор қилишға йўл бермай “доёш⁵⁸ пахта!” дейди⁵⁹”, деб таъкидлаб ўтади.

Якин тарихимидан хабардор бўлган ҳар бир киши бугунги кунда М.Ҳасановнинг ушбу мақоласини ўқир экан, Ўзбекистоннинг ўша даврдаёқ Марказнинг пахта етказиб берадиган хомашё базасига айлантирилганлиги, йилдан-йилга пахта экиладиган май-

⁵⁸ Доёш (даешь) – русча: берасан.

⁵⁹ Ҳасан М. Пахта // “Ер юзи”, 1926 йил, 15-сон. – Б. 12.

донлар кенгайтирилиб, ҳосил миқдори оширилишига зўр берилаётганлиги, шу жараёнда ўлканинг ҳар томонлама қолоқ ахволда қолаётганлигига, халқнинг оғир турмуш шароитида яшаётганига умуман эътибор берилмаётганлиги тўғрисида қайтурганлигини англаб етади. Шунингдек, мақолада 1925 йилда 407 минг десятина⁶⁰ бўлган пахта майдони 1926 йилда 437 минг десятигана етган, аслида эса 501 минг десятина бўлиши кутилгани, Марказ томонидан жорий қилинган 5 йиллик режага биноан 1931 йилга келиб пахта майдони 1 миллион 79 минг, бутун Ўрга Осиёда эса олий нав пахта ҳосилининг 25,5 миллион пудга⁶¹ етиши мўлжалланганлиги тўғрисида ёзилган. Муаллиф мазкур маълумотларни келтирад экан, “ҳозирда чет мамлакатларга тўкиладурғон тиллаларнинг кўпин 5 йилдан кейин ўзимизда қоладирғон бўладир, чунки 25 ярим миллион пуд пахта саноат эҳтиёжининг 75 процентини қоплади”, дейди. Ички пахта хомашёси хисобига тежаб қолинадиган маблағлардан (тилла хисобида) Ўзбекистон ҳам манфаат кўради, деб умид килади.

“Ер юзи” журналининг 1928 йил 30 май 9(42)-сонидаги “Беҳбудий” номли мақоласида эса М.Ҳасанов “Шўролар Ўзбекистони”даги энг узоқ, энг орқада колган Қашқадарё округи маркази бўлган Беҳбудий шаҳри (ҳозирги Қарши)нинг аянчили аҳволи тўғрисида фикр билдиради. Албатта, советлар цензураси тазиики остида ёзилган мақолада ўша даврда мазкур худуднинг яхшиланилиши борасида олиб борилаётган ишлар, большевиклар ҳукумати ўрнатилиши жараёнидаги урушларда хароб бўлган ва тикланмаган шаҳарда янги курилишлар бўлаётганлиги ҳам эътироф этиб ўтилган. Шунга қарамай, ушбу мақолада ҳам ватанпарвар, элпарвар бир инсоннинг дардлари яширингандай туюлади. Муаллиф ўз мақоласини “Беҳбудийда нима кўп? Мадраса кўб” деган жумлалардан бошлайди ҳамда ушбу шаҳарнинг исталған кўчасида камида битта мадраса ёйинки масжид борлигини, ҳатто округ партия кўмитаси жойлашган кичкина бир районнинг ўзида б та мадраса мавжудлигини қайд қиласи. Кейин эса ўзини тўғрилаб, “мен мадраса, дедим. Лекин аслида мадраса биноси, дейишим керак эди. Чунки ҳозирда у мадрасаларнинг ичига кириб, ҳужралари-

⁶⁰ Десятина (лат. decime) – метрлик ўлчов тизими қабул қилингунга кадар қўлланилиган асосий юза ўлчови. 1 десятина 1,45 га тенг.

⁶¹ Пуд – қадимги оғирлик ўлчов бирлиги. 1 пуд тахминан 16 кг тенг бўлган.

ни ахтара бошласангиз, қориларни, қори болларни, муллаларни, муллабаччаларни дориға ҳам тополмайсиз”⁶², деб ёзади. Бир вақтлар Куръонни ёд билган қорилар ва муллалар билан тўлган ҳужраларда “ҳозирда қатор-қатор устоллар, устулчалар, устоллар олдида ҳар хил мудирлар, муовинлар, саркотиблар, хисобчилар, иш юритувчилар, бошлиqlар кўрмаган орада тезгина юзига оқ, лабларига қизил суртиб олгучи машинисткалар, “кирди-чиқди” билан овора бўлаётган журналистлар; деворларда эса ҳар хил шамоилии шарифалар⁶³ ўрнига жадваллар, диаграммалар, “Ишинг тамом бўлдими!” деган ёзувлар, плакатлар, плакатлар ва яна плакатлар” илиб ташланганилигини тасвирлайди. Мақоладан биз яна Беҳбудийда турли ташкилот ва муассасаларга мўлжалланган бинолар йўқлиги туфайли мадраса бинолари “бино қаҳатчилиги”ни бир мунча босиб турганлигини, округ партия қўмитасидан тортиб округ молия идораси, округ кишлоқ хўжалиги банки, почта-телефраф идораси, қолаверса, “кино ҳам, клуб ҳам, туберкулёз (сил) диспансери ҳам, болалар уйи ҳам, болалар боғчаси ҳам, ҳатто электр станцияси сингари корхоналар ҳам” мадраса биноларига жойлаштирилганлигини билиб оламиз. Бу эса совет ҳукуматининг миллый маданиятимиз, маънавиятимиз, ўлкамиздаги тарихий обидаларга, бир вақтлар миллатимиз фарзандлари учун диний ва дунёвий илм маскани, ахлоқий тарбия ўчоклари бўлган мадраса ва масжидларга бўлган жоҳилона муносабатининг яна бир исботидир. Зоро, бундай аҳвол нафақат Беҳбудийда, балки Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива сингари республиканинг марказий шаҳарларида ҳам кузатилган.

Мақола давомида М.Ҳасанов шаҳарда “Давлат нашриёти” билан “Средазкнига”нинг дўконлари очилган бўлишига қарамасдан, китоб савдосининг умуман йўқ даражада эканлигини баён қиласди. Унинг назарida, мазкур ҳолат ҳалкнинг маориф ва маърифатдан тобора узоклашиб кетаётганлигидан далолат эди.

М.Ҳасанов фаoliyatiinинг яна бир қирраси, бу унинг адibili гидир. Унинг бир қатор макола ва хикоялари “Қизил Ўзбекистон” газетаси, “Ер юзи” журналида эълон қилинган.

Адибнинг “Ер юзи” журналининг 1925 йил 1-2-сонларида бо- силгани “Гап коралиғимизда экан” номли мақоласи шулар жум-

⁶² Ҳ а с а н М. Беҳбудий // «Ер юзи», 1928 йил 30 май 9(42)-сон. – Б. 10.

⁶³ Одатда мадраса ва масжид деворларига осилган Куръон оятлари, ҳадислардан намуналар назарда тутилаётган бўлса керак. Улар ҳаттотлик санъатининг намуналари хи- собланган.

ласидан. Ҳикояда шаҳардан узоқда жойлашган Ялангоч қишлоғида содир бўлайдётган воқеалар асосида ўша даврда хукм сурган ижтимоий адолатсизлик, оддий ҳалқнинг аянчли турмуш тарзи тасвирланган. (Муаллифнинг бадиий маҳоратини яхшироқ англаш учун мазкур ҳикояни тўпламнинг иккинчи қисмида беришни максадга мувофиқ деб билдик. Ўша даврга оид имло ва тил хусусиятлари сакланиб қолинди.)

Афсуски, юксак маданиятли, соғлом тафаккур эгаси, бутун фаолияти давомида ватанига, ҳалқига муҳаббат ҳамда садоқат билан хизмат килган, табиатан камтарин, меҳрибон бўлган М.Ҳасанов ҳам қатағон тўлқинидан омон колмади. Ўз виждонига хиёнат қилмаган муҳаррир “ҳалқ душманлари”, “буржуа миллатчилари” тамғаси ёпиштирилган Абдулла Қодирий, Аъзам Аюб, Зиё Саид, Мўмин Усмон сингари ўзбек маданияти ва матбуоти вакилларининг ҳимоячиси сифатида айбланди. У 1937 йилнинг 26 сентяброда камоқقا олиниб, 1938 йилнинг 4 октябрида отиб ташланди.

Тарихий адолат тикланиб, шахидлар хотирасига юксак эҳтиром кўрсатилаётган, қатагон курбони бўлган маърифатпарвар, тараққийпарвар, ватанипарвар аждодларимизнинг илмий, адабий, ижтимоий мероси ўрганилиб ҳалқимизга тақдим қилинаётган ушбу истиклол замонида Муҳаммад Ҳасановдек шахсларнинг ҳаёти, ижтимоий, илмий, адабий фаолиятини чукур ўрганиш бугунги авлоднинг ҳам фарзи, ҳам карзидир.

Ринат ШИГАБДИНОВ,
Институт истории АН РУз, к.и.н.

ОБЩЕСТВЕННО-ПОЛИТИЧЕСКАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ И ТРАГИЧЕСКАЯ СУДЬБА ИСМАИЛА АБИДОВА

Известный общественный деятель Исмаил Шарафетдинович Абидов (Габитов) родился 19 июля 1881 г. в городе Кульдже (Синьцзян, Китай). У него было две сестры: Зайнаб и Рабига (ум. в 1954г.). Его отец Шарафетдин Габитов был образованным человеком, знал многие восточные языки и долгое время служил в консульстве России в Кульдже. После его смерти в конце XIX века Исмаил Абидов при поддержке дяди Рашида Сулейманова

переезжает с матерью и сёстрами в Казань. До 1900 года будущий общественный и политический деятель учится в реальном училище.

Исмаил, Зайнаб и Рабига в Казани организуют кружок «Шамба» («Суббота» или «Субботяне»). Этот кружок любителей литературы, театра и музыкального искусства, объединивший представителей демократически настроенной мусульманской интеллигенции. Заседания проводились по субботам, отсюда и название кружка.

Известно, что семья Абидовых участвовала в организации помощи в Джетысу пострадавшему населению от землетрясения.

После окончания училища Исмаил Абидов для продолжения учёбы переезжает в Москву. После революции 1905 года он уезжает в Туркестанский край, где вместе с прогрессивными представителями просвещения и культуры Мунаввар кары Абдурашидовым, Абдуллохом Авлони, Махмудходжой Бехбути начинает издавать газету «Тараккий» («Прогресс»), первый номер которого вышел 14 (27) июня 1906 г. Исмаил Абидов становится главным редактором этой газеты. Так началось история Туркестанской национальной прессы.

Эта газета стала первой национальной газетой туркестанских джадидов⁶⁴. Газета «Тараккий» печаталась в Ташкенте на узбекском языке два раза в неделю, по четыре полосы, форматом в ½ п. л. С 26 июня по 19 августа 1906 г. вышло всего 20 номеров. Газета была еженедельная. Он издавалась в течение 3 месяца. В настоящее время номера этой газеты хранится в Национальной библиотеке Республики Узбекистан им. Алишера Навои под шифром F-63, F-73. Всего имеется 6 номеров газеты⁶⁵.

Основной целью газеты было обновление общества, о чём редакция в своем первом номере писала следующее: «Газета не зря называется “Тараккий” (“Прогресс”), мы не можем смотреть, как наша нация идет назад. Мы по мере возможности постараемся найти путь достижения высшей степени развития нации, чтобы в предпринимательстве, в профессиональном отношении нация достигала развития (прогресса)⁶⁶. Газета с первых же номеров

⁶⁴ Агзамходжаев С.А.. http://www.idmedina.ru/books/materials/faizhanov/S/plenary_agzamhodjaev.htm

⁶⁵ Шадманин С.Б. «Гасырлар авазы – Эхо веков». 2011. – №3-4.

⁶⁶ «Тараккий» (Прогресс). 1906, 14 (27) июня.

начинает пропагандировать идеи свободы, равенства, дружбы народов, выступает против колониальной политики царизма. В одной из своих редакционных статей И.Абидов писал, что объявленная 17 октября в Манифесте российского императора свобода слова в Туркестане по-прежнему существует лишь на бумаге. И царская цензура, внимательно наблюдающая за всяkim печатным изданием, по-прежнему вычеркивает любое неугодное слово, не говоря уже о свободолюбивых или же независимых мыслях⁶⁷. Значительное внимание на страницах газеты уделялось пропаганде межэтнической и межконфессиональной толерантности. Так, например, в статье «Ташкент, 12 августа» резкой критике была подвергнута политика властей по разжиганию межнациональной вражды⁶⁸.

Большое внимание уделяла газета и проблемам просвещения. В первом и во втором номерах была опубликована статья Мунаввара кары Абдурашидханова «Наши невежества являются сложными невежествами», где, говоря о необходимости реформирования школ и медресе, автор писал: «там ...должны преподавать светские науки, географию, историю, математику и другие предметы. Не зная эти предметы, наши бедные дети до сих пор остаются без нужных знаний и ходят, как слуги и чарикеры...»⁶⁹. Статья М.Бехбуди «Польза просвещения»⁷⁰ также отмечала огромную роль и значимость просвещения в умственном и духовном развитии человека. Туркестанских чиновников не устраивало, что статьи заостряют внимание на проблемах просветительства и духовности, вопросах свободы слова, на реформах.

Позже А.Авлони в статье «История узбекской периодической печати» писал: «Среди народа эта газета приобрела такую известность, что даже самого редактора газеты Исмаила Габитова начали называть – «Тараккий»⁷¹.

⁶⁷ Цит. по История общественно-культурного реформаторства на Кавказе и в Центральной Азии (XIX – начало XX века). Самарканд: МИЦАИ. – 20... – С. 188.

⁶⁸ "Тараккий" (Прогресс). 1906, 12 августа.

⁶⁹ "Тараккий" (Прогресс). 1906, 14 (27) июня.

⁷⁰ Там же.

⁷¹ Цит. По: История общественно-культурного реформаторства на Кавказе и в Центральной Азии (XIX – начало XX века). – Самарканд: МИЦАИ, 20... . – С. 189.



5550
Уфимск 10
Начальнику Туркестанского
районного биржевого отделения.
Управление землемерия
Туркестанской и
Российской империи
Республиканской архивной
Республиканской аудиторской

Отделение I-е

Сайдъ-Иманъ Шарафъ-Эльзиновичъ
Даекъ-б. р. я. Габитовъ, проживающій въ г. Ташкентѣ,
№ 20677 по Воронцовской улицѣ, въ д. № 6, подаль
г. Ташкентъ. Военному Министру прошепіе о разрушеніи
ему открыть въ называемъ городѣ комис-
сіонно- агентурную и посредническую кон-
тору съ отдѣлами составленія плановъ и
проектовъ построекъ, переводовъ съ турец-
каго языка на русскій и друг. европей-
скіе языки и обратно и подачи юридичес-
кой помошнѣ населенію.

Канцелярія просить сообщить подроб-
ные сведѣнія о личности Габитова и не
встрѣчается ли съ Вашей стороны какихъ
либо препятствій къ удовлетворенію хода-

Как писал известный исследователь просветительства в Туркестане (Узбекистане) Н.Ф. Каримов, вслед за закрытой газетой «Тараккий» в 1906-1914 гг. выходили газеты «Хуррият» («Свобода», редактор М.Абдурашидханов), «Шухрат» («Слава», редактор А.Авлони), «Осиё» («Азия», редактор А.Бектемиров), «Тужкор» («Коммерсант» или «Купец», редактор С.Саидазимов), «Бухорой шариф» («Священная Бухара», редактор М.Юсуфзаде), «Турон» (редактор Г.Хусейни), «Самарканда» (редактор М.Бехбуди),

Секретно.

Центральное Управление
Туркестанского Район-
ного Охранного Отделения.



Отделение I-е.

5 февраля 1911 г.

№ 142

г. Ташкент.

На № 205.

Мъщанинъ гор. Ташкента Измаиль Габбитовъ, состоя въ 1906 году редакторомъ и издателемъ мусульманскотуземной газеты "Таракки", привлекался къ судебной ответственности по 129 ст. Улож. о Наказ. за цѣлый рядъ статей, направленныхъ къ возбуждению туземно-мусульманского населения къ участію въ революціонномъ движениі. Состоявшимся 20 ноября того же года приговоромъ Ташкентскаго Окружнаго Суда Габбитовъ былъ оштрафованъ на 100 рублей.

Военный Губернаторъ Сиръ-Дарьинской области, признавая крайне

Туркистон генерал-губернаторлиги Девони бошқарувчиси
Мустафиннинг Туркистон район охранка бўлими бошлиғига
ёзган хати

вреднымъ дальнѣйшее пребываніе Изаимла Габбитова, ходатайствовалъ, въ представленіи отъ 22 ноября 1906 года за № 448, о высылкѣ его изъ предѣловъ края. Главный Начальникъ края предложилъ емъ Военному Губернатору отъ 6-го Февраля 1907 года сдѣлать распоряженіе взять съ Габбитова обязательство оставить предѣлы Туркестанскаго края, такъ какъ по разсмотрѣніи обстоятельствъ, послужившихъ основаніемъ къ первоначальному постановленію о высылкѣ Габбитова административнымъ порядкомъ въ гор. Копаль на одинъ годъ подъ надзоръ полиціи, на дено, что дѣятельность этого лица можетъ быть вредна только въ Туркестанскомъ краѣ.

Сообщая объ этомъ, Канцелярія просить выѣсть съ свѣдѣніями и заключеніемъ Вашимъ по ходатайству Габброва, указать проживаетъ ли онъ въ данное время въ гор. Ташкентѣ и съ какого времени.-


Управляющій Канцеляріей,

Генералъ-Майоръ *Мурзакинъ*,

Дѣлопроизводитель *Всеволовъ*

Рекоменд

Центральне Управление А.И.Дз.И.
Туркестанской
Революционной Рады
начальника Түркестанского
районного Охранного отделения



Однажды 1-е.

26 ноября 1914 г. Сношениемъ отъ 9 февраля 1911 го-
да за № 473 Вы уведомили объ уста-

р. Ташкенте въ новленіи агентурного наблюденія за мѣ-
щаниномъ гор. Ташкента Имамалесмъ Габби-

товымъ.

По ~~запросу~~ ^{запросу} предъявляемому, въ настоящее врем-
я имъ Имамалесму Габбировичу, Канцелярія просить сооб-
щить о названномъ лицѣ всѣ имеющіяся
данные о немъ въ распоряженіи съвѣтника.

Управляющей Канцеляріей,
Действительный Статский Советник

Дѣлопроизводитель

Пси. Дѣлопроизводителя

Туркистан генерал-губернаторлиги Девони бошқарувчисининг
Туркистан район охранка бўлимни бошлиғига ёзган хати

«Ойна» («Зеркало», редактор М.Бехбуди), «Садои Туркистон» («Голос Туркестана», редактор У.Ходжаев), «Садои Фаргона» («Голос Ферганы», редактор А.Махмудов) и др.

Национальная печать сыграла выдающуюся роль в просвещении и образовании, в подъёме самосознания и росте идей национальной свободы коренных народов Средней Азии.

20 августа 1906 года газета «Тараккий» была закрыта, а Исмаил Абидов – арестован. Его выслали из Туркестанского края в один из отдаленных городов под наблюдение местной полиции. После окончания ссылки он уехал в Западный Китай, где прожил около трех лет, затем вновь возвратился в Самарканд, где до 1910 г. работал в «Русско-Китайском банке», затем переехал в Ташкент и работал в «Русско-Полтавском» банке. В связи с ликвидацией банка в 1913 г. и вплоть до октябрьского переворота 1917 года И. Абидов работал в различных профсоюзных организациях города.

В 1918 году Абидов был назначен наркомом внутренних дел Туркестанской Автономной Республики. С 1920 г. и до 1937 г. И.Абидов жил и работал в Москве. В 1937 году он попадает под молох сталинских репрессий. НКВД его арестовывает и расстреливает в том же году. Так трагически закончилась судьба Исмаила Абидова дважды репрессированного царской и сталинской властью. Сегодня после обретения Независимости день выхода первого номера независимой газеты «Тараккий» на узбекском языке отмечается как день печати Узбекистана. Это является лучшим памятником и данью уважения просветительской деятельности Исмаила Абидова.

ПРИЛОЖЕНИЯ

**М.Ю.Судебный следователь Ташкентского окружного суда
16 июля 1906 г. №368
Г. Ташкент**

Экстренно
Секретно

В КАНЦЕЛЯРИЮ ТУРКЕСТАНСКОГО ГЕНЕРАЛ- ГУБЕРНАТОРА

В виду имеющегося в производстве моём деле по обвинению редактора издателя газеты «Тарракий» Измаила Шарафутдинова Габитова в распространении заведомо ложных сведений о деятельности правительства, направленный на обращение туземной части населения, исповедующий ислам, в христианство, путём проповедческой деятельности миссионеров, имею честь просить Канцелярию сообщить мне действительно ли имеются в Туркестанском крае миссионеры, в каких местностях и как велик состав миссионеров.

Судебный следователь (подпись)
Справка

Как видно из дела Ташкентского окружного суда № 280 за 1906 год (№ 6 VI архива Ревотделом Цуардел Туркеспублики)

Гражданин Измаил Шарафутдинов Габитов, редактор ташкентской газеты «Тараккий», был в октябре 1906 года привлечён к судебной ответственности за ряд (№№ 1, 3 и 17 упомянутой газеты) статей, возбуждающий местное туземное население к насильственной революционной борьбе с существующим правительством.

По вопросному листу... вышеизложенному обвинению, гр-н Габитов признан на суде виновным в помещении в газете статей, возбуждающих в мусульманской населении враждебное отношение к правительству.

На основании соответствующих законоположений, по существу признаки виновности – гр-н И.Ш. Габитов приговором суда от 20/X – 1906 года присужден к денежному взысканию в размере 100

(ста) рублей с заменой, в случае неисполнительности к уплате этой суммы, арестом при тюрьме на один месяц. – Приговор объявлен 27-го ноября 1906 года.

Настоящим – верно.

Управляющий Цуарделом Туркеспублики
Заведующий Ревотделом
2/П 1923 г., Ташкент

ЦГА РУз. Ф. Р-399, оп.1, д.111 л. 38.

*Санобар ТЎЛАГАНОВА,
ЎзФА Тил ва адабиёт институти
катта илмий ходими, ф.ф.н.*

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ ПУБЛИЦИСТИКАСИ БИЛАН БОҒЛИҚ АЙРИМ МАСАЛАЛАР

Абдулла Кодирий XX аср аввалида ижтимоий ҳаёт ва бадиий адабиётда туб сифат ўзгаришлар кечётган бир паллада адабиёт майдонига кириб келди. Янгиланиш ва зиддиятларга тўла мураккаб давр адабиёт олдига маълум талабларни қўймокда эди. 20-йиллар ўзбек адабиётининг шаклланиши ва ривожига муҳим ҳисса қўшган ёзувчи бой мерос колдирди. Унинг бадиий асарларидан ташқари, публицистик меросини ҳам ўрганиш бугунги кун адабиётшунослигининг долзарб вазифаларидан биридир. Бу, ёзувчи дунёкарашининг шаклланишини ўрганиш баробарида ўша даврдаги ижтимоий-тарихий вазиятни тушуниш учун ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Биз ёзувчи ҳакида мулоҳаза юритганимизда кўпроқ унинг йирик асарларига таяномиз. Ҳолбуки, ёзувчининг “кичик асарлари”ни ўрганиш унинг шахсияти ҳакида яхлит тасаввурга эга бўлишимизга ёрдам беради. Ёзувчи “кичик асарлари”ни ўрганиш унинг асардан-асарга маълум бир концепцияни тадрижан ривожлантириб, мантиқан чуқурлаштириб борганилигини кўрсатади. Ёзувчининг публицистик асарларида унинг ўзига хос дунёни англаши, ижтимоий тузумга муносабати сезиларли даражада кўзга ташланади. Ёзувчи-

нинг публицистик асарларига теранроқ назар солинса, унда даврга ва сиёсий тузумга нисбатан истеҳзо, киноя тобора кучайиб борганига гувоҳ бўламиз. Бу, аввало, ёзувчи маҳоратидан, иккинчидан, ёзувчи дунёқарашидаги эврилишлардан дарак беради. Қодирий публицистикасида киноя ва истеҳзонинг тасвири воситаси сифатида кўринишнинг бош сабаби нима – даврга нисбатан исёнми ёки фикр айтишнинг ўзига хос усулими? У миллат равнаки йўлида қандай кураш йўлини танлади? Бу каби саволларга жавоб – мақоламизнинг бош мавзуидир.

Қодирий ижодий меросини икки йирик гурухга ажратиш мумкин. Биринчиси – унинг “кичик асарлари”. Масаланинг эътиборли жиҳати шундаки, адабнинг “кичик асарлари” шу вактгача адабиёт-шунослар томонидан маҳсус ўрганилмаган. Ёзувчи публицистикасини ўрганиш бу адаб шахсиятини англаш йўлида ташланган бир қадамдир. Ўтган асрнинг 20-йилларида Қодирий даврнинг энг оғрикли муаммоларига миллатнинг жонкуяр адиби сифатида ёндошиди.

Ёзувчидаги ўзига нисбатан ишонч ва қатъият етарли бўлганлиги боис у кўп масалалар ечимида ўз маслагига содик қолган. У ҳар қандай гурухбозликдан, ошкорона намойишлардан узокрок бўлган. Ҳаётий тажрибасига мувофиқ Қодирий табиатан ниҳоятда эҳтиёткор ва зийрак бўлиш билан бирга айрим кимсаларнинг шароити тақозоси билан бир-бирларининг тагига “сув қўйиши” мумкинлигини билган. Қодирий Туркистон хонликларининг XIX асрда таназзулга тушишининг бош сабаби миллатнинг ноаҳиллигида эканлигини ҳам яхши англаган. Руҳшунос олимлар фикрига кўра, ўзига, ўз кучига етарли даражада ишонмаган одамлар гурухбозликка мойил бўлишиади. Инсон табиатига хос кўркув, хавотир ҳисси ҳам одамларни бир маслак атрофига бирлашишига сабаб бўлиши мумкин. “Кўпга келган тўй” мақоли ҳам инсоннинг воқеликни итоат билан қабул қилиши, ҳимояланишини ниқоблаш туридир. Хулоса шуки, Қодирий “ҳамма” билан бирга бўлишдан кўра, “ўзи” билан бўлишни мақбул билган. Унинг ҳимояланиш тизими асл ҳақиқатга уланган. Шунинг учун ҳам у курашда намойишкорона усулдан кўра матбуот орқали “жиходи акбар” йўлини танлаган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Адаб шеърлари ва драмасида жадидона қарашларнинг устувор бўлганлиги ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Қодирий адабий меросини ўрганиш ва яхлит тасаввур қилиш учун унинг ижодий йўлини қуидагича “кичик даврлар”га ажратишни маъқул кўрдик:

1.	1914-15 йиллар – “Тўй”, “Аҳволимиз”, “Миллатимга барқарор” (“Садон Туркистон” газетаси, “Ойна” журнали) шеърлари; “Бахтсиз куёв” (1915) драмаси; “Жувонбоз” (1915) романи
2.	1916 йил – “Улоқда” ҳикояси
3.	1917 йил (август ойигача) – “Шодмарғ” (“Нажот” газетаси), “Сайловми, босқинчилик” (“Улуг Туркистон” газетаси)
4.	1918 йил?
5.	1919 йил, август – 1920 йил, февраль (“Иштирокион” газетасидаги фаолияти;
6.	1920 йил – “Тонг” журнали 2-сонидаги чиқиши
7.	1920-1921 йиллар?
8.	1922-1923 йиллар – “Инкилоб”, “Қизил байрок”, “Туркистон” газеталаридағи чиқишилари
9.	1923-1924 йиллар, 1926 йил – “Муштум” журналидағи чиқишилари
10.	1925 йил, апрель – 1925 йил, сентябрь; 1927 йил, январь-апрель (“Қизил Ўзбекистон” газетасидаги чиқишилари)
11.	1928 йил – “Мехробдан чаён” романы
12.	1929 йил, январь-апрель – “Шарқ ҳақиқати” газетасидаги чиқишилари
13.	1933 йил, апрель – 1934 йил, август; 1935 йил, март – июль – “Қизил Ўзбекистон” газетасидаги чиқишилари.

Жадвалдан маълум бўлишича, 1918, 1920-21 йиллар ёзувчи ижодий фаолиятида айрим узилишлар ҳам бўлган. Бунинг сабабини билиш учун адид таржимаи ҳолига юзландик. Лекин ўрганиши мобайнида Қодирийнинг аник илмий маълумотларга асосланган биографияси тўлиқ эмаслиги маълум бўлди. Биз шу вақтгача адабининг қандай таржимаи ҳолига асосланиб келдик? У қачон ва нима сабабдан ёзилган?

Шу вақтгача адабиётшунослик Қодирийнинг 1926 йилда судда айтган нутқидаги таржимаи ҳолига оид маълумотларга таяниб келмоқда. Ноҳак туҳматлардан ўзини оқлаш учун ёзилган мазкур таржимаи ҳолнинг ўша давр талабларига атайнин мослаштирилганлиги унинг мазмунидан аён. Мураккаб даврда яшаган ёзувчи сиёсий мафкура билан муроса қилмай иложи йўқ эди. Мазкур таржимаи ҳол айнан ёзувчини синдириш мақсадида ўтказилган суд учун маҳсус тайёрланган. Унда ёзувчи ижодининг шаклланишига оид қатор масалалар яширилган ёки атайнин четлаб ўтилган. Қодирий дунёка-

рашига боғлиқ жараён эса инқилобий ўзгаришлар даври руҳи ва мағкурасига монанд баён қилинган. Унда айтилишича, Қодирий “бошида бой оиласа түгилганми ёки камбағал оиласадами, албатта, билмаган”⁷². Ноилож қолган ёзувчи ўзининг ҳасби ҳолини билмайдими ёки билишни истамайдими? Мабодо у ўзининг ижтимоий келиб чиқишини, ўзига тўқ ҳонадонда, аввал сарбоз, вақт ўтиб савдогар, кейинчалик боғбон оиласида түгилганлигини айтса, ҳавф даражаси ортиши эҳтимолдан ҳоли эмас эди. Ёзувчи шуни хисобга олиб, ижтимоий келиб чиқишини шу тарзда баён қилишини маъкул кўрган.

Биз адиб фаолиятидаги узилиш сабабларини изоҳлаш мақсадида “Диёри бакр” тўпламига ва Ҳ. Қодирийнинг “Отам ҳакида” китобига мурожаат қилдик. Қодирийшуносликда ниҳоятда кимматли ҳисобланган шу икки манба ҳам ёзувчининг судда баён қилинган таржимаи ҳолига таянганлиги бизни хушёр бўлишга чакирди. Демак, аниқ маълумотларга таянган ҳолда ёзувчи биографиясини тартиба келтириш энг аввалги вазифалардан биридир.

Юқоридаги жадвалда ёзувчининг 1918 йилда матбуотда кўринмаганлиги эътиборимизни тортди. “1918 йилнинг бошларида “Эски шаҳар озиқ комитети”ни бойлар қўлидан олинуб, комитетнинг раислигига ўртоқ Султонхўжа Қосимхўжаев тайинланган эди ва мен мазкур комитетнинг ўзбекча саркотиблигига кирдим”, – деб ёзади Қодирий. Шу маълумотга кўраганда, ёзувчи бу вақтда касабачилик ишлари билан банд бўлган. Ростдан ҳам, Қодирий ташкилий иш билан банд бўлиб, матбуотдан бир оз узилганмикан?

1917 йил Февраль инқилобининг дастлабки кунларида Туркистон зиёлилари Вақтили хукумат хуррият беради, деб умид қилган. Инқилобни кувонч билан қаршилаган Қодирий “халқ милитсасига кўнгулли бўлуб” кирган. Шу йили ёзилган “Шодмарг” ҳажвияси бунинг далилидир. Қодирий октябрь тўнтарилишидан сўнг Эски шаҳар озука кўмитасининг саркотиби (1918), “Озиқ ишлари” газетасининг муҳаррири (1919), Касабалар шўросининг саркотиби (1920) бўлиб, у худди шу даврда таникли журналист ва ёзувчи сифатида ҳам кўрина бошлайди. А. Қодирий маърифатпарвар зиёлиларимиз билан бир қаторда сабит туриб, Туркистоннинг

⁷² Қодирий Ҳ. Отамдан хотира. Т., 2005. – Б.12.

тақдири устида астайдил куюнади, ўзича нажот йўлларини қидирди. Англанган ҳақиқат изтироби ёзувчини жамиятдаги иллатларни очишга ундейди. Ёзувчи ижодига назар солсак, йиллар давомида исёни борган сари кучайиб, ёзганларида ҳукуматга қарши ишонч ўрнини нафрат ҳисси эгаллаганлигини сезиш қийин эмас.

Қодирий адабиёт майдонига кириб келган йилларда Туркистон жадидлари зўр бериб адабиёт майдонида ўз мақсадларини тарғиб қилишарди. Жадидлар мақсадини амалга оширишнинг бирдан-бир йўли эса эски урф-одатларга ислоҳ киритиш, истрофарчилликка чек кўймаслик, тўй, улок, киморбозлик, ичкиликбозлик, хотинбозлик каби иллатларга барҳам бериш, шунингдек, бой, савдогарлар ёрдами билан янги усул мактабларини кўпайтириш, унда диний билимлар билан бир қаторда дунёвий илмларни ҳам ўргатиш билан миллатни ғафлатдан уйғотишдан иборат эди. Шу руҳ Қодирий ижодининг дастлабки босқичида устуворлик килган. “Бахтсиз ку‘б” ва “Жувонбоз” асарлари фикримизнинг далилидир.

Дастлаб большевикларнинг ёлғон ваъдаларига ишонган ёзувчи кейинчалик вақт ўтиши билан “зулм салтанати”нинг найрангларига гувоҳ бўлгач, мустамлакачилик сиёсати моҳият-эътибори билан ўзгармай қолаётганини, мунофиқлик, сўз бошқа, амал бошқа эканлигини аста-секин англаб етди. Ҳукуматга ишонган адиб икки йўл ўртасида қолди. У эл орасида бузгунчилик, синфий кураш, “босмачилик” ҳаракати авж олиб, биродаркушлик уруши бошланиб, жафокаш халқ бу қонли сиёсатнинг қурбони бўлаётганини ўз кўзи билан кўрди. Айниқса, Туркистон мухториятининг тор-мор этилиши бошқа хур фикрли зиёлилар қаторида Қодирийни ҳам бефарқ қолдирмади. Ёзувчи жамиятда рўй берадиган найранг ва зўровонликларни кўриб, иккиланишлар гирдобида қолди. Зиддиятлар гирдобида қолган Қодирий курашнинг ўзига хос йўлини танлаш учун инқилобни дастлаб ўзида ўтказди. Бу, ниҳоятда оғир психологик жараён эди. Ёзувчи ҳақиқатга етишувнинг ўзига хос йўлини тандади. У, четдан қараганда, мавжуд вокелик билан муросага келган бўлса-да, аммо унинг имон кўргони анча мустаҳкам эди. “Матбуотда миллий таъсир коммунистик таъсирдан кучли эди. Фози Юнус очиқдан-очиқ ёсса, бошқалар ўз миллий ғояларини инқиlobий сўзлар остига яширган ҳолда эҳтиётлик билан ёзади”⁷³. Давр шиорларига муносабат билдиришда Қодирий бошқа ёзувчиларга нисбатан босиклик, вазминлик ва эҳтиёткорлик билан ёндашган.

⁷³ А б д у р а ш и д х о н о в М. Танланган асарлар. – Т., 2003. – Б.163.

1917-1918 йилларда жамиятда кечган ўзгаришлар, бухронлар ёзувчига ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Ҳукуматнинг асл максадини англаган Қодирий энди бу ҳолга ўзини аста-секин кўндириб боради, баъзида муроса қисса, гоҳида муросадан чарчайди, ўзидан ҳам безади, хис-туйғу тизгинидан чикиб кетади. Сўз айтиш эҳтиёжи уни йўл излашга мажбур этади. У кейинги йилларда фикрни яширин равишда айтишга, яъни *ниқоблашга* зарурат сезса-да, гоҳо ўз-ўзини кўндира олмаган ёзувчининг “мен” и йилт-йилт кўриниб колади.

Юқоридаги жадвалга эътибор берган киши 1920-1921 йилларнинг ҳам очиқ қолганини кўради. “1920 йилда Касабалар шўросига саркотиб бўлиб ишга кирдим ва Эски шаҳар касабачилик ҳаракати тўғрисида газеталарда мақолалар ёзиб турдим”, деб ёзади Қодирий. У миллат манфаати йўлида тарғибот ишлари билан шуғулланиш баробарида амалий ҳаракат ҳам қиласди. Шу икки йилга тўхталишизмнинг сабаби бор. 1920-1921 йилларда адабининг матбуотда “кўринмаслиги” сабаби “Ўткан кунлар”нинг яратилиши билан боғлиқ эмасмикан, деган иштибоҳ йўқ эмас. Ёзувчи таржимаи ҳоли билан боғлиқ маълумотларда “Ўткан кунлар” романининг ёзилиш вақти, жараёни ҳақидаги фактлар деярли учрамайди. Ёзувчи буни сир тутганми ёки тарихий-ижтимоий шароит адабни шунга мажбур этганми? Бу каби саволлар ҳали-ҳануз жавобсиз қолмоқда.

“Улоқда” (1916) ҳикояси – ёзувчининг адабиётнинг асл моҳиятини тушуниб етганлигини асословчи асар. Қодирий аввалги асарларида адабиётнинг бадиий-эстетик қийматини етарли даражада эътиборга олмаган эди. Унинг “Жувонбоз”, “Бахтсиз куёв” асарлари ҳақида Миён Бузрук Солиҳов ўз китобида: “Қодирийнинг эндиғина эски мактабдан кутулиб матбуотта чиқишига интилган бир ўрганчик асари эди”, – деган ва уларни “Улоқда” ҳикояси билан солишириб, – “бу икки асар бир ёзувчига тегишли эканлигига ишониш қийин”, – деб ёзган эди. Ойбек ҳам шу ҳикояни ўкиб, унда “воиз ўрнини санъаткор” эгаллаганлигини алоҳида таъкидлаган.

1923 иили “Инқиlob” журнали романнинг айрим парчаларини эълон килишдан олдин Қодирийнинг “Ёзувчидан” деб номланган дебоча сўзини берган; шу сўзнинг тагида эса “Тошкент, 1920 йил”, деб қайд этилган. “Улоқ”да ҳикоясини ёзишда қаламини синааб кўрган Қодирийнинг 1918 йилда “Ўткан кунлар”ни ёзиш билан банд бўлганлиги эҳтимолдан узок эмас. 1920-21 йилларда эса у роман устида қайта ишлаган бўлиши мумкин.

Қодирий қиска, аммо ўрнак бўларли умрни кечирди. У ижодининг дастлабки йилларида бутун қуч-ғайратини халқ манфаати йўлида ишлашга сафарбар этди. Энг муҳими, бундан ўзининг кўнгли тўлди. Бу ҳақда у шундай ёзади: “Шу кунгача Шўро идораларида қилгон хизматларимни бирма-бир санаб ўлтиришим узокқа чўзиладурғон бўлғонликдин мундан кейин муассаса исмларинигина аташ билан кифояланаман: «Рўсто» деворий газетасига мухбир бўлиб, «Иштирокион» ва «Қизил байрок» газеталарида сотрудник... «Муштум» журналининг муаннийси ва таҳририя аъзоси бўлиб, то 1924 йилгача меҳнаткашлар манфаатига холис ишлаб келдим. Хулоса — бошқаларнинг хизмати дафтар билан собиг бўлса, меним хизматларим матбуот билан равшандир. Ишчи-дехконлар ёзғон асарларимни суюниб ўқийдилар ва мени ёзувчилар каторига киргаздилар ва мени ҳамон ўқирлар ва унутмаслар...».

Инсон шахсининг эврилиши, давр билан муросага бориши – ниҳоятда мураккаб жараён. Аммо шуни қатъий равишда айта олиш мумкинки, Қодирий бу жараёндан ўз “мен”ини омон сақдаган ҳолда ўтди. Агар Қодирий қалбида кечган кечинмаларни, изтиробларни англай олсак, адид асарининг туб моҳиятига шу қадар чукур кирган бўламиз. Зоро, ҳар бир асар ортида ижодкор руҳияти музассам. Бу мураккаб жараённи психология, тарих, фалсафа билан боғлиқ ҳолда ўрганиш муаммонинг ечимини ойдинлаштириб беради. Қодирий ижодини ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ўрганиш адабиётлунослиқда ҳали очилмаган илмий-назарий муаммолар ечимига кўмак беради.

*Дилдора РАҲМОНОВА,
ЎзМУ, мустақил тадқиқотчи*

ТАВАЛЛО ИЖОДИНИНГ БАЪЗИ БИР МАСАЛАЛАРИ

Ҳар бир ижодкорнинг адабий меросини таҳлил ва тадқиқ этиш унинг таржимаи ҳолини ҳам синчиклаб ўрганишни тақозо этади. Чунки адабий асарнинг яратилишида ижтимоий ҳаётдаги воқеалар билан бир қаторда шахсий ҳаётдаги ўзгаришлар, унинг таъсирида бўладиган кечинмалар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Жадид маърифатпарварлиги даври адабиётининг кўзга кўринган вакилларидан – Тўлаган Ҳўжамёров (Тавалло) меросини ўрганишга киришар эканмиз, унинг мукаммал биографиясини тузишга эҳтиёж сезамиз.

Таваллонинг ижодий биографиясига доир маълумотлар манбаларда турлича кўрсатилади. Масалан, Пўлотжон домла Қайюмовнинг “Тазкираи Қайюмий” асаридаги икки ўринда мазкур ижодкор ҳакида фикр юритилади⁷⁴. Дастроб, Юсуф Сарёмий ҳакида зикр этишда “...мулла Мирза Тўлаган Хўжамёров Тавалло ижод иши” да содик шогирд эканлиги таъкидланади. Тазкиранинг Таваллога бағишланган маҳсус қисмida эса куйидаги сўзларни ўқиймиз: “Бу киши Тошканд шаҳаридан, жадидизм даврининг машҳур арбоблари дандур. “Туркистон вилояти газетаси”да элни илм-маърифатга чакиравучи навҳа⁷⁵ ли шеърлари босилиб турар эди. Сайрам қасабасида қози Байзо номли мозорли жойда яшаб, 1913 йилда вафот этди ва шул мозор қабристонига дафн этилган”³.

М.Зокиров эса “Тирик сатрлар” китобида Таваллонинг ҳаётлик даврини куйидагича белгилаб ёзди: “Тўлаган Хўжамиёров Тавалло 1872 йилда Тошкентда зиёли оиласида туғилди... 1939 йилда вафот этди”⁴.

Бизнингча, “Тазкираи Қайюмий”да муаллиф Таваллонинг вафоти вактини кўрсатишда бир оз чалкашликка йўл кўйиб, Таваллонинг устози Юсуф Сарёмий ҳақидаги маълумотларни шу ўринда бериб юборилган. Чунки “Қози Байзо мозори”га Тавалло эмас, балки Сарёмий дафн этилган⁵. Бу биографик маълумотдан сўнг: “1914 йилда “Садои Туркистон” газетаси чиқарилганда, бу мухаммасни демишиш” тарзидаги изоҳ билан Юсуф Сарёмийнинг:

*Боғлама дунёга кўнгул, мулки моли фонийдур,
Ким кўнгул боғлар анга, нодонлар нодонидур*

матлаъли ғазалига Тавалло битган мухаммас келтирилади. Вахоланки, Убайдулла Хўжаев мұхаррирлегиста чоп этилган мазкур газета 1914 йилда дунё юзини кўрган. Мантиқан ўйлаб қаралса, 1913 йилда вафот этган киши 1914 йилда “Тошканда чиқмиши мұхтарам Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев жаноблари тарафиндан “Садои

⁷⁴ Бу ҳақда қаранг: Қа ѹ м о в П. Тазкираи Қаюмий. Уч жилдик. П жилд. – Т.: ЎзРФА Қўйлесмалар институти таҳрири нашриёти, 1998. – Б. 365–366; III жилд. – Б. 604–606.

⁷⁵ Наөҳа – 1. Товуш чиқаруб йиглаш, улиш, мунгли йиги; 2. Ноҳа.

³ Бу ҳақда қаранг: Қа ѹ м о в П. Тазкираи Қаюмий. III жилд. – 1998. – Б. 604.

⁴ Тирик сатрлар. Тўпловчи: М.Зокиров. – Т.: F.Ғулом номидаги Бадиий адабиёт нашриёти, 1968. – Б. 119–120.

⁵ Бу ҳақда қаранг: Са р ё м и й Юсуф. Танланган асарлар. Нашрга тайёрловччи, сўзбоши, изоҳ ва луғатлар муаллифлари: Б. Қосимов, М.Тожибоева. – Т.: “Маънавият”, 2002. – Б.11.

Туркистон” ном ғазитасина ёзулмиш муборакбод тарихнома⁷⁶ни бита олмайди. Муаллиф ёки ноширлар томонидан йўл қўйилган жузъий хатоликни шу тарзда изоҳлаш мақсадга мувофиқ.

Гарчи Тавалло окланган бўлса-да, М.Зокиров, бизнингча, 1968 йилда шоир ҳакидаги барча галларни ошкора ёзиш имконига эга бўлмаган. Аввало, “учлик” баённомаларида маҳбуснинг исм-шариғи бир неча хил берилган. Қамоққа олинган шахсларга шу даражада беписандлик билан қаралганки, Таваллонинг “жиноий-архив иши”да “Хўжамёров” фамилияси “Хўжаниёзов” билан алмашлаб юборилган. Хужжатлардаги бу каби янглишликлар М.Зокировни ҳам чалғиттан бўлиши мумкин.

Иккинчи муаммо Тавалло таваллудини, М.Зокиров кўрсатганидек, 1872 йил деб белгилаш хусусида. Маълумки, шоир тенгдошлиари Сидқий-Хондайликий (1884-1934), Мўминжон Муҳаммаджонов (1883-1964) билан деярли бир вактда мадраса таълим мини олган. Моддий жиҳатдан тўлиқ таъминланган, қолаверса, маънавий имкониятлари ҳам етарли Тўлаганинг мадрасасага ўн йиллар чамаси кеч боришига нима сабаб бўлган, деган савол туғилиши мумкин.

Таваллонинг қатағон этилиши ҳакида ҳам муаллиф ҳеч нарса ёзмайди.

Професорлар Б.Қосимов, Н.Жабборов, Р.Шамсутдинов ўз тадқиқотларида Т.Хўжамёровни 1883 йилда туғилиб, 1937 йилда ҳалок бўлганлигини таъкидлашади. Бу фикрни “жиноий-архив иш”даги маҳкумнинг ўзи келтирган ракамлар ҳам тасдиқлайди.

Ўтган асрнинг 70-йилларида Таваллонинг қизи – Раҳбар Расурова билан мулоқотда бўлган профессор Шариф Юсуповнинг хотирлашича, бу ракамлар ҳакиқатга мувофиқ келади. Отаси ҳибсга олинган вактда 24 ёнда бўлган Р.Расурова⁷⁶нинг мазкур маълумотларни яхши эслаб қолиши табиий. Қолаверса, у отаси тақдирини аниқлаштириш учун ДҲҚ идораларига бир неча бор ариза билан мурожаат қилган, унга берилган хужжатларда эса отасининг туғилган вақти аниқ кўрсатилган.

У, жумладан, отасининг “иши”ни қайтадан кўриб чиқиб, оклашларини сўраб ёзган аризасига 1968 йил 24 апрелда ЎзССР прокуратурасидан куйидаги жавоб хатини олган:

⁷⁶ Қамоққа олинганда оиласда беш киши бўлган: ўзи – 54 ёнда, хотини Зухра Миёрова – 40 ёнда, ўғли Мақсуд Миёров – 16 ёнда, қизи Санобар Миёрова – 11 ёнда. 1913 йилда туғилган қизи Раҳбар эса 1936 йилда турмушга чиқкан бўлиб, Бухорода яшар эди.

“Фуқаро Р.Расуловага

Сизнинг Хўжамиёров Т. “иши”ни қайта кўриб чиқиши юзасидан қилган шикоятингиз келиб тушди ва ўрганилмоқда. Хулоса ҳақида Сизга қўшимча хабар берамиз.

Ишни тезлатиш учун отангизнинг тугилган ҳамда қамоқча олинган йили юзасидан аниқ маълумот тақдим қилишингизни сўраймиз”.

Ўша даврдаги тарихий вазиятни бир оз кўз олдимизда гавдалантирайлик:

“1937 йилда НКВДнинг 00447-сонли ҳозирда машхур бўлиб кетган буйруғи (“Қулоқлар тўғрисидаги буйрук” – Д.Р.) тайёрланган. Унга кўра, 1937 йил 5 августдан 1938 йил ноябрь ўрталаригача маҳсус ташкил этилган “учлик”лар камида 800.000 кишини 10 йиллик муддатга қамоқча, улардан ярмини отувга хукм қилганлар. 1937 йил августидан НКВД миллый операциялар ўтказиши бўйича яна бир неча буйруқлар қабул киласди...

Ана шу ҳолатдан келиб чиқиб, 1937 йил 5 августдан барча республикалар, ўлкалар ва вилоятларда собик кулоқлар, фаол советларга қарши элементлар ва жиноятчиларни катағон қилиш бўйича операция ўтказиладиган бўлди. Бу операция Ўзбекистон, Туркманистон, Тоҷикистон ва Қирғизистон ССРда 1937 йил 10 августдан бошланиши белгиланди... Операцияни... тўрт ой муддатда якунлаш кўрсатиб ўтилган⁷⁷. Шунингдек, буйруқда операцияни ўтказиши бўйича 7 моддадан иборат йўриқнома ҳам келтирилган. Жазони ўтаб қайтган ва фаол советларга қарши кўпорувчилик фаолиятини давом эттираётган собик кулоқларнинг биринчи навбатда қатағон килиниши алоҳида қайд этилди⁷⁸.

Айни шу талабга Тўлаган Ҳўжамёровнинг “батамом” мос келганлигини қарангки, атиги тўрт кун ичиди, яъни 1937 йил 14 августда у “аксилинкилобий” “Турон”, “Шўрои ислом”, “Иттиҳоди тараққий”, “Миллый иттиҳод”, “Миллый истиқбол” ташкилотларининг аъзоси, “милионернинг ўғли”, “шеърларида миллиатчилик

⁷⁷ Шамсутдинов Р. Қатағон курбонлари (1937 йил 10 август – 5 ноябрь). – Т.: Шарқ, 2007. – Б. 15–17.

⁷⁸ Бу ҳақда қаранг: Шамсутдинов Р. Қатағон курбонлари (1937 йил 10 август – 5 ноябрь). – Т.: Шарқ, 2007. – Б. 16.

төяларини илгари сурган”лик айблари “фош этилиб”, қамокқа оли-нади. Тегишли ташкилотларнинг назорати остида тергов тезкорлик билан ва оддий тартибда олиб борилади. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлигига тузилган иш бўйича “Хўжамёров Тўлаган (1883 йили туғилган, Тошкент шаҳридан, эсерлар партияси аъзоси, 1919 йил Тошкентда Осипов қўзғолонида иштирок этган) 1925 йили ўғирлик ва камомад килгани учун 5 йилга қамокқа ҳукм этилган, хибсга олинган вақтда аниқ машгулоти бўлмаган. “Миллий иттиход” ва “Миллий истиклол” миллатчи, аксилиниқилобий ташкилотнинг аъзоси бўлиб, аҳоли орасида доимий равишда аксилиниқилобий, миллатчилик тарғиботини олиб борганлиқда, “Равнақ ул-ислом” номи остида ўзи ёзган аксилиниқилобий, миллатчилик шеърларини ўқиганликда айбланган”. Мазкур “Айлов хулосаси” 1937 йил 9 сентябрда тайёрланган.

Шу йилнинг 19 октябрида НКВД қошидаги “учлик” мажлисида 20 нафар маҳбус отувга ҳукм қилинган. Ҳаётига якун ясаш ҳакида хулосага келинган маҳкумлар орасида Тавалло ҳам бўлган. Ҳукм 1937 йил 10 ноябрда ижро этилган.

Демак, адабиётшуносликда бир оз муаммоли бўлган Таваллонинг таваллуд – вафот саналарини 1883-1937 йиллар деб кўрсатиш ўринли, деган хулосага келиш мумкин.

Тавалло ижодига доир манбалар тадқиқи

Тавалло ижодининг мазмун-мундарижаси вақти-вақти билан ўзгариб борганилиги унинг дунёқарашибидаги эврилишлар билан боғлиқ. Ижодининг дастлабки йилларида Шарқ шеъриятининг мумтоз жанрларида қалам тебратган бўлса-да, “ишқи илоҳий” ёхуд “ишқи мажозий” унинг асарларида етакчи мавзу бўлмади. Шунинг учунни XIX аср охири – XX аср бошларида анъана тусини олган баёз тузиш ишларида Тавалло асарларига деярли мурожаат қилинмади. Буни баёзлар тематикаси билан боғлиқ ҳолат сифатида талқин этиш ўринли.

Тавалло асарларини жамлаш 1914 йилда тузилган “Сабзазор” баёзидан бошланган. Орадан икки йил ўтгач, шоир ўз шеърларини “Равнақ ул-ислом” номи остида чоп эттиради. Адабий жарабён билан бир каторда ижтимоий ҳаётда ҳам фаол бўлган Таваллонинг шеър ва мақолалари ўз даврида вақтли матбуот саҳифаларини тўлдириб борди. Айниқса, 1914-1917 йиллар давомида Тавалло сама-

рали ижод қилди. “Таржимон”, “Туркистон вилоятининг газети”, “Садои Туркестон”, “Садои Фарғона”, “Самарқанд”, “Нажот” каби рўзномалар, “Ойна”, “Ал-Ислоҳ”, “Ал-Изоҳ” журналларида Тўлаған Хўжамёров имзоси билан баҳс кўзгаган мақолалар, бадиият намуналари зълон қилинди. 1924-1930 йиллар оралиғида эса у “Муштум” журналиниң фаол муаллифиға айланди.

Таваллонинг бизгача етиб келган асарлари мавжуд манбаларини кўйидагича тасниф этиш мумкин:

- * ижодкор ўзи тартиб берган миллий шеърлар тўплами;
- * Тавалло асарлари ўрин олган баёз;
- * ўтган асрнинг 30-йилларигача бўлган матбуот нашрлари.

Асосан ишқи илохий мавзууда ўзига хос услуг ва жозиба билан яратилган асарлар узоқ асрлар давомида адабиётимиз хазинасини ташкил этиб келди. Бироқ тарихий-маданий шароит XIX асрнинг иккинчи ярми – XX асрнинг бошларидағи адабиётни бутунлай ўзгартириб юборди. Бу даврда биргина Туркестонда эмас, балки дунёдаги жуда кўп мустамлакаларда ҳам миллий уйгониш харакати бошланди. Миллатни ёппасига ғафлатдан уйғотмай, халқнинг руҳида тараққиётга майл пайдо қилмай туриб, ҳеч нарсага эришиб бўлмаслиги тушуниб етилди. Адабиёт маърифатпарварлар томонидан жаҳолатта қарши кураш воситасига айлантирилган бўлса, жадид намояндалари томонидан фикрий ғафлатга қарши мустамлакачилик зулмига қарши кураш куролига айлантирилди. Миллатни уйғотишини мақсад килган жадид адиллари, жумладан, Тавалло ҳам “янги мавзуларни янги образлар орқали... ифодалашга уринди”⁷⁹. Бадиий асарлар орқали фикр айтишга эҳтиёж кучайди. “Жадидлар кўп асрлик ўзбек шеъриятини кўйдан даъватга айлантирилар”⁸⁰.

Таваллонинг “Равнақ ул-ислом” тўплами бу борадаги омадли қадамлардан бўлди. Тўпламнинг “Миллий шеърлардан биринчи жузъ” деб номланишидан Тавалло бошқа асарларини ҳам жамлаш ниятида бўлганлиги кўринади. Аммо бу иш амалга ошмай қолиб кетган.

Мазкур китоб, яъни миллий шеърлар биринчи жузъининг нашр этилиш вақти ҳам манбаларда турлича кўрсатилади. Хусусан,

⁷⁹ Йўлдошев К. Янги ўзбек адабиёти: илдизлар, белгилар, босқичлар ва атама. // Ёник сўз. – Т.: Янги аср авлоди, 2006. – 183.

⁸⁰ Ўша асар. – 184.

проф. Б.Қосимов 1993 йилда “Равнақ ул-ислом”ни чоп эттиар өкініштің 8-сағиғасыда 1916 йилни, 12-бетида 1914 йилни, 62-варақдағы 1917 йилни зикр этади.

Камий таърихида эса бу ҳақда шундай дейилади:

*Сана минг уч юз ўттуз бешда
Топты ҳимматла эй Камий, иттом⁸¹.*

Хижрий 1335 йил эса милодийда 1916 йилга мувофиқ келади.

“Равнақ ул-ислом” номланишидан факат исломий ёхуд диний асарлар жамланған мажмұа деган тасаввур үйғотса-да, аслида үндеги шеърлар ахли ислом – Турун элинни тараққиёт, іоксак маданият сари интилишша өзгөрілген. Миллат, Ватан тушунчалары асосий образлар даражасында күтарилған.

Тұпламнинг мундарижасында назар ташланғандағы бу фикрнинг қақылы намоён бўлади.

“Равнақ ул-ислом”га киритилған “Жаҳлу гафлат олди бизни...” матлаъли ғазалда шундай дейилади:

*Жаҳлу гафлат олди бизни, дўстлар, уйғонмадик,
Не сабабдан, билмаюман, уйқуга биз қонмадик.*

*Бошқа миллат қылса гайрат, бизда биດъат ортадур,
Тўю мајслис ҳам гизо деб неча минг қизғонмадик.*

*Етмиши икки миллат этти бу тараққий таҳсилин,
Тўрт хуруғидин ҳануз бир ҳарфини ўрганмадик.*

*... Ибрат олмаз эрса кўз кўргонда дунё боласин,
Кўз юмулсун, дийда оқсун, бўлди биз нурланмадик.*

*Биз кураш тушдук, улоқ чопдукки, мактаб бормадук,
Яхшидур, синсун оёқлар борида хезланмадик⁸².*

Бу мисралардаги фикрни мантиқан давом эттириб, шундай ху-
лоса қилиш мумкин: жадидчилик даври адабиети вакиллари, хусу-

⁸¹ Т а в а л л о . Равнақ ул-ислом. Тошкент давлат шарқшунослик институты қошидаги Абу Райхон Беруний номидаги Шарқ кўләмалари маркази фондида №Л2736 инвентар рақами остида сакланыпташкан манба. – Т.: Гуломия, 1916. – Б. 63.

⁸² Т а в а л л о . Равнақ ул-ислом. Тошкент давлат шарқшунослик институты қошидаги Абу Райхон Беруний номидаги Шарқ кўләмалари маркази фондида №Л2736 инвентар рақами остида сакланыпташкан манба. – Т.: Гуломия, 1916. – Б. 21.

сан Тавалло илм миллат ҳаёти бокийлигининг гарови эканлигини яхши англаб етган; оддий халқ эътиқодини шу мақсад томон йўналтиришига интилган; натижада мазкур мавзу шу давр адабиётида етакчилик қила бошлаган.

Ислом, Турон элининг аксарияти каби, жадидлар учун хам энг муқаддас диний таълимот эди. Бу таълимотнинг асосий талабларидан бири диний билим билан бирга дунёвий фанларни ҳам эгаллаштириш. Шунинг учун ҳам жадидлар илм-фан, маданият учун курашга кўп куч сарфладилар. Илмсизлик натижасида бизда “на пул, на сарват ва на мол-мулк” қолди, деб ёзди Камий. Шу ҳолда турaversak, “Динимиз ҳам кетар ҳаволарга”, дея хуласа қилди “Ойна”-да чоп этилган шеърида. Энг муқаддас тушунччанинг қадрсизланиши ҳамма нарсани қўлдан бой бериш демакдир. Бундай аҳволга тушган халқ, миллатнинг ер юзида бино бўлмоғидан “на суд?!”⁸³ Аждодлардан қолган шонни асрраб колишининг ўзигина эмас, бутун дунёга янгича қиёфа берадиган замонавий тафаккурни, ғояни ҳам ишлаб чиқмоқ лозим. Шундагина миллат ривожланади, ислом равнак топади. Бу тарздаги холис ният Таваллонинг миллий шеърлардан иборат баёзга “Равнақ ул-ислом” номини беришга асос бўлди.

Тўплам сўнгида Сидкий Хондайликий, Каримбек Камий, Хислат, Қодир қори Тўқмоқийнинг китоб чоп этилишига доир таърихлари келтирилган. Шунингдек, Тавалло томонидан баёз ҳошиясига битилган ҳаволалар ўкувчининг айрим истилоҳларни тушишини енгиллаштиради.

Маълумки, мумтоз адабиётимизнинг асосий манбаларидан бири баёзлар ҳисобланади. XIX аср охири – XX аср бошларида баёз ўзбек шеърияти учун асосий манбага айланди. Матбаачилик пайдо бўлгач, чоп этилган китобларнинг аксарияти ҳам айнан баёзлар эди. Тошкент адабий мұхитининг таникли сиймоларидан бири Тавалло адабий меросининг муайян қисми ҳам баёздан ўрин олган.

Юкорида таъкидланганимиздек, унинг олий мақсади ашъорга ташна қалблар чанқоғини кондиришдан кўра миллатни уйғотиши, тараккиётга йўллаш каби улуғвор максадлар билан вобаста эди. Бу кўпроқ у яшаган замон ва миллатнинг аҳволи билан боғлиқ бўлган. Бу мавзунинг қанчалик долзарб бўлганлигини ўша давр матбуотидан ҳам англаш мумкин. Мирмуҳсин Шермуҳамедовнинг “Шоир

⁸³ Тавалло ибораси.

жанобларига илтимос”⁸⁴ номли мақоласида таъкидланганидек, ишкүй мавзудаги шеърлар жамиятга ҳеч қандай фойда келтирмайди, аксинча заари бор. Ёшларнинг одоб-ахлоққа оид китоблар ўрнига ахлоқни бузгувчи ошиқона мувашшахларни ўкиши тараққийга соя солади. “Кимга дод этармиз шоирларимизни дастидан, кай растага оёқ ташласам, ёш-ёш ўсмир болаларни газета ва маҷалла ўрнига дўконға тўнкойиб, ишкүй баёз ўқуб турғонларига кўз тушадур”, дейди шоир афсус билан.

Маърифий мавзудаги шеърлар тўпланган баёз жуда кам, эҳтимол ягона эди. Тошкент давлат шарқшунослик институти кошидаги Абу Райхон Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари маркази фондида №Л 12891 инвентарь рақами остида сақланаётган “Сабзазор” баёзи 1332 хижрий, 1914 милодий йилнинг 22 августида Тошкентда В.М.Ильин босмахонасида чоп этилган.

Баёзниң унвон варагида “жомеъ”⁸⁵ ва ношири” Мунаввар қори тарафидан: “Садойи Туркистон” жаридасина шеър ёзуб турғон ёш шоирларимизинг дарун дилларидан чикоруб миллати исломнинг ахвол ҳозирасин гўзал суратда тасвир этгон “миллий шеър”ларини миллат хотирасинда қолдурмак орзусинда аксарларинг мусоидуху миллатпарвароналари ила бу рисола тартиб ўлунди” тарзидаги изоҳ келтирилади.

Баёздан Васлий, Сўфизода, Авлоний, Хислат, Тавалло, Ажзий, Холид Саид, Мискин, Ҳамза, Ҳақирий, Лайлихоним, Мир Алишер Мұхаммад ўғли каби ижодкорларнинг ғазал, мухаммас ва мусаддас жанридаги шеърлари жой олган. Мазкур баёзда Таваллонинг “Ибрат боғинда”⁸⁶, “Бор сўзлар”⁸⁷, “Дунё кетишига бир назар”⁸⁸, “Тиланмак”⁸⁹, “Бошқа миллатлар ва биз”⁹⁰ сарлавҳали ғазаллари, “Мухаммаси Тавалло бар ғазали Мавлавий Юсуф Сарёмий”⁹¹ ҳамда “Кўр ўлди кўз, аҳадо...”⁹² деб бошланувчи мухаммас жанридаги асарлари ўрин олган.

⁸⁴ Туркистон вилоятининг газети, 1914 йил, 72-сон.

⁸⁵ Жомеъ – тўпловчи.

⁸⁶ “Садойи Туркистон” газетасининг 1914 йил 30 май, 14-сонида ҳам чоп этилган.

⁸⁷ “Садойи Туркистон” газетасининг 1914 йил 6 июнь, 16-сонида ҳам чоп этилган.

⁸⁸ “Садойи Туркистон” газетасининг 1914 йил 19 апрель, 6-сонида ҳам чоп этилган.

⁸⁹ “Садойи Туркистон” газетасининг 1914 йил 10 июнь, 17-сонида ҳам чоп этилган.

⁹⁰ “Садойи Туркистон” газетасининг 1914 йил 20 июнь, 20-сонида ҳам чоп этилган.

⁹¹ “Садойи Туркистон” газетасининг 1914 йил 11 май, 9-сонида ҳам чоп этилган.

⁹² “Садойи Туркистон” газетасининг 1914 йил 13 июнь, 18-сонида ҳам чоп этилган.

Ўтган асрнинг 30-йилларигача бўлган матбуот наширларида Тавалло фаол ижодкор сифатида тез-тез кўзга ташланиб турган. “Дастлабки ўзбек адабий-бадиий журналларида кўплаб ёзувчилар – Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Садриддин Айний, Фози Юнус, Тавалло... иштирок этдилар”⁹³.

Асосий фаолияти савдогарлик бўлган ижодкор сафардалиқ чоғларида ҳам газета-журналларга мақола жўнатишни канда ^{қўйлади}. Шунинг учун тахаллуси ёнида гоҳ Тўкмок, гоҳ Хўчам каби жой номлари пайдо бўлар эди.

Тавалло шеър ва мақолалари билан, асосан, “Ойна”, “Муштум”, “Ал-Испоҳ”, “Ал-Изоҳ” журналлари, “Туркистон вилоятининг газети”, “Садои Туркистон”, “Садои Фарғона”, “Нажот”, “Самарқанд” каби газеталарда қатнашди. У 1913 йилдан бошлаб кизғин ижодий жараёнга киришган эди.

*Баҳром ИРЗАЕВ,
“Қатагон қурбонлари хотираси” музейи
катта илмий ходими
Абдували ЙЎЛДОШЕВ,
“Қатагон қурбонлари хотираси” музейи
бош муҳофизи*

ҚОСИМ СОРОКИН – ҲАМ НОЗИР, ҲАМ ҚАЛАМКАШ

Советлар тузуми қатағон сиёсатининг асосини умумдемократик тамоиллар ва инсон ҳақ-хуқуқларини, миллий ҳис-туйгуларни поймол этиш, кичик ҳалқларга нисбатан беписанд ва шовинистик муносабатда бўлиши, ҳар қандай ҳурфикрлилик ва миллатпарварликни қатъий қоралаш ташкил этди. Совет давлатида маъмурий-буйруқбозлик тизими, коммунистик мағкуранинг тўлиқ қарор тошиши жараёнида қатағонлар давлат раҳбарларининг ички сиёсий мавқенини мустаҳкамлаш воситаларидан бири бўлган. 1937-1938 йиллардаги “Қатта қирғин” совет давлати ташкил этилган кунлардан унинг асосчиси Ленин томонидан бошлаб берилган, кейин Сталин изчил давом эттирган қатағон сиёсатининг авж нуктасидир. Бу машъум кирғиннинг бегуноҳ қурбонларидан бири таникли журналист, бир неча йиллар “Қизил Ўзбекистон” газетасининг масъуль

⁹³ А б д у а з и з о в а Н. Ўзбекистон журналистикаси тарихи. – Т.: Академия, 2002. – Б. 29.

муҳаррири вазифасида хизмат қилган Қосим Ибрагимович Сорокин (1899-1938) ҳисобланади. У юртимизда истиқомат қилган татар халқи вакилларидан эди.

Қосим Сорокин 1899 йил 17 декабрда Россиянинг Ульяново вилояти Старо Тимашино кишлогоғида дәхқон оиласида туғилган. Қ.Сорокиннинг қачон ва қандай сабаб билан ватанимизга күчиб келганилиги ҳақида маълумотлар учрамади. Бирок шу нарса маълумки, у 1917 йилга қадар ҳам Тошкентда яшаган ва мактаб ўқитувчиси сифатида фаолият олиб борган. Бу даврда Туркистоннинг деярли барча шаҳарларида татар зиёлиларининг “усули савтия” (нўғой мактаблари) мактаблари мавжуд эди. Унинг турмуш ўртоғи, 1902 йил Тошкентда туғилган Гулсум Абдураҳмоновнанинг хатига асосланадиган бўлсак, Сорокин 1918-1920 йилларда Фарғона воийисидаги миллий озодлик ҳаракатига қарши курашда катнашган. Ҳатто 1919 йилдан ВКП(б) аъзоси бўлади. У 1921-1923 йилларда Тошкентда “Туркистон” газетасида масъул муҳаррирлар Ақмал (Ақмал Икромов), 1922 йилда Мұҳсин (Мирмуҳсин Шермуҳамедов), 1923 йилдан Усмонхон (Усмонхон Эшонхўжаев)лар билан биргалиқда техник муҳаррир вазифада ишлаган. Қ.Сорокиннинг 1923 йили “Инқиlob” журналида “Қ” имзоси билан “Нефть учун кураш”⁹⁴ мақоласи чоп этилган. Унда жаҳоннинг энг кучли давлатлари ўргасида нефть ва унинг захиралари учун аёвсиз кураш кетаётганини қаламга олган. Ўтказилаётган халқаро конференциялар ва тузилаётган ҳарбий иттифоқларининг асл мақсади ҳам шу эканлигини асослашга уринган.

Қ.Сорокин 1923-1924 йилларда “Озод Бухоро” газетасининг муҳаррири лавозимида фаолият олиб боради. 1924-1926 йилларда Москвада СССР халқлари марказий нашриётида инструктор вазифасини бажаради. У 1926 йилда Ўзбекистонга кайтиб, 1930 йилгача “Қизил Ўзбекистон” газетасида масъул муҳаррир лавозимида хизмат қиласи. “Ўртоқ Қосим муҳаррир бўлганидан кейин “Қизил Ўзбекистон” газетаси техника жиҳатидан тагин ҳам мукаммаллашди. Ўқувчиларни газета билан таъмин қилиш ишлари яхшиланди. Байналминал (миллатлараро) аҳвол, Шарқ ва ички масалаларда кўпроқ баҳс этишга қадам қўйилди. Кундан-кунга янги-янги вазифалар билан ўралиб турғон бу газета ўз вазифаларини бажариш

⁹⁴ Қ. Нефть учун кураш // Инқиlob. 1923. № 9-10. – Б. 105-109.

йўлида зўр, мустаҳкам қадамлар билан илдамламоқда”⁹⁵, деб ёзган эди Зиё Саид қаламкаш биродари ҳакида.

Дарҳакиқат, шу даврда газета янгича мазмун касб этиб, унинг саҳифаларида хилма-хиллик янада ортди. Газета тиражи тезда 25 мингга етди. Газетада танкидий, ҳажвий ва сатирик жанрларда ёзилган материалларга кенг ўрин ажратилди. Жумладан, “Самарқанд сайқали рўйи замин аст” мақоласида Самарқанд шахрида бинокорликка ажратилган пулларнинг ниҳоятта кам эканлиги қаламга олинади. Самарқанддаги лойгарчиликларни кескин танқид килиб, ҳатто кўчалардан ўтища қайиклар керак бўлмоқда, деб ёзилган эди унинг бир мақоласида. У “Қосим”, “Қ.С.” ва “Сорокин” имзолари билан кўплаб мақолалар, сиёсий ахборотлар тайёрлади. Тахририят ходимлари билан бамаслаҳат газетада бир бетлик “Адабиёт ва санъат саҳифаси”ни ташкил этди. Аъзам Аюбов шу муносабат билан ёзган мақоласида: “Агар ўқувчи табакаларимизнинг кундалик эҳтиёж ва талабларига юзаки бўлса ҳам кулоқ солсак, унда адабий озуканинг кам ўрин тутганилигини чин мушоҳада қила оламиз. Нафис адабиётда кечирган ва бошимиздан ўтиб турган ҳодисалар ҳамда курашларни жонлик ва бор бўйича тасвир килиб берган асарларга ташнамиз. Тўғри, айтиш мумкинки, чиқарган асарларимизнинг кўпли ўқувчиларимизнинг кутган умидидан, унинг савиясидан тубан туради. Маъно ва шакл жихатидан қондирарлик асарларни кам кўриб турибмиз. Йўгон мажмуалар, китобларни кўя колайлик, ҳар куни ва ойлаб чиқиб турган кўп сонлик вақтли матбуотимизнинг тузукроқ ва пишикроқ адабий асарларга эҳтиёжи ҳам қондирилмайди”⁹⁶.

Қ.Сорокин мавжуд муаммонинг ечими ҳакида ўз мулоҳазаларини билдириб, асосий умидни етишиб келаётган ёшларни тарбиялаш ишига қаратади. У: “Агар биз шу ишни бажармасак, пастдан умид билан чиқиб келаётган тўлқиннинг кучини ишга сололмасак, тарихий жиноятнинг сабабчиси бўламиз. Юқоридаги мұхтожликни таъминламак учун фақат пастдаги кучларни тарбиялаш, ўқитиш, ўргатиш лозимдир. Биз адабий ҳаракатимизни, айниқса, ҳозирги даврда ўқитиш, ўргатиш билан бирга олиб бормоғимиз керак. Чунки, ёзгучи қанчалик “серилҳом” бўлгани билан ўқимаса

⁹⁵ Зиё Саид. Ўзбек вактли матбуотига материаллар. – Т. – С., 1927. – Б. 100.

⁹⁶ Аъзам Адабий ҳаракатимиз ва тарбия // Қизил Ўзбекистон”. № 20 (1218). 1929 й. 25 ноябрь.

ва шу ўқиши турмушға ишқаб кўрмаса, тез фурсатда танглиқда қолар эканки, буни шу кунларда кўриб, жафосини чекиб турибмиз. Адабий кучларимизнинг туйғулари, сезгилари мутолаачилар оммасидан кейинда борса, ундайларнинг ҳолига фақат йиғлаши керак. Бунинг олдини олмоқ учун илм билан аслаҳаланиб турмушга кирмок шартдир. Бизга лозим бўлган “илхом” ётиш ва маъишатдан эмас, кураш ва ҳаракатдан туғилади. Қайсики, шунинг орқасида қасб (профессионал) ёзувчиларга эриша оламиз. Бинобарин, адабий ҳаракатимиз ўқиб ўрганиб туриб ижод этишга боғлиқдир⁹⁷, дейди. Натижада бу саҳифанинг адабий савиясини жонлантириш мақсадида Ойбек, Ҳамид Олимжон,Faфур Ғулом, Мақсуд Шайхзода, Собир Абдулла каби ёш шоирларни таклиф этди. Абдулла Қодирий, Фози Юнус, Элбек, Собира Холдорова, Отажон Ҳошим, Хосият Тиллахонова, Саодат Шамсиева ва бошқалар ҳам тез-тез шу саҳифанинг меҳмони бўлишиди. Айниқса, Аъзам Аюбнинг ўзбек киносининг илк йирик маҳсулоти – “Равот қашқирлари” фильмни учун уюштирган баҳси газета тарихида ўчмас бўлиб қолди. Бу баҳсда Абдулла Қодирий, Зиё Said, Комил Алиев каби таникли қаламкашларнинг мулоҳазалари ўкувчилар эътиборини тортиб, газетанинг обрўсини оширди.

Қ.Сорокин 1930 йилда Москвадаги марксизм-ленинизм курсига ўқишига юборилади ва шундан сўнг хукумат ишига жалб этилади. У 1931-1933 йилларда Андикон шахри Сталин туманида МТС сиёсий бўлими бошлиги бўлиб ишлайди. У жамоатчилик билан ишлаш қобилияти туфайли МТС жамоаси ўртасида ҳам, республика раҳбарияти олдида ҳам ҳурмат қозонади. 30-йиллардаги ислоҳотлар натижасида МТСлар фаолияти тугатилгач, Қ.Сорокин туман партия комитети котиби, 1936 йилда эса маориф ҳалқ комиссари этиб тайинланади.

1937 йил 29 сентябрда Қ.Сорокин Сталин туманида партия котиби бўлиб ишлаган вақтида давлат мулкини талон-тарож қилиш, тут дараҳтларининг кесилиши натижасида ипакчиликка зиён етказиши ва маориф комиссари вазифасида ишлаб юрган вақтда қатор камчиликларга йўл қўйиб, аксилиңқилобий унсурларни ишга олганлик ва бошқа жиноятларни содир этганликда айбланиб, ЎзССР ЖКнинг 66-модда 1-қисми ва 67-моддалари билан айбла-

⁹⁷ Аъзам Адабий ҳаракатимиз ва тарбия // Қизил Ўзбекистон". № 20 (1218). 1929 й. 25 ноябрь.

ниб, қамоққа олинади. Унинг Тошкент шаҳри 1-Куйбишев ёпик кўчаси б-уидиа тинтуб ўтказилиб, Ленин ордени, иккита 7,65 мм калибрли Браунинг маркали револьвер, 34 та ўқ, 3 кути милтиқ ўклари мусодара этилади. Шундан сўнг 67 ёшли онаси Ашрархон ая, 1902 йил Тошкентда туғилган турмуш ўртоги Гулсум Абдураҳмоновна Сорокина, Арслон (12 ёш) ва Эрик (10 ёш) икки ўғли, шунингдек, кейин туғилган қизи Светлана отасини кайтиб кўришмайди.

1938 йил 21 сентябрдаги дастлабки терговда Сорокиндан татарларнинг миллатчилик ташкилоти ҳақида маълумот бериш талаб килинади. У Муҳаммад Ҳасандан ташқари бошқа татарларни деярли танимаслигини маълум қиласди. 1937 йил 8 октябрда ўтказилган иккинчи терговда унга “барча айблари” ёзилган сўрок баённомасини берилиб, уни имзолаш талаб килинади. Бу баённомада ёзилишича, Ўзбекистон компартияси МК биринчи котиби А.Икромов компартиянинг IV курултойи вақтида уни аксилинқиlobий ташкилотга тортган эмиш. Шундан сўнг А.Икромов уни ўз уйига, дачасига бир неча бор таклиф этган ва сұхбатлари давомида А.Икромов Компартия Марказий Комитети ва Средазбюро фаолиятидаги ноҳақликларни танқид қилган, советларнинг миллий сиёсатидаги хийла-найрангларни, улардаги бошқа миллатларга ишонмаслик тамойилини танқид қилган эмиш. А.Икромов партия курултойида Сорокинни “ўз одами” сифатида газета мухаррирлигидан олиб, партия ишига жалб этган ва ЎзКП МК нашриёт бўлими бошлиги лавозимига тайинлаган ва Сорокин 1929 йил охиридан “Миллий истиқлол” ташкилотининг аъзоси сифатида унинг барча тадбирларида иштирок эта бошлаган эмиш.

Баённомада ёзилишича, А.Икромов барча раҳбарлик постларни ўз одамлари билан тўлдириб, эски кучларни, яъни собиқ бой, кулоқ унсурлар, диндорларни ҳукумат ишларига тортиш ҳақида кўрсатма берган. 1930 йилда Англиядан қандайдир ёрдам кутган. Шунингдек, баённомада “Миллий истиқлол” ташкилоти аъзолари сифатида А.Каримов, С.Болтабоев, Ҳ.Бурнашев, М.Рамзий, Боту, Воис Раҳимий, М.Эрматов, М.Усмонов, С.Холдорова, Т.Шодиева, М.Шермуҳаммедов ва бошқаларнинг номлари келтирилган. Яна шу баённомада ёзилишича, ташкилот ишлари бир неча йўналишда олиб борилган бўлиб, улар: 1) миллий кадрларни тарбиялаш; 2) халқ хўжалигини издан чиқариш; 3) раҳбар кадрларга эски бой,

миллатчи унсурларни тортиш; 4) миллий ғояни бадиий ва даврий адабиётларда тарғиб этиш кабилардан иборат бўлган. А.Икромов 1930 йилда халқнинг руҳиятини кўтариш лозимлиги ҳакида тўхталиб, таълим тизимиға ҳарбий таълим дарсларини киритган. У русларсиз бошқарувни қўлга олиш ҳақида тинимсиз кураш олиб борган, колхозларни бошқариш учун собиқ босмачиларни жалб этишга чақирган. Қосим Сорокин А.Икромов буйруғи билан Сталин районида 1500 га ердаги 5000 туп тут дарахтини йўқотиб, ўрнига пахта экдирган. Натижада ипак қурти бўйича давлат режаси бажарилмаган. А.Икромов раҳбарлигидаги бу ташкилотда Фитрат, Чўлпон, Қодирий, В.Рахимий, М.Ҳасанов, Сорокинлар иш олиб борган. Сорокин 1936 йил августидан маориф халқ комиссари бўлиб ишлаган йилларда миллатчи ва троцкӣчиларни ишга олишга асосий эътибор қаратган. Ўзбекистондаги барча раҳбарлар ва таълим соҳасидаги 1000 нафар ўқитувчи ҳам миллатчилардир. Жумладан, Тошкентдаги 123-мактаб директори – Мунаввар қорининг қайноғаси. Дарсликларда “халқ душманлари” О.Ҳошим, Қ.Рамазон, Ш.Рахимий асарларига кенг ўрин берилган. Дарсликларда *колхоз, социализм* сўзлари деярли учрамайди. *Колхоз* сўзи бор ерда, албатта, “очлик” сўзи бирга келади. Арифметика дарслигига 100 га ёрдан 3 центнердан ҳосил олинди, деган мисол бор. Ўзбек мактабларида рус тили ўқитувчилари деярли йўқ даражада. Мактаб курилиши режаси бор-йўғи 80 % га бажарилган. Шунингдек, жорий йилда Тошкент шаҳрида режадаги 9 та мактаб ўрнига бор-йўғи 1 та мактаб фойдаланишга топширилган. Албатта, юқоридаги айблар маориф халқ комиссарининг “жинояти” эмас, аксинча, совет терлов машинанасининг ихтироси эди. Бирок, “айбдор”дан фақат битта нарса, имзо чекиши талаб қилинди ва бунга барча воситалар орқали эришилди.

1937 йил 14 октябрда Давлат хавфсизлиги ходими Маврин ЎзССР НКВД 4-бўлими бошлиғи Агабеков номига ёзган қарорида Қ.Сорокиннинг аксилинқилобий миллатчилик ташкилот аъзоси эканлиги аниқлангани ва у ЎзССР ЖК 66-моддасининг 1-қисми ва 67-моддаси билан айбли деб топилганини баён этди. Шунингдек, “жиноий иш”га Д.Ризаевнинг 1937 йил 15 сентябрда, М.Ҳасаннинг 1937 йил 7 октябрда, М.Усмоновнинг 1937 йил 11 октябрда берган кўрсатмалари тикилди. 1937 йил 24 ноябрда эса Сорокин Қ.Рамазон билан юзлаштирилди.

Тошкентда 1938 йил 4 октябрь соат 8.25 да бошланган “учлик” суди 8.40 да тутгалланди. Гувоҳлар чақирилмади, айбланувчига ўзининг айбисизлигини исботлаш учун бирор-бир имконият берилмади. 1937 йил декабрдаёқ тайёрлаб кўйилган Айлов баённомасидаги сана ўчирилиб, қалам билан 1938 йил 3 октябрь деб тӯғриланди ва ўкиб эшигтирилди. Шундай шароитда бошқа маҳбуслар қатори Сорокиннинг “жиноятлар”и ҳам исбот этилди ва маҳкумга отув жазоси белгиланди. Ҳукм ўша туниёқ ижро этилди.

Сорокиннинг хотини Тошкент шаҳри, Ш.Руставели кўчаси 99-йи, 10-хонадонда яшовчи Г.А.Сорокина 1955 йил 14 августа СССР Бош прокурори номига ариза ёзди. У аризасида эрининг НКВД томонидан қамоққа олингани ва 10 йилга ҳукм этилганини, бироқ ҳозиргача қайтиб келмаётгани, ўғли Арслоннинг наъмуналийигит бўлиб улғайгани, 1941-44 йилларда Сельмаш заводида ишлаб, “Спартак” жамоасига аъзо бўлгани, иккинчи ўғли Эрикнинг Иккинчи жаҳон урушида катнашиб, “Кизил Юлдуз” ордени, “Берлинни ишғол килгани учун”, “Германия устидан ғалаба қозонгани учун” медаллари билан тақдирлангани ва ҳозирда Тошкент шаҳрида шафёр бўлиб ишлаётгани, 1938 йилда тугилган қизи Светлананинг 10-синфда ўкиётгани, ўзининг 18 йилдан буён ёлғиз ўзи уч фарзандни ўстираётгани ҳақида ёзди. У эрининг давлат олидидаги ҳеч қандай айби йўқлигига ишонишини маълум қилиб, унинг оиласи бағрига қайтарилишига рухсат беришларини сўраб ёлворди.

· 1956 йил май ойида Қ.Сорокиннинг иши қайта кўриб чиқилди ва унинг айбисиз эканлиги тўлиқ ўз исботини топди. Қосим Иброҳимович Сорокин 1956 йил 15 сентябрда СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси, 1957 йил 25 майда эса СССР Олий Суди томонидан тўлик окланди.

АДАБИЙ-БАДИЙ ВА ПУБЛИЦИСТИК АСАРЛАР

Абдулла ҚОДИРИЙ

ҚУЁШ БИЛАН ҲАМ КУРАШАМАН⁹⁸ (Ҳикоя)

13 июлнинг тонг салқини бу кунги қуёшнинг туғуши олдида узокка чидаб бора олмади. Ёқимли салқин ва ингичка эсатурғон тонг ели оқ тутун ичидаги барқ уруб чиққон қуёш ҳарорати билан нафас олиш учун ёқимсиз илиғ бүғға айланди. Эрта билан бирор соат тинғон сув каби шафоғ ҳолда турадурғон ҳаво ҳам бүғға тутулғон ойнадек хира туска кирди. Суви кўллаш оркасида сизотизза ҳолига келган, теварагини барди, саломалик ўтлари босқон ва поёнсиз гўзапоялар орасидан айланниб оқкон ариқ устларидаги чибинлар, тоқатсизланғондек гивирлаша бошладилар. Ёнғоқ остига ўчок қазиб ўн кетмон тупрок тортиш билан манглайи терчиган Юнус ота кетмонига суюниб нос отгар экан, ўз-ўзига:

– Бу кун кабоб пиришсак ҳам бўладир, – деб қўйди.

Аравадан чиқарилғон бурул айғир гўза ўватига экилган наша баргларини исказ қарамоқда эди. Аваз бугчамаланғон кўрпа, ёстиқ ва озиқ-овқатларни арава олидан тушуриб ёнғоқ каторидаги ўрук остига тахламоқда эди.

⁹⁸ Абдулла Қодирийнинг ушбу асари “Ўзбек шўро адабиёти” журнали, 1932 йил, 3-сонида босилинган бўлиб, кейинчалик “Обид кетмон” киссасининг таркибида бир фасл ўлароқ айнан шу сарлавҳа билан киритилган. Бирок “Қуёш билан ҳам курашаман” матни журналда киссадан олинган парча сифатида эмас, балки алоҳида сюжет ва композицияга эга ҳикоя сифатида берилган. Иккинчидан, ҳикоя охирида адабининг тугал асарлари бутунлигини ифодалайдиган “Битди” сўзи ҳам берилган. Бу ҳикоя матни “Обид кетмон” таркибида келиган матндан маълум даражада фарқ қиласди. Ҳикоядаги айрим сўз ва сўз бирималари таҳрир этилган; заруратта кўра, қисқартирилган ҳамда киссанинг умум пифосига мослаш учун ушбу матнга баъзи ўзгартиришлар ҳам киритилган. Тахминимизча, ёзувчи замонавий кишлоқ хаётни, дехонларининг турмуш тарзи тўғрисидаги “Обид кетмон” киссасидан олдин шу ҳикояни ёзган. “Қуёш билан ҳам курашаман”га алоҳида ҳикоя сифатида караш ва уни адабининг бошқа кичик асарлари каторига қўшиб, нашр килиш максадига мувоффик. Нашрга тайёрлаш жараённида журнал таҳририяни томонидан йўл қўйилган айрим техник нұксонлар “Обид кетмон”нинг 1935 йилги нашрига киёсан ўнгланди, жузъий ўринларда ҳикоя тили бугунги адабий тилга мослаштирилди.

– Одамданми? – деди бир бүгчамани аравадан күтариб ола-ола, – чопиқчилар бу кун энасини күради десангиз-чи.

Юнус ота жавоб бермади, ярим очилғон ўчоққа тушуб, ўчок теварагини теша билан чопа берди.

Аваз аравадан тушрилган сўкни күтариб ўчоқ якинига келтириб кўйди. Арава устидаги юқ тугалиб олдинғи томонда бир хуржун нон ва орқада хашакта ўраб танғилғон қозондан бошқа нарса қолмади. Олдиндаги хуржунни кўтармакчи бўлғон эди, қозон оғирлиқ қилиб арава “лайлак” бўлаёзди. Аваз хуржунини қайтариб кўйишга мажбур бўлди.

– Ота, қозонни тушуришайлик-чи.

Юнус ота ўчоқдан тупроқ чиқармокда эди. Ишдан тўхтаб бир оз аравага қараб турди-да, оғзидағи носни туфлаб ташлади.

– Хуржинни ол!

– Хуржинни олсам, қозон ағанайдир.

– Кўтармадаги гўштли челакни олдингми?

Кўтармадаги челак Авазнинг ёдидан кўтарилиган эди: Арава-нинг остига кириб челакни ешиб ола бошлади. Юнус ота лабидаги нос ушоқларини яхтагининг енгига арта-арта арава ёнига келиб ялан оёғи билан шотини босди.

– Нонни ол!

Аваз хуржундаги нонни олиб кўйди. Юнус ота аста-секин шотини линг ҳолға келгунча қоронға бостирди. Аваз арава орқасидан чиқиб ўралғон ҳашакларни олди.

– Тағин озроқ жўнатинг!

Юнус ота шотини бир оз ўз ҳолиға кўйди. Қозон Авазнинг олдиға силжиди.

– Ҳозир бўлиб кўтар, ерга кўйма, ўчоқнинг ёнига олиб бор!

Аваз иҳраб-сиҳраб қозонни бошиға кийгансумон ўчоқ ёнига келтириб кўймоқчи бўлғон эди, қўли толиқиб қозоннинг бир кулоги Авазнинг бурниға тегиб кетди.

– Бурни(нг) қора бўлди Ҳувари! – деб ота илжайган эди, оғзидағи онда-сонда қолғон носвой билан кўкарган чугур тишлар кўриниб кетди, – бир пут қозонни эплолмайсанми, боласи тушкур.

Аваз бурнини қўли билан ишқаб тозалади:

– Бир пут? Бу қозон баҳазур бир пут ўттиз қадоқ келадир.

Юнус ота кетмонини кўлиға олиб ўчоқдағи тупроқларни чиқаришга тутунди.

– Майли, икки пут десант ҳам ҳақинг кетмайдир. Отингни олиб боғла, ғўзани новит қиладир; чеҳакларни олиб сувга бор, қайтишингда ариқдан сув очиб кел!

Аваз отини четроқдаги тутка боғлаб, қўлиға чеҳакларни олғон пайтда ернинг этагидан елкасига кетмон қўйғон бир тўда йигитлар кўриндиilar, йигитларнинг орқасида от олдига каттакон бир самоварни ўнгарган яна бир отлик ҳам кўринар эди.

Юнус ота ўчоқни тозалаб, қозонни ўчокка қўндирғон пайтда йигитлар ёнғоқ тегига етиб келдилар, терс-турс килдириб елкала-ридаги кетмонларини ерга ташладилар. Уларнинг уч-тўртларини истисно қилғонда, кўплари деярлик олди очик қалами яхтақ, қалами иштон, оёқларида кўн этик, бошлариға ҳар турли дўшини ки-йиб, белларини бир метир чамаси килиб кесилган, яхшигина кирлаб сарғайғон хом сурф билан боғлагон эдилар. Кўбчилик йигирма билан қирқ орасидағи йигитлар бўлиб, орада уч-тўрт нафар 45-50 ёшликлари ҳам йўқ эмас эди. Улар кетмонни ерга қўйғоч, сўз кў-ишиғондек белбоғларини ешиб манглайларини тангта бошладилар.

Орадаги икки-учта ялан оёқ ёшларнинг бириси бўлғон 22-23 ёшлар чамалик, суяги йўғон қадди қисқа - яъни бўйдан олиб энига урулғон беўхшоқ катта бошлиқ, кишига қарагон пайтда, айникса, ёш болаларни кўркутарлиқ даражада ғилай қўзлик, филники каби йўғон ва тўмтoқ оёқлиқ, кизилмагиздан келган бир йигит кўбчилик ичидан чиқиб келди-да, янги қазилиб қозонни ўрнаштирилғон ўчоққа энташиб мўралади:

– Ўчоқни қотирбсиз ота, чопикни битирган қунимиз ўхшатиб бир норин килиб иккита “мўйсафид”дан ҳам чақира тургон бўлиб-миз-а, – деди.

Қозон теварагини тупрок билан кўмаётқон Юнус ота унинг сўзига илжайди.

– Агар бу кун қизил саллани олсанг, албаттa...

Йигит ўчоқ ёнидан қўзғалиб, ғилай қўзини “даҳшатли” туска киргизди.

– Оламан, албаттa оламан,- деди ва теварагига аланғлаб, ўзидан олти қадам нарида икки метир чамаси қизил сатинни бошиға чулғаб ётқон,чуваккина ва айтидан улугсимонлиги кўриниб тургон бир йигиттга каради, – қизил саллани берсанг, оламан!

Бошиға қизил чулғовчи йигит илжайиб қўйди.

– Оласан, – деб пичинг отди Юнус ота, – қизил саллани деб етти йигит йиқилди, сен саккизинчи курбон бўлмасанг яхши эди...

– Самоварни ол каллахом, – деди отда келиб тўхтағон биригадир Ислом новча.

Филай йигит нима ҳам демакчи эди, сўзи биригадир томонидан бўлинди, самоварни олиб четка элтиб қўйди.

Филай йигит, яъни биригадирнинг таъбирича “каллахом”нинг асли исми Розик бўлиб, фавқулодда яратилғонлигидан бўлса керак унинг шахсиға анчагина лақаб тўқуғон эдилар. Сийлағон киши уни, ўз исми бўлғон “Розик” билан атаб чакирап эди, бирорлар “каллахом” деб ундар эди. Учунчилар “пўлогўр” ва тўртингилар ҳазилмандлар эса, тўғрудан-тўғру “кўр” деб қўяқолар эдилар. Лекин “филай” деб ҳеч ким атамас, эктимолки Розикқа нисбатан “филай” сўзини “ҳайиф” ёки “эсиз” ҳисоблар эдилар. Бу лақабларни Розикнинг ўз томонидан қаршиланиши масаласига келганда у бундай лақаблардан чумоли чаққанча ҳам ранжимас, билъакс табиатига “кўшимча” тариқасида бағишлиғон “қизиқлиқ”ларидан озғина ишлатиб қўйишға рухсат берилғанлигини сезар, Розикқа тақилғон лақаблардан “Пўлагур” сўзи, унинг яратилиш сифатини яхши гавдалантирганликдан биз ҳам бундан сўнг Розикнинг асил исмини атамай “Пўлагур” деб юрутамиз.

Пўлагур самоварни олиб қўйғондан сўнг белидаги рўмолини силлиқ таҳлаб манглайнин боғлади. Одди очиқ яхтагининг кўкрак тўғрусиға тақилғон боғичларини бир-бирига келтириб тугди, сўнгра қисқа семиз билагини очиб, яхтак енгини тирсагигача чикариб шималди-да, кетмонини икки қўллаб ушлаганча қизил саллали йигитнинг олдиға келди:

– Имонингни ўгуравур Бадал, – деди Пўлагур кетмонини ерга қўйиб ва сопининг устига юм-юмалоқ мушти билан гурс этиб уруб қўйди, – ё бўлмаса обғимни ўп, саллани бер!

Пўлагурнинг бу сўзидан ёш-яланглар хаҳалашиб кулиб, кексалар илжайицдилар.

Бригадир Ислом новча кетмонини қўлиға олиб ҳаммадан яrim газ юқори турғон қадди билан ғўзанинг устига юриб келди, унинг орқасидан бошқалар ҳам эргашдилар. Кейинги сугориши билан анчагина кўтарилиб қолғон ғўзанинг ҳозирғи қўлага жойлари бир қадар лой, беш-олти одимгача серҳато ва қисқа бўйли эдилар. Қолмиш ғўзалар эса, кўз илғамай сойға тушиб кетканча элли сантеметир чамаси дуркун ўскан ва аксар тупларининг қуи бўгумларида сарғиш-пушти капалак қўнғон каби гуллар кўринар эди.

Ислом биригадир эгатдан бирини чопиб синааб күрди.

– Бу ерлар лойроқ, кетмөнга ёпишадир! – деди ва беш-олти қадам гүзадан ташлаб ичкарилади ва яна чопиб күрди, – шундан бошлайык, бу ёкни кечки пайт болпаймыз.

Биригадир нашали уват ёнидаги чет қаторға ўтиб, ён қаторига Пўлағурни чақириди:

– Қани каллакдор полвон, меним ёнимдаги эгатка, сиз Бадал қаҳрамон, каллакдорнинг ёнидаги қаторға, сиз ўртоқлар ўз қаторларингизга жойлаша берингизлар.

Пўлағур биригадирнинг ёнига келиб, унинг қаторига Бадал келиб тушди. Бошқа қаторлар ҳам колхозчилар билан тўлиб йигирма беш метир қадар жойға ерлашдилар.

Бригадир уларни санаб чиқди:

– Бир, икки... йигирма уч, мен билан йигирма тўрт, тўғру, қани оғалар бошладиқ! Каллаҳом, сепламага йўл йўқ, Бадалбой сизга ҳам! Кесаклар ушалсин, ўтлар ўлсун, бўғузлар тўлсун! Кетмөнни илдиздан қочириб юритасиз; башарти бир қатордан заарланган гўза уч тупға етса ош бир коса, нон яримта!

Пўлағур кўлига туплар экан кўзини ола-кула очиб, қаторнинг бошиға қараб олди ва “шарманда қилма”, деди-да кетмөн ташлади, бошқалар ҳам чопикқа кирдилар.

Кетмөнлар олдин-кетин кўтарилиб туша бошладилар. Тристурс, чак-чук эткан товушлар чиқиб, юқори кўтарилган кетмөнларнинг ялтироқ сиртиға тутулғон қуёш нури ялит-юлт чақнаб турди. Пуштадаги куруқ тупроқлардан озроқ чанг кўтарилиб кетмөнлар билан ўйнаша ва атрофға тарқала бошладилар. Чопикдан чиққон жойлар силлиқ манзара ола бордилар.

Пўлағур бир оз шошинқирагон ҳолда тарс-турс кетмөн солмоқда эди. Бадалнинг кетмөни у қадар шошиб тушмаса ҳам, лекин ҳар бир кетмөни керакли жойға тушиб бир тунни икки кетмөн билан сарышталаб бормоқда эди. Ҳар иккисининг чопигиға кўз қирини ташлаб борғон биригадир бир вақт кетмөнига суюниб тўхтади.

– Сен, каллаҳом, чопикда бир оз чала экансан, кучинг бекорга сарф бўлмоқда! – деди. – Кетмөнни мўлжаллаб ташла, биринчи кетмөнда ўт ўлсин, кесак ушалсин, илдиз бўшалсин ва шу тупроқ билан нариги гўзанинг бир ёқ бўғози ҳам тўлсун, иккинчи кетмөнда бериги бўғози тўлиб, учинчидан чала қолғон ўрунлар кумлансин; онда-сонда учраган катта кесакларни кетмөннинг муҳраси

билан бир ур-да, кета бер. Ҳозир Бадал билан баравар бораётғон бўлсанг ҳам, бироқ узоққа чидамайсан, негаки бирининг ўрнига икки куч сарф қилмоқдасан.

Пўлағур сўз тинглаш учун ишдан тўхтамади, чунки “душман” ҳазил эмас эди. Ишлар экан биригадирнинг сўзини тинглади.

– Тўғри, – деди Пўлағур, – ишимнинг пўлқилиғини ўзим ҳам пайқаб қолдим.

Чопикчилар кулиб юборадирлар.

– Бали, – деди биригадир, – сенда Бадалнинг икки кучи бор, бироқ ҳадис йўқ. Кетмонни ҳамма вақт баланд кўтариб бир хил кўнукда тушурма; кесак кўчиратурғон бўлсанг баланд кўтар-да ўрта дамини ишлат, кумлашда миёна кўтариб ўнг даминигина ишлат, керак бўл(ма)ғонда сўл дамини ишлата кўрма! Ана, ана, тамом!

– Оббов, – деди ишдан тўхтаб Бадал, – таълимингизнинг ҳаммаси бу кунга йиғилиб қолғон экан-да.

Биригадир илжайиб олди:

– Максад си(з)ларнинг мусобақаларинг устуда эмас, – деди, – колхоз учун уста чопикчилар керак, мен буни ҳамма вақт айтиб келаман, тўғрусини айтганда Розиқ бу турғонларимизнинг ҳаммасидан ҳам зўр, бироқ чопикқа келганда малакаси оз. Агар шу каллаҳом чопикқа роса уста бўлса, бир кунда икки одамнинг ишини қиласерадир. Бу нима деган сўз? Агар чопикқа омилкор бўлғон Розиқ биз билан 20 кун иш қилса, ози тўрт гектар ерни ортиқ ишлаб мана шу турғонларни бир кун ишдан кутқорғон бўлиши устуга чопикни ҳам ўз вақтида бажаришка имконият берган бўлади.

Йигитлардан “тўғри-тўғри” деган тасдиклар эшигтилди.

– Ўзаро мусобақа керак, – деди давом этиб биригадир. – Шу билан бирга билган хунарларимизни бир-бирларимиздан яширишимиш яхши эмас, тўғри келган сайин бир-биримизга тажрибалаrimizni ўргатишимиш зарур.

– Қойил(ча)ман улугим! – деди Пўлағур кетмон(н)и тарсиллатиб, – ғаламиска адаб беринг, ғаламисқа.

Чопик давом қиласеради. Мусобақачилар кўбчиликни беш-олти одим орқада қолдириб илгариладилар. Қуёш бетини янгича оқ булат қопланғандек бўлиб ёруғлик лойқади ва тиқ эткан шамол юрмай нафас олиш анча қийинлашди, чопикчиларнинг манглайла-ридағи рўмоллари тер билан ҳўлланса ҳам ҳали сиқиб ташлай-турғон даражага стмаган эди. Сергўшт йигитларнинг яхтак елкаларида бир мунча тер нишонлари кўринди.

Ислом биригадир манглайига терилиб қолғон терни бармоги билан сидириб ташлағач, олди очиқ яхтагининг бир бари билан ўзини елпиди, иккинчи қўли билан кетмонга суюниб орқасига - ёнғоқ томонға қаради:

– Аваз ҳа-ай!!

– Ҳовв!

– Отларни пастка тушуриб, ўт босқон бедага боғла, қайтишингда ўша жойдағи кўргонлардан коса йигиб кел. Ҳозир самоваринг қайнағон бўлса, бир қумғон чой дамлаб келтир!

– Хўб.

– Бормисиз улуғ! – деди Пўлағур ҳаракатдан тўхтамағон ҳолатда, ҳалқумлар куриди-ку.

Мусобакачилар бошқаларни ўнлаб одим орқада қолдирдилар. Ҳар иккиси ҳам баравар бормокда, ора-сара Пўлағур бир-икки одим олдинласа ҳам, Бадал буни сезди дегунча бир чираниб етишмакда эди.

Пўлағур кутмаганда Бадал ишдан тўхтаб манглайидағи рўмолини ешиб бет ва гардан терларини артиб елпинди ва липпасидан носқовоғини чиқарап экан:

– Тўхта Каллахом нос отиб оламиз! – деди.

Вақтни ғанимат билган Пўлағур тўхтамади.

– Носинг нимаси, мен носни ташладим.... кўзинг тиндими! – деди.

– Қўйма, кўр! – деди орқадан аллаким.

– Қўймайман, бу кун Бадалингни ийифини чиқараман!

Вазиятнинг ёмонға айланишини билган Бадал қўлига олғон носқовоқдан нари-бери оғзиға тўқди-да кетмонига ёпишди. Бадалнинг шошиб қолғонлиғини орқадан кўриб турғон йигитлар қийқириқ урдилар.

– Бадални шоштирди! Бадални эсанкиратди!

– Бўш келма, Бадал! Савалай бер, Розик.

– Қийнаб ўлдираман, қийнаб! - деди Пўлағур.

Нима бўлса ҳам ҳалиги тўхталишда Пўлағур тўрт одим олдинлаб қолди, Бадал эса етиб олиш учун ҳамма ҳунарини сарф кила бошлади. Ҳозир ҳар иккиси ҳам буҳронли минутларни кечирадар эдилар. Буларнинг жон аччиғида кила ётғон ҳаракатларини ва чопик сифатларини кўздан кечириб турғон Ислом биригадир орқадан қичкирди.

— Сеплама(га) айланмангиз йигитлар! Сен, каллахом, бояги таълимни эсингдан чиқарма!

Пўлагур орқасиға қарамай жавоб берди:

— Таълимингиз тошқа битилган.

Кўмғонда чой келиши билан оғзидағи тупуғи қуриғон чопик-чилар чуғурчукдек қумғонға ёпищдилар. Ҳар ким пиёлани илгари тўлдиришга шошилди, бироқ мусобақачилар жойларидан кўзголмадилар.

— Сизлар ҳам чой ичиб олинг йигитлар, — деди Ислом биригадир.

Улардан жавоб бўлмади.

— Улар ҳали ёш, — деди кекса бир колхозчи, — уларға чойдан ҳам юз суви керак.

— Бу кун Бадал қизил салладан ажралади-ёв.

— Ажралмайди, — деди кечаги кун Бадалдан енгилган Соҳибтой, — Бадал чапдаст.

— Қанча чапдаст бўлса ҳам, бир ҳафтадан бери курашиб чарчагон, — деди кекса колхозчи, — беш қадам ўзидан ўтқаздими, бу энди бўлмайди, деган гап бўладир.

— Бадал чўзилиб қопти, кечаги дабдабаси йўқ.

— Кўринг, бизлардан хили қувроқ экан, Жалил, — деди ўткан кун Бадалдан енгилган Рахимберди, — бу итдан туккон кўр, Бадалнинг мазаси кеткан кунни чоғлаб беллашди-да!

— Мен сўзларинга қўшилолайман, — деди орқароқда чой ичиб ўлтиргон хондик⁹⁹ йигит, — хумсонгнинг илиги тўла.

Бир пиёладан чой ичиб сурнайни ҳўллагач, улар чопиққа тушдилар.

Бадал Пўлағурни қувлаб кетмақда, Пўлағур ўзига етказиш ўрнига бильякс ундан аста-секин узоқлашиб бормоқда эди. Бу кичкина муваффақият Пўлағурга қанчалиқ рух ва куч бағишиласа, Бадални ўшанчалиқ бўшаштириб руҳсизлантирмоқда эди. Ҳар иккиси ҳам обдон терлаб олдилар. Айниқса, Пўлағурнинг яхтаги сувфа солиб олғондек шалобба бўлди. Шалоб-шулип қилиб ҳалакит бера бошлиди.

— Ешсан қутуламанми! — деб ҳайкирди бир вақт Пўлағур ва яхтагини ешиб чопиљон пуштага иткитди. Иштонини липа уриб яна кетмонга ёпишди. Орқадагилар кулушдилар.

⁹⁹ Хондик – китобда “чандик” бўлиб келган.

- Офтоб уради, каллахом! – деди орқадан биригадир.
- Эй, мен бу кун офтоб билан ҳам гаплашаман.
- Бир оздан кейин энантини кўрсатадир, – деди аллаким.
- Икковинг келиб чой ич! – деди биригадир.

Бир оз жавобсиз чопиқни давом этдириб бордилар. Пўлағур чопиб борғон ҳолда орқасидагидан сўради:

- Ичамизми, шерик?
- Ичсанг,ичамиз.

Иккиси кетмонни баравар ташлаб пуштадаги кумғон ёнига келди. Пўлағур бир пиёлани Бадалга қўйуб, иккинчисини ўзига солар экан, “душманға” манглай остидан мўралади.

- Тобинг қалай, шерик?
- Яхши.
- Саллани уринтирмай тоширисанг дейман!
- Ҳали тоширишимга вақт бор.
- Анови кетмонларнинг бир-биридан туруш фарқига ҳам қараб қўй.
- Беш қадам нари-бери билан бир ерга бора олмайсан.
- Хўб, носингни ол бўлмаса.

Чойли пиёлаларини гўза кўлагасига қўйиб нос чекишидилар. Пўлағурнинг күёшда куйиб қорайғон елка ва бўйинларидан тўхтовсиз тер куйуб тураг эди, бўйун томири тез-тез ташқарини туртиб, бурун катаклари нафас олиб чиқорғонда сиқилиб, керилар эди. Бадалнинг чекка томирлари ўқлоғидек ташқарини туртуб, кўзи қон куйғон каби кизарғон эди.

Пўлағур носни туфлаб, кўлиға чойни олиб оғзини чайқади.

- Сен Бадал, иним, боя бир янглишдинг.
- Нега янглишдим?
- Иш пайтида нос чекиб янглишдинг, занталоқ носни чакканингдан кейин чўллатади, бир нарса ичмасанг кишини абкор киладир. Сен нос чакиб олғон кейин, мен арвоҳингта фотиҳа ўқиб қўйдим. Дарҳақиқат ҳар қанча урунсанг ҳам менга етиб келмадинг, қайтага борғон сайин судралдинг... Агар мен чой ичишкага кўнмасам, пуштада ўлиб қолғон бўлар эдинг... Сўкма-сўкма даюс, сенга ўҳшагон одам тарашлари кўр Розикни ахмокқа ҳисобласалар ҳам, лекин мен сенга ўҳшаш хом даюсга кирқ йил дарс бераман.

Иккови икки пиёладан чой ичиб олғунча эрмак учун “ширинширин” сўкушиб олдилар-да, яна кетмон билан олишиб кетдилар.

Тахтанинг боши бир юз элли метр чамаси бўлиб, янокка келиб битар ва янокдан эътиборан сойга тушкунча кўндаланг эгатли алоҳида тахта бошланар эди. Эгатнинг боши яқинлашкон сайин Бадалнинг кўзи Пўлагурнинг қаторига туша бошлади. Чунки Пўлагур Бадалдан тўқкуз одим чамаси илгарилаган эди.

Орадан яна беш дақика чамаси фурсат ўтиб, Пўлагур Бадални ўн одим чамаси орқада қолдириб ўз ҳиссасини битирди ва ҳеч нарсага қарамай ялонғоч слкасига кетмонни кўйиб, чопикларнинг энг четдаги қаторига юрди. Ёқимсиз қилиб:

“Савлатингта – ғайратингта қойилман”, деган яллани айтиб кўйди, гўё бу билан ўзининг муваффакиятига жар солғон эди. Колхозчилар илжайишиб олдилар.

– Каллаҳом бажо! – деди кекса колхозчи.

– Бажолигин айтишга ҳали вакт эрта, – деди биригадир.

Биригадирнинг бу сўзи маҳтов кутиб турғон Пўлагурға унча ёқмади:

– Етти ярим газлик соянгиз бу ёкка оқканда-а? – деди-да янги қатордан чопикни бошлай берди. Бу сўз билан бирдан ҳамма хоҳолаб юборди. Чунки Пўлагур “етти ярим газлик соя” деб биригадирнинг узун бўйидан киноя килғон эди.

– Оббо тўймағур, улуғни олди!

– Асло ҳам ёмон тишлади!

Бир неча вакт кулгу орқаси узулмай турди. Ислом биригадир ҳам қотиб кулар эди.

* * *

Пўлагур янги қаторни Бадалдан ўттуз одим илгари битириб, Юнус отанинг олдига келди. Манглайнин тантғиғон рўмолини ешиб устудан чеълакдаги сувдан кўйди, сикиб ташлағач манглайнин янгидан танғиб олди. Қозонидағи аста-секин қайнаб турғон ошқа узоқдан мўраляб “меникини серқатиқроқ қиласиз!” деди ва Бадал келаётқон қаторнинг ёнига, ўзининг бу кунги учунчи қаторига тушди.

Негадир ҳозир чопик(чи)лар орасидағи боя давом этиб турғон чоқ-чоқ ва борди-келди гаплар битиб, ўргани бир жимлик коплаб бормоқда эди. Мусабақачилардан бошқаларнинг кетмонлари ҳам суви озайғон абжувознинг пойқўпидек саланғлаб-саланғлаб ерга туша бошлади. Улар иккинчи қаторни битираёзғон пайтда бу са-

лангланиш яна бошқача тус олиб, баъзан юқори кўтарилган кетмонлар алжиб бир-бирларига тарақ-турук тўкуниб ҳам кетдилар. Кетмонлар тукушғондан кейин ўзаро ола-ғовурлар кулги ва гап бошланди.

– Мастмисан, – деди кетмони тўкунишқоннинг бири иккинчи сига.

– Маст эмасман, дўлда ҳеч гап қолмади.

Биригадир буларнинг сўзидан илжайди ва ўз якинида юрган Юнус отаға ҳайқирди:

– Буларни жанжалини эшитасизми??

– Эшитиб турибман, – деди ота тишсиз оғзини илжайтириб. – Ошнинг ўтини боя ўчурганман, бир оз совиса қатиклайман.

Ислом биригадир чопикчиларга ўзларини озфина тетик тутушка тавсия қилиб, “сув бўйигача” сал қолғонлигини айтиб ўтди.

Ўз қаторини битирганлар бирин-сирин ишдан чиқиб Юнус ота сув сепиб кийиз тўшаган жойға – ўрук тегига келиб ўлтира бошлидилар. Аваз уларга бир пиёладан кўк чой бериб турди.

Биригадир ҳам ўз қаторини битириб кетмонини пуштага юматладти. Елпина-елпина қозон устуга келди.

– Кечлик кулчатойнинг гўштини кўтариб қўйгонмисиз? – деб сўради отадан.

– Ҳа чеълакка солиб ўрукка осиб қўйдим.

– Кўпчиликка етар?

– Бемалол етадир, 25 қадок гўшт етмасинми? Биригадир қозон бошидан мусобақачилар қаторига борди. Пўлагур янги қаторнинг яримидан ҳам ўткан, Бадал эса ундан 20 метир чамаси орқада борар эди.

– Бас энди, ошқа чиқинглар.

Биригадир чопикчилар ёнида қўлини ювар экан, Пўлагурнинг бояғи пайрави эсига тушиб кетди.

– Каллахомнинг мендан аччиғланғони ҳам тўғри, бу кун Бадалнинг мазаси йўқ.

– Мазаси қочди, деб айтдим- ку.

– Энди ҳам мазаси қочмасинми, етти кундан бўён жон отиб келадир, – деди ёнбошлаб ётғон кекса колхозчи.

Мусобақачилар ҳам ишдан чиқдилар. Бадал қизил саллани бошидан олиб ўзини елпиб келар эди, орқада Пўлагур манглай рўмоли билан ялонғоч баданини артиб терини қурғатар эди.

– Ҳа Бадал, маза жүқпа! – деди Соҳибтой.

– Маза қочди, – деди Бадал бошини чайқаб.

“Душман”нинг ўз оғзидан чиққан “маза қочди” сўзи билан Пўллагур диринглаб юқори сакради ва айғирча кишинаб юборди. Колхозчилар қийқириб кулдилар.

– Оббо ҳаром қотқир-ай! – деди Рахимберди, – Бадални енгдингми?

– Бу ҳали ҳисоб эмас, – деди биригадир, – лоақал юз одим олдинламаса, мен ҳисобга олмайман.

– Хўб хўжайин, хўб, – деди Пўллагур, – кечки пайт колхознинг новча муфтиси (кулги) мендан икки юз одимни ҳисоблаб олсин, фақат ҳозир меним нонимни иккита, ошимни уч табоқ қилишға фатво берсангиз бас.

Аваз колхозчиларға биттадан нон улашиб чикиб биригадирга ҳам битта нон бериб ўтди. Навбат Пўллагурга етканда Аваз биригадирга қараб тўхтади.

– Тўймағурға иккита нон бер, Бадалга ҳам иккита, – деди биригадир.

Чопикчиларға бир тобоқдан ош берилди, тўрт кишига товоқ етишмаган эди, икки пиёласи бир товоқ ҳисобидан улар ҳам тинчи-тилдилар. Биринчи навбат ош ичилиб, иккинчи қайта ош сузилди. Лекин буниси биринчи товоқ каби тез бўшамади, чопикчилар манглай ва бўйинларидағи терларини артиб турушға қўбрек овора бўлдилар.

Пўллагур иккинчи товоқни бўшатиб нонни ҳам еб битирган эди.

– Фақирники уч товоқми, улуғ? – деб биригадирдан сўради.

Биригадирдан “ҳа” жавобини олғондан сўнг товоғини Авазга узатди:

– Жуда ҳам тўлдирма, буниси ўзи итлик!

Гурр этган кулги кўтарилиди.

– Шошма Аваз ўғлон, – деди Пўллагур, – жазни сал ортиғроқ ташла, домла Розик охунга десанг ўзи билади.

Чопикчиларға яна ярим товоқдан ош тегди. Ошдан кейин бир пиёладан чой ичиб, оғизни тозаладилар, ариқча ичида ўлтирумай чопикқа тушдилар. Чунки яна бир соат чамаси ишлангандан сўнг күёш тик кўтарилиб кун обдон кизғонда ҳаммалари ишдан чиқиб, бир ярим-икки соат чамаси ухлаб олар эдилар. Шунда улар тилаганча чой ичар эдилар.

Кечки ош түгристе Юнус ота билан Авазга баъзи таълимотларни бергандан сўнг биригадир ҳам чопикқа келди.

Қуёш қизигондан қизиб борадир, кўкдаги қушлар учущдан тўхтадилар, ғўза устуда учуб юрган оқ-сариқ капалаклар ғўза бағрига кириб яширинидилар, чумоли ва чигиткалар ҳам кесак ва ўт остига кириб ётадилар. Атроф оғир бир сукутга кетадир, аммо бу жимликни колхозчиларнинг кесакка тўқунғон кетмон товишлари бузиб турди. Қуёш тифи баданга ясмоқ ойнадан¹⁰⁰ ўткан каби жозиллаб тўқунадир, шамол йўқ, кетмоннинг кўтарилиб тушуш суръатидан ҳосил бўлғон шамол ҳам, иссиг бўғ бўлиб димоққа урадир. Айниқса ҳозир кўбрек буркий бошлиғон чанг, тоғлойни қақратиб чопикчиларни ўқчитадир. Йигитлар дамбадам тўхтлиб елпинадилар, манглайларидан фавқулодда куйиб турғон терни артиб рўмолларни сиқиб ташладилар. Этиклиларига унчалик сезилмаса ҳам, ялан оёқларига қизғин кесакда узоқ босиб туруш мумкин бўлмай қолади: тез-тез бир ўрундан иккинчи ўрунға сакрай бошлидилар.

Мусобақачилардан Пўлағур ўзининг учинчи қаторини битириб тўртингчини ҳам яримлатадир. Аммо Бадал учинчи қаторда битириш олдида турадир. Бошқалар учун учунчини битиришга ҳали анчагина бор.

Ҳамма ҳозир мўлжалли чопикни ҳам битириб олишдан бошқани ўйламайдир. Гапришишга ҳам тоқат йўқ, чунки оғиз елимланиб тупуклар қуриғон, тўғрисини айтканда, гап эшитиш ҳам кўнгилни бехузур қиласи. Мана шундай бухронли нозик бир вақтда, ҳеч ким кутмаган ва ўйламағон бир пайтда Пўлағур ашула килиб юбормасинми?

Шундай ҳаммани чор-ночор кулдириб “маттасўф” Пўлағур ҳамма товишни кўйиб оғзига тўтру келган “терма” байтлардан “ўнлар” эди.

“Қоплоғонинг сомонми хоним,

Чопикчилар омонми бегим”.

Узоқ кир ҳам Пўлағурни жавобсиз қолдирмайди:

“Чопикчилар оммонми бегим...”

Чопикчилар Пўлағурнинг намойишкорона ашулаларига илжайиб олсалар ҳам бу ҳақда ёнларидағи ўртоқлари билан фикр олишиб турмадилар. Чунки қуёш ҳозир золимона тўн кийиб колхоз болаларини мажбурий сукутка юборғон эди.

¹⁰⁰ Ясмоқ ойна – ясси ойна, линза маъносида.

Үз қаторларини битирған чопиқчилар сүзсизгина кетмөнләрини елкаларига қўйиб шилқиллагон ҳолда ёнғоқнинг салқинига жўнай бошладилар. Келиб кетмөнларини четка ташлағон самовар теварагидаги пиёлаларга совутилиб қўйилғон кўк чойни ичиб узун нафас олғоч, янги пиёланни тўлдириб Юнус ота томонидан ёзилиб қўйилғон бўз кўрпача ва ёстиқлари устига яслана бердилар.

Мусобақачилардан бошқалар ишдан чикиб бир-икки пиёладан чой ичиб олғонларидан сўнг нафаслар ростланиб оғизлар сувланди. Баданга жон киргандек бўлди. Орадан бир ярим сўз ҳам эшитилиб қолди.

– Сенлар ҳам ишни тўхтат! – деб бакирди мусобақачиларга биригадир.

Шуни кутиб турғондек Бадал кетмөнни эгатка юмалатиб ёнғоқ остиға қараб юрди. Аммо Пўлағур ҳануз ўзининг “макки-чакки” ашуласини айтиб, бориб етишка ўн одимча қолғон қаторни битириш учун интилмақда эди. Бадал бошидаги қизил саллани олиб Пўлағурнинг йўли устига ташлади.

Ислом биригадир йўл устуда Бадални бир пиёла ярим совитилғон кўк чой билан кутиб турмоқда эди. Кўк чойни Бадалга узатар экан: “Бали йигит, етти кунга чидадинг-а, ич чойни”, деб қаршилади. Ясланиб ётқон колхозчилар ҳам Бадалнинг етти кун ичидагуруваткан қаҳрамонлигини такдир этдилар.

– Яна уч кун чидайман, деган эдим, – деди Бадал терини қотириш учун ўзини елпиб ювунур экан.

– Одам фўлод эмас, ҳолбуки фўлод ҳам ейилади, – деди кекса колхозчи.

Бир оздан кейин қизил саллани бошига ўраб, яланғоч Пўлағур ҳам чиқиб келди. Яланғоч бадани мисдек куйиб, ёмғур каби оқаёт-қон тери иштонига оқиб тушмақда, иштон эса сувға солғондек терга бўйкан эди. Бунинг хозирғи кўринини ҳиндиларнинг ўлук ёқатурғон гўрговлари(ни) хотирлатмоқда эди.

Ислом биригадир Пўлағурни ҳам Бадал каби йўл устида ярим совуқ кўк чой билан қаршилади. Аммо қўлидағи кўк чой бу гал икки пиёлада эди. Булардан биринчи Пўлағурга тутди.

– Бу кун Бадални енгдик, бали йигит! – деди, – бироқ у етти кишини енгтандан сўнг енгилди, чунки Бадал чарчағон, енгилишга мажбур эди. Шунинг учун биз уни сендан енгилди деб айттолмаймиз. Башарти сен ҳам етти кишини енгсанг, Бадал билан тенглашибди.

кан бўласан, саккизини енгсанг-чи, Бадални енгтан бўласан... А, шундай эмасми, ўртоклар?

Ясланиб ётконлар бир оғиздан:

– Тўгри, шундай... – деб жавоб бердилар.

– Хўб, – деди Ислом биригадир ва Пўлағурни чойни ичишка буюруб ўзи қўлидағи бир пиёла чой билан бир-икки қадам олдинға юрди, – оғайнилар! – деди ясланғон колхозчилага хитобан, – биз хозирғи сингари ва бошқача мусобакалар билан колхозимизнинг бошқа биригадаларига қарагонда анча илгарида борамиз; бошқалар иккинчи чопикни бажариб турғонда биз учунчи чопиқни битириш арафасида турмиз. Бу нимадан? Бу албатта шунинг сингари мусобакаларимизнинг ҳамиша давом этканлигидандир. Ҳозир бизнинг кўб бўлса ўн кунлик чопиғимиз қолди, шу чопиқни бир кун илгарида битирсак, аввал бизнинг, сўнгра мамлакатимизнинг фойдасидир. Мана шу лоақал бир кун илгаррак битиришимизнинг биринчи шартларидан бўлғон орамиздағи мусобакани давом эт(т)ириши тилаган ўртоқ ўрнидан туриб келсин-да, меним кўлимдаги кўкчойни ичсин; бу кунмас эрта учун ўртоқ “каллақдор рўйиннатан” билан (кулги) қўл олишсин.

Биригадирнинг Фирдавсий таъбирича кеткан “каллақдор рўйиннатани” бошида қизил салласи, яланғоч тани, ҳўл иштони билан сўл кўлинни чап бициниға тираб, ўнг қўли билан бўш пиёлани ғоз ушлаб, ғилай кўзини кўкка қаратғон ҳолда олдинға томон беш-олти қадам бости, колхозчилар ўз ролини жойида адо қилғон Пўлағурнинг бу ҳаракатидан кулиб қотдилар. Кулги ораси анав кун Бадалдан енгилган Носир ўрнидан туриб келиб биригадирнинг кўлидаги совуқ чойни сумуриб ичди ва шу ҳолда устига “каллақдор рўйиннатан” етиб келиб қаддини юқори чўзиб гўё шер каби куркирагон товуш чикарди.

– Эртага мен билан панжалаша турғон сенми?

Носир ҳам куркураб жавоб қайтарди:

– Мен! Номим Носир сайёр Тошкентий!

Яна кулги кўтарилиб серкулгуларнинг кўзларига ёшлар чиқди.

Икки соатгина вақтға колхоз болаларини ишдан қочирғон куёш ўт тўнини кийиб ер юзига олов пуфлади. Ғўза устлари оқ тутунли кўринишга кириб барглари ҳам този итнинг қулогидек шалтаядир. Узок-узоқда боя кўкариб кўринган ғўзалар, ҳозир оқ туманга бурканиб кўз илғамай турғон ҳолга келадирлар. Оқ туманинг устроқ-

лари куйидан ўт ёккондек яллуг берадирлар. Негадир ёнгок ларах-тининг танасида, атрофлаб сув сизиб туша бошлади. Тартибсиз ҳолда чўзилиб ухлагон колхозчиларнинг ҳам чеккаларидан сув сизадир... Атроф жимжит. Ўттиз-қирқ қадам наридаги кичкина чакалак ичидаги йигитларнинг уйкусига ҳалал бермасликка тиришғон Юнус ота шитирлатмасданғина чўпчак териб юрийди.

Битди.

Абдулла Қодирий. Тошкент. 20 ичи июл 1932 й.

*Нашрга тайёрловчи
Баҳодир КАРИМОВ*

ЧЎЛПОН

МЕРОС*
(Хикоя)

Неча йилдан бери пионер бўлиб лагерларга чиқиб келган, осон тилда унча-мунча сиёсий лекциялар эшитиб, ўзи ҳам пионер газеталари ва китобчаларини ўқиб туратурган Ҳожар отасининг мунча ўжарлик килишини англаётмайди. Баъзи-баъзида қизил бўйинбогисини, худди кизлар сочидаи, икки қўли билан “ўриб” ўйнаркан, копқора ва ўйнаб турган кўзларини кенг-кенг очиб, қари отасига қарайди-да, дейди:

– Колхозга кириб қўяқолсанг нимайди? Мехнатингга яраша ҳақ олиб, колхоз далаларини гуллатиб ётардинг...

Чол ҳавонинг иссиқ кунларида совук сувли айронга бодринг тўгратиб, шуни non билан ичаркан, кичкинагина оғзидағи кемтик тишларини кўрсатиб кулар ва:

– Сен, жўжа, товуққа ақл ўргатмасанг-чи. Билагимнинг кучи билан, худо қўйса, колхозга кирмай ҳам сизларни тўйғазаман! – деб қўярди.

Чинакам, Мақсадоттаги ўжарлигини синдириш кичкина жўжанинг эмас, катта-катта товуқ ва хўрзозларнинг ҳам қўлидан келмас эди.

* Майдада хикоялар конкурси муносабати билан ёзилган (*газета таҳририяти изоҳи*). “Қизил Ўзбекистон” газетасининг 1935 йил 24 июль сонида босилган.

Чинакам, Максуд ота бошқа ҳаммага ўрнак бўлатурган даражада яхши ишлар; ерни гўнглаш, ҳайдаш, тупрогини майдалаш, чигит тикиш, сугориш, яганалаш, хосилни хўп етилтириб, ундан кейин териб олиш устида қанча куч сарф қилса, шунча эпчилик ҳам кўрсатарди. Шу учун колхоздаги йигитлар, ҳатто ўзи тенглик чоллар ҳам уни ўз ораларига олиш йўлида унга гап ейдиришга ҳаракат қилдилар. Уларга ҳам Максуд бош тебратиш билан жавоб килар ҳам:

– Шўро ҳукумати колхозга зўр бергани билан якка хўжаликни ҳам ерга уриб ташлагани йўқ. Ҳалол ишласа, якка хўжаям тўк бўлаверади! – дерди.

Бўлмади. Нихоят, бир кун чол йиқилди. Белгисиз ва оғир бир касал уни, хайрият, хирмонларини йиғишириб олганидан кейин, кўрпага ағанатиб, оғир таваккал ва мардлик билан бўлса-да, ўнташиб кўйди.

Уйда вақтида, аксари, кичкина, кора қўллари билан ўз отасининг узун ва қотма оёқларини, кичкина ва серажин пешонали бошини үқаларкан, Ҳожар кора қўзлари билан энди мунгли-мунгли отасига қараб, яна ўша гапни киларди:

– Билагингдаги кучга ишониб колхозга кирмай келардинг. Хўп, майли. Ахир, майли, мана мунақа касал бўлиш бор. Ўзинг ҳам кариб келаяпсан... Билагингдаги куч ҳадеб бир хилда тура берадими?

Чол эса ўнтош нидолари билан бирга ҳамон ўша ўжарлик гапини қиларди.

Бир кун Ҳожар чидаёлмади. Отасини яна ўша хилда үқалаб туриб, қўзига ёш олиб юборди. Чол буни кўрди. Аввал дард зўри билан сал-пал титраб, учиб турган лабларини бир озгина ё тушшиб, ундан кейин оталарга хос бир муҳаббат билан мулоийим қилиб деди:

– Эрта-индин “ё обло!” деб туриб кетаман, худо хоҳласа! Кўз ёши килганингга арзийдими, қизим?

Ҳожар хўрсинишдан тўлиб турган овози билан бўлиб-бўлиб жавоб қилди:

– Илоҳим... тузалиб кетгин... Тузалиб кетасан... Тузалиб кетгину... ишқилиб... Яна касал бўлиш бор... Ўлиш бор...

Хўрсинишдан овози бўғига тикилиб, у ёгини айттолмасдан тўхтади. Кўзидаги марварид доналари, тегирмон дўлидан тушаёт-

ган буғдой тұғалоқлари сингари, бир-бир кетин чизилишиб тушардилар. Чол ҳам ҳорғин күзларига ёш олиб юборди.

– Күй, қизим, йиғлама... Йиғлама.

– Йиғламай нима қиласай? Бөшимиңда үлім бор... Жүжабирдай жонмиз... Ойим ҳам қариб, дармондан кетиб қолди. Ош-сувга яраб турипти... Ҳаммамиз ёш жүжалар бўлсак... Ким топиб-тутиб келтиради?

Чол ёнида турган каттакон қора катақ рўмолни Ҳожарга узатди:

– Ма, кўзингни арт. Йиғлама...

Сўнгра рўмолнинг бир учи билан кўзини артаётган қизига енгил бир кулимсираш билан қаради-да, бурунги сўзига илова килди:

– Йиғлама, қизим. Сермалиб ўрнимдан турган куним “Хулкар юлдуз” колхозига ариза бераман. Йиғлама!

* * *

Ҳожарни севинтирган бу ният, афсуски, ниятдан нарига ўтмади. Чолнинг колхозга кирмаслик тўғрисидаги ўжар фикрини кўз ёшлари билан енгтан Ҳожар отасининг дин хурофотларига қул бўлишдан келган қайсараганини енга олмади. Дарди кундан-кунга зўрайгани ҳолда, чол доктор келтиришга сира унамас, аллақайдаги саводсиз ва ифлос табибларнинг гумонлик гапларини капатарди. Ҳожарнинг кўз ёшлари бурунгидан неча баравар кўп тўкилди. Лекин диндор отанинг бу коронғи даргоҳига доктор оёғи етмасдан, Максуд чол “ёсин” ўқиб турган кекса имомнинг ёқимсиз қироати остида жон берди...

Кеч куз фасли эди. Куз шамоли ер бетини тўлдириб ётган ҳазонларни даст кўтариб, пирпиратиб ўйнарди. У баргларнинг шитирлаган заиф овозларига Ҳожарнинг дармонсиз ва болаларча қалтираган товуши қўшилди.

Чолнинг ўлигини бутун колхозчилар ўртага олишиб, кўтаришар экан, ўлик кетидан чопқиллаб кетаётган Ҳожар отасининг шундай яхши одамлардан четда қолиб ўлганини ўйлар, яна баттар куйинарди...

Ҳожар айтган оғир кунлар энди келди. Бечора кампир уч ёш болани тўйғазолмасдан энтикарди. Кампирга колхозда енгилгина иш бердилар. Бу – мурувватдан келган нарсайди. Кўпрак умри бо-

лаларни тўйғазишга сарф бўлгани учун, кампир у ишига ҳам тузук-курук қатнай олмас эди. Олис бир районда ҳали янгигина тузилган бу колхозда бола боғчаси, ясла ва бошқа шу сингари муассасалар йўлга қўйилмаганлар; колхоздан ташқарига эмас, ўз аъзоларига мурувват қилишга ҳам колхознинг кучи камлик қиласади.

Ҳожар ўзи ҳам ўз ёшига муносиб ишлар топиб, ҳалитдан меҳнат қилатурган бўлди. Бу иккала “ярим-ёрти”нинг ишлаб топгани бутун беш оғизни етарлик даражада тўйғазишга кифоя қиласади. Ҳолбуки... Кичкина Ҳожарнинг каттакон умидлари бор. Нималарни ўйламайди бу – бир сиким вужуд? Унииг жиндаккина миясида қандай зўр хаёллар қанот қокмайди?

Содик аканинг катта ўғли Ҳидоят Тошкентда ўқийди. Тунов кун Аблулла чўлокнинг ўғли пионер Шодмонга бир хат жўнатибди. Хат ичидаги учта сурат бор экан.. Пионерлар Шодмонни дарров ўргатга олишиб. Овоз чиқариб ўқидилар. Ҳожар бутун аъзойи бадани дуркираб туриб эшилти. У томонларда шамсия тутиб осмондан ерга уча турган оламлар бўлар экан. Уларни шўро хукумати тилида “парашутчи” дер экан. “Парпи сутчи” дегандай... шамсиядан қанот тақиб қушдай уча турган одамга қиз бўлсанг! Ё аканг бўлса – ўшалардан бири! Ҳожар ҳалиги хатни эшишиб туриб, ичига сиғмай кетганлигидан, бирданига овоз солиб қақир-қуқир кулиб юборган эди... Эгамберди пучукнинг ана у юзи қора ўғли Аблулла кўпчилик олдида қиз бечорани уялтириб, ёмон тегишибди: “Ҳожархонни ўшанақа парашутчига берсанг!..”

Ҳожар кочиб кетди у ердан!

Үйга боргандан кейин хўрсиниб, тоза йиглади. Укалари катта бўлгунча у энди қишлоғидан кетолмайди. Ўқиш қаёқда? Болаларга ким қарайди? Кампир кундан-кун дармондан кетаётиди...

Максуд чолнинг иморатлари дурустгина бўлганидан у жойни колхоз олиб, аллақандай бир идора эса [ўша ерда] тур[ади]ган бўлди. Ҳожарлар оиласига кичкина бир жой бердилар. Устига бир оз пул, ун, гуруч ва бошқа озиқ-овқат қўшдилар. Хайрият, у ҳам беш-тўрт ой етиб берди. Тўрт-беш ой; ундан кейин яна қийинлик бошланди.

Ҳожарнинг ёш умри шу билан ишлаб-ишлаб ҳазон бўларми-кан? Осмонда учиш тутул, Тошкентдаги катта-катта мактаб тутул, шаҳардаги мундайроқ мактабларга ҳам кетолмасмикан Ҳожар? Ёмон алам қиласади! Ёмон!

Йиғлайди Ҳожар. “Пионер йиғламасин”, деган бўлса ҳам, бирорвга кўрсатмасдан, яшириниб-яшириниб, аччик-аччиқ йиғлайди қиз бечора.

* * *

Катта ҳовлидан кичик ҳовлига кўчаркан, бутун кўчни кампир билан Ҳожар ўзи ташиди. Кичкина укалари ҳам енгилроқ нарсаларни ташиб беришди.

Кампир сўзланди:

– Яхши жойни олиб, ёмонни берган колхозинг битта-яримта одам берса бўлмасмиди?

Кичкина қиз катта онага насиҳат қилди:

– Койима, ойи. Майли, бир иш қилиб ўзимиз ташиб олармиз.

Шу топла айни иш вакти. Ҳамма талада. Қўлидан иш келатургандар ҳаммаси колхоз таласида. Бу йил колхозимиз олдинга чиқмоқчи. Чиқади, чиқади, албатта, ойи! Кўрасан яқинда, кўрасан, мана!

Ўша куни кун ботиб, қоронги тушганда она-бала зўрга кўчиб бўлдилар. Камбағал одамнинг қоқланиб қолган рўзгорида нима борийдики, мунча узоқ ташисинлар? Ҳамма шундай дейди! Бунга Ҳожарнинг аччиғи келади, куйинади. “Йўқман, десанг, кўчиб кўр! - деган гап бор. Ундан кейин у ҳовли билан бу ҳовлининг ораси анча олис. Шунча ерга икки нимжон нарса озгина рўзгорни ташиб олгунча ҳам кийналмайдими? Кичик ҳовлини тозалаш, супириш-сидиришларни айтмайдими? Осонми?

Эртаси куни эрта билан кампир Ҳожарни катта ҳовлига юборди.

– Бир бориб, у ёқ-бу ёқни қара, ҳеч нарса йўқмикан? Тағин бирон нарса қолиб кетган бўлмасин.

Ҳожар борганда колхоз одамлари ҳовлини тозалаб турган эди. Улардан биттаси:

– Ҳой, Ҳожар, ўйнай турган суратларинг қолиб кетибди. Ма, ол, ўзинг ўйнамасанг, укаларинг ўйнар, – деди.

Бир газетага ўралган сурат қоғозларни берди.

Ҳожар суюнди. Кичкина уйга бу суратларни хамир билан ёпиштириб кўйса, колхоз идорасига ўхшаб кетади. Бирор жойдан Охунбобоев билан Тельманнинг суратини топса, жуда ҳам зўр бўлади. Шундай ширин хаёллар билан Ҳожар, онасининг уришганига қарамасдан, ҳамма суратлик ва нақшлик қоғозларни ўйнинг

бир токчасига ёпишириб чиқди. Онаси кампир яна сўзланди. “Намоз ўқиб бўлмайди”, – деди. Ҳожар эса орқага тисарилиб – кўлинин дурбин қилиб – қайта-қайта қаради, суюнди. “Намози нимаси?” деди аввал. Онаси қаттиқ уришиб бергандан кейин паст тушди:

– Хайр, майли, ой! Сиз кекса одамсиз. Намоз ўқийман, дессангиз – ўз ихтиёргиз. Майли, ойи. Суратга тескари қараб ўқий беринг намозингизни!

* * *

Бошда сағир уқаларини боқишида кекса онасига ёрдамлашмак учун колхознинг майда-чуйда ишларини қилиб турган Ҳожар, кейинча, колхоз ишларига астойдил киришиб кетганини ўзи ҳам сезмай қолди. Болаларнинг тарбияси билан шуғулланатурган район уюшмалари буни вақтида пайқадилар. Шу билан уч колхознинг бир марказга уюшган болаларига Ҳожар Мақсад қизи бошлиқ бўлди. Энди уни район марказида ва бошқа колхозларда тез-тез кўратурган бўлдилар.

“Хулкар юлдуз” колхозига бир кун район маорифидан бир қоғоз келди. Бу, Тошкентдаги бир мактабга олдинги колхоз учун берилган ўрин эди. Колхоз болалари ўзлари идорага келишиб, Ҳожарнинг юборилишини сўрадилар.

Ҳожар йўлланмаларни олиб, Тошкентга жўнади. Колхоз пионерлари ўз раҳбарларини жуда иссик кузатдилар. Колхоз Ҳожарнинг онасини ўз қаторига олган; яна ўша уч колхознинг болалар ясласига бола қаровчи қилиб кўйган эди.

Ҳожарнинг кўнгли тўқ, ўқишилари яхши боради. Ўқишида ола турган даражаларидан ўқитувчилари ҳам хурсанд, ўзи ҳам хурсанд.

У ўзи докторликка ўқийди. Дарсини яхши билиб, муваффақият қозонган вақтида раҳматлик отасини ўйлади. Кўз олдига табиблар, домлалар, “ёсин”лар келади. Бу нарса унинг ғайратини беш баттар оширади.

Қиши ўртасида Тошкентта, Ҳожарникига меҳмонлар келишди. Улар – унинг онаси, колхоздан бир ёш йигит ва Ҳожарнинг энг кичик укаси Султон эди.

Бурунгига қараганда анча яшариб кетгани кулимсировчи юзларидан кўриниб турган кампир ётоқхона кизларини теграсига тўплаб, конфет билан чой ичаркан, бу қиши сафарининг сабабларни англатади:

– Бу кизи тушмагур уйимизнинг ичини суратларга тўлғозисб юборган. Газеталардаги суратларни кесиб олиб, уйнинг тўрт томонига ёпиштириб ташлаган. Намозимни қиши кунлари ҳам айвонга чиқиб ўқийман, айланайлар!.. Бир кун иккита ёш-ёш қиз билан бир катта киши қўлларида дафтарлар, қалам-қоғозлар билан кириб келса, кўркиб кетибман. “Чол раҳматликнинг қарзи-марзи бўлса, рўзгорни хатлагани келдими, худо уриб!” дебман. Кейин билсам, улар заём суриштириб юрган кишилар экан. “Менда заём нима қилсин?. Мен бир тул кампир бўлсан?” – дедим. “У ёқ-бу ёқни қаранг, чолингиздан қолган битта-яримта заём бордир”, – дейишиди. Аччиғим келди. “Заём йўқ, – деб қичкирдим. – Ишонмасанглар, ўзинглар қаранглар!” Киз ўлгурларнинг бири секингина уйга кириб, токчадаги косалар, чиннилар, лаганларнинг ичини ахтара бошлади. Унинг кетидан яна биттаси кирди. Бунисининг кўзи доволдаги суратга тушиб: “Ана, заём”, деб қичкирмасинми? Бу киз ўлмагур ҳукуматнинг заём қоғозини доволга ёпиштириб кўйипти! Дафтарларини қарашди, доволдаги суратларни қарашди: хўп қарашгаңдан кейин ҳаммалари бирдан: “Ютуқ бор экан!” деб бакиришиди. Мен ютуқни қайдан билай? Қўлимга беш юз сўмга яқин пул текканидан кейин, ана у Усмоналини колхоздан сўраб, олис бу ёққа томон йўл солдим. Мунақа гаплар бор экан дунёдаю! Мунақа юртлар бор экану! Мунча одам кўп экан-еј ер юзида! Дунёнинг кети мунча ҳам кенг экан, айланайлар!

Юнус ЛАТИФ

ЯНГИ МЕҲМОН¹ (Оқ шеър)

Меҳрим товланди лола-садафдай
Куёш уфқда кизариб, деди:
– Муборак бўлсин бўрсикдай ўғил!

Жавоб беролмай, тутилиб қолдим,
Кулоқ қизариб, чўгланди юзлар.
Оғиз танобин йиғолмам асло!

¹ “Ўзбекистон” (1939) альманахида “Фарзанд шеърлари “ туркумидаги 1-шер сифатида босилган.

Кўзим – бир дентиз, киприклар – ниҳол.
Унда куйлайди Севинч номли куш.
Булбуллар хайрон – ип ешолмайди.

Кўрган ошнолар табрик қилади,
Шунинг ўзи ҳам гашт бўлар экан.
Икки юракнинг жавҳари, яшна!

Бахтиёр бўлди дўндуқчага нам,
Юзи ширмойни шарманда қилас.
Кўзлар - туну кун ёнар жуфт юлдуз.

Ҳазиллашаман: “Кампиржон”, – дейман,
Ўртоғим хурсанд, терига сиғмас.
– Она ватанга совғамиз, дейди.

Ёқимли кайфни суришдик иков,
Юрдик қўлтиқлашиб, қайикқа тушдик,
Рақс майдонида шўх-кўх ўйнадик.
Севган, севишганлар кушдай учдилар,
Рақс лаззатига асло тўймадик.

ШАРОФАТ¹

Бу қиз – фабрик қизи, мен билан юрган,
Қомати шамшоддай, кўзлари шаҳло.
Ўзи очиқ кўнгил, ёқимли, дилкаш,
Заррача кири йўқ кўнглида асло.

Стахановчи ўзи ва комсомолка,
Фабрикда обрўйи жуда ҳам баланд.
“Севикли Шарофат!” дейдилар уни,
Ундан ёшу қари – ҳаммаси хурсанд.

¹ “Ўзбекистон” альманахида “Фарзанд шеърлари” туркумидаги 2-шеръ сифатида босилган. Шеърга “Шарофат” сардавхаси қўйилмаган.

Үзим машинистман, стахановчиман,
Минг километрлар ётар изимда.
Бу йўлларни асло писанд қилмайман,
Дев кадам-ла ўтаман паровозимда.

Баъзан узоқ ерга жўнаб кетаман
Кишинатиб азамат паровозимни.
Бир неча кунгача қайта олмайман,
Ортиқ соғинаман шунда қўзимни.

Лекин устимдаги ватаним иши
Зўр келар севгимдан, Шарофатимдан.
Ишимга берилиб кетаман каттиқ,
Бироқ чиқармайман уни ёдимдан.

Биримиз биримизга жуда лойиқмиз,
Биримиз биримизга жуда ҳам монанд.
Мен уни севаман, ундан хурсандман,
У ҳам мени севар ва мендан хурсанд.

Шу юрган кўлимиз қурилар чоғда
Иккимиз келганмиз шанбалик учун.
Кетмон урилганда, окқанда терлар,
Еллаб елпиганди оҳиста қучиб.

Баъзи кунлар келиб дам олишамиз
Ўзимиз ишлашган каттакон кўлда.
Томирга йигамиз янги куч-кувват,
Илҳом тошқиндари кўпирав дилда.

Бирга турмуш куриб яйрамоқчимиз
Икки ошиқ-маъшуқ, икки вафодор.
Иккимиз курашчан, иккимиз донгдор,
Иккимиз шод насл, кўнглимиз баҳор.

УКАМНИНГ ҲИКОЯСИ¹

(Кўклам қўшиқлари)

Кўзларимни шўхлантириди шафтоли гули,
Қизгиш бўлиб товланади куёш нурида.
Капалаклар қув учади, қайга чопади?
Шафтолига тетиб ўтар баҳор еллари.

Осмон тиник, губор йўқдир шишаранг кўкли,
Арикларда лим-лим оқар баҳор сувлари.
Кўкат дала атрофида ўрик, олмазор.
Бу, колхознинг ерлариридир жуда ҳам асил.
Ҳалол меҳнат бу ерларда олтин беради,
Ҳикояни эшит, тингла, тенгдош ёш насл.
- Капалаклар кетидан биз югуриб қолдик,
Чап беради, ўйнашади, жуда учағон.
От бошига қўниб олиб кутади бизни,
Ҳали етмай, қанот қоқар жуда ғам чақкон.

Кечагина ёғиб ўтган оппок қор ётар
Чакалаклар ичидаги чуқурликларда.
Кўклам ҳосил булогидир, фурсат ғанимат!
Меҳнат қилур колхозчилар олтин тупроқда.
“Қор ёғди” деб баҳонани билмайди улар,
Ерни факат одамгина тараб-ювади.
Опа-сингил мөхрибонлар чигит экади.
Ботар куёш сочиб қизил ёллуғларини.

Баҳор таққан толга кўркам соч попукларин.
Йироқларда булбул сайрап, жуда ёқимли.
Хеч тўймаймиз айта-айта ҳаёт қўшиғин.
Дам олардик кенг табиат, баҳор кўйнида.
Кўзимизда гўзал ёшлиқ нури порлайди,
Айт-чи, ўртоқ, қачон шундай бола баҳтиёр –
Бўлган эди – буни асло тарих билмайди!

¹ Шеър Юнус Латифнинг “Салом, мөхрибон” (1939) шеърлар тўпламида босиллган.

Эрта-индин синовлардан биз ҳам ўтажак,
Қимматдир минутимиз баҳор фаслидай.
Үрнак бўлур колхоздаги акалар иши,
Қимматлидир минутимиз баҳор фаслидай.

M.XASAN

ГАП ҚОРАЛИҒИМИЗДА ЭКАН... (Ҳикоя)

I

Сотиболди оқсоқол, бир оз тўхталиб турди-да, айланасида ўлтурғон дехқонларни синағондек кўзидан бир кечириб, сўзини давом этди:

– Энди яна бир сизга айтадурғон сўзимиз бор. Мажлис шунинг билан соп бўладир. Сўзимиз шул: кеча ўзингизга маълум, шахардан комиссиялар келди... солиқ юзасидан... бизга қизил аскар учун бир яrim минг сўм солиқ солиб кетищдилар...

Оқсоқолнинг “солиқ” – “бир яrim минг” деган сўzlари – қовжираб турғон пичангага гугурт чоқиб тошлоғондек бўлди.

- Ҳа, нима гап тағин? Қанақа солиқ яна?..
- Монда- пондалар¹⁰¹ билан тўлаб кутулғон этик-ку!
- Бу йил солиқ бигта бўлди, деган гап қаёқда колди?
- Тинчиймизми, йўқми?
- Тўламаймиз биз, тўлай олмаймиз!..
- Ариза берамиз, тўлай олмаймиз! Майли, отиб юборсин ҳаммамизни ...

Мажлис – мажлис эмас, от бозор бўлиб кетди... Товуш – тўполон... Ҳар ким ўзининг жаҳлини, ўзининг койиганингини, ўзининг дардини билдирамакчи.. Тартиб битди. Факат 5-10 та қорни коппайғонларғина жойларидан қимириламасдан, оғизларидан сўз чикормасдан ўлтира бердилар.

Сотиболдининг бир бакириши ҳаммани тинчиди. Ул ҳалкка қараб, жаҳл, заҳар билан қичқирди:

¹⁰¹ Солиқтарни пул йўклигидан турли маҳсулотлар ва бүмлар билан тўланганлиги назарда тутилган бўлса керак.

— Дам бўласизми, йўқми? Бу ер бозор эмас!.. Қани, ким соликни тўламайман, деди? Ким хукуматка хиёнат килмоқчи? Олдинга чиқсан!..

Бу сўзлар мажлисдагиларни жуда ҳам эзди.

Товушлар сусайди:

— Биз хиёнат қиласиз, демаймиз. Лекин жуда ҳам жабр бўлиб кетди-да, Сотиболди ака!

— Кондай қиласиз, охир... овқат-повқотимизга ҳам ҳеч нима қолмади...

— Жуда ҳам қийналди...

Олим чўтири дегани ўргага чикиб:

— Шаҳарга биронни юбориш керак. Ариза бериш керак. Балким бу ошиқча соликни бир оз камайтиарлар... – деди.

Сотиболди ўрнидан турди:

— Овахтада ётгиси келгон, қамаламан деган киши город¹⁰²ка борсин... Қамалишин ё иштирафни хоҳламагон киши З кун мухлатда олиб келиб ўзига тушганини топширсинг... Бўлмаса мендан хафа бўлишмасинлар. Махалла катталари пулни халқ ўртасида таҳсим қилинлар. Мажлис тамом бўлди, омин, Оллоҳу акбар! – деди-да уйига қараб жўнади.

Ул кетгандан кейин деҳқонлар жуда узок вакт қичкиришиб-қичкиришиб ўзаро гаплашдилар. Ҳар хил маслаҳатларни қилиб кўрдилар. Лекин кўркоқ юраклик, кора деҳқоннинг қўлидан нима келар эди? Энг охир тўлаб кутулғонимиз яхши, деган қарорга келишдилар. Бир ярим мингни исполкум¹⁰³ саркотиби билан маҳалла катталари уй бошига баробар таҳсим қилдилар. Яланғочда 510 тача уй бор эди. “Ҳисоб тўғри бўлсин”, деб ҳар уйга З сўмдан солдилар.

Чўнтаги кенгроклар – ха, энди, сандуққа тахлаб кўйғон пуллардан яна уч сўмни чиқарар эканмиз, деб; камбағалраклар – бу уч сўмни тўлаш учун нимани сотса бўлар экан, деб қайтиб кетишдилар.

II

Ҳамма тишини тишига қўйиб бўлса-да, шу уч сўмни тўлай ва кутулай деган хаёл билан кетди. Лекин Олимжоннинг бошидағи ўй бошка эди. 8 жон оиласига уч таноб ҳам ери йўқ, бориб турғон

¹⁰² Год – шахар.

¹⁰³ Исполком – ижроия кўмитаси

қамбағал Олимжон учун бу уч сўм – катта гап-ку... Лекин Олимжон у уч сўмни ўйламас эди... Олимжон уч сўм тўғрисида эмас, уч йиллик жабр ва хиёнатлар тўғрисида, Сотиболди оқсоқолнинг уч йил исполкум бўлиб келган вақтидағи ҳангамалар тўғрисида ўйлар эди. Энг катта ҳовли, 60 таноб ер, катта бир бօғ, неча кўш ҳўқиз, неча от-сигирга эга бўлғон Сотиболди оқсоқол 3 йил ичидай кондай киликларни қилмади?!

Қишлоқдағи кўйлаги йўқ, иштони йиртикларни қайси бири ундан ранжимай қолди? Ҳеч бўлмағонда бир-икки товуқ, беш-үнта тухум пора олиш учун қанчалаб кишиларни хала жой ёнидағи ҳужрасига бекордан-бекор қамаб кўймади? Нечталаб дехқонларни, ўз ерларини ташлатдириб, зўрлаб ўзида ишлатмади? Қанча жамоат пулини емади. Қанча пора бера олмағон дехқон хотинларнинг но-муслариға тегмади?.. Уч йил илгари кўзга кўринарлик ҳеч балоси бўлмағон Сотиболди ҳозирғи давлатини ўша йиртиқ чопонларнинг конлари, терлари, кўз ёшлари билан ортдирмадими?

Эххе, Сотиболди бойбаччанинг қилғон хақсизликларини, қилғон қиликларини сўзлаш учун бир катта китоб керак!

Бу кунги бир ярим минг сўмни солик, деб ўйлайсизми? Янглишасиз, солик деб ўйласангиз. Ҳукумат бултурдан бўён дехқонлардан фақат бир хилгина солик оладурғон бўлди. Буни Яланочда иштонсиз болалар ҳам жуда яхши биладир.

Агар бу бир ярим минг сўмнинг қондай пул эканини билгингиз келса, секин бирор қамбағалрок дехқоннинг уйига борингиз. Унда кечкурун, чой олдида шибрлашиб сўзлашган сўзларга қулоқ солингиз: сиз, унда Сотиболдининг бултур соликини икки баробар ортиқча тўплағонини, унинг ҳам ҳукуматга тегишилик қисмини тўла олиб бориб топширмасдан, шу пулларга икки йўрга от, бир яхши иморат солғонини эшитарсиз... Кеча келган комиссияларнинг шу бултурғи соликини тафтиш қилиш учун келганини, Сотиболдининг уларни қандай меҳмон қилғонини, бир каттаконига ҳалқ ўртасидан бир ярим минг сўм пул тўплаб бераман, деб тафтиш текширишдан кутилиб, иши бир ёғлиқ бўлғонини биларсиз.

Хайрон қолмангиз. Сочларингиз тикка турмасин.

Эй ха! Шуям гапми? Агар Сотиболдининг бошқа қиликларини ҳам эшитсангиз, бу бир ярим минг сўм тую олдидағи пашшадек бўлиб қоладир.

Лекин... бу гагларни сиз фақат камбагалроқ дәхқонларнинг уйларида, кечқурун чой олдида у ёқ бу ёққа қараб, шибирлашиб сўзлашган вактлардағина эшига оларсиз.

Ялангочда бу тўғрида қичқириб сўзлашга ҳеч кимда журъат йўк.

Ҳеч ким бу ҳақсизликлар тўғрисида гузарга чиқиб, халқ олдида сўзлай олмайдир. Ҳар кимнинг жони ўзига ширин... Шаҳар узоқ, шаҳар додингни эшиitmайдир. Шаҳар дехқоннинг ҳолини билмайдир.

Экишкага уруғи етмаса, ейишкага нони бўлмаса, дехқон кимга борадир? Албатта, Исҳоқ бойға, Зокир домлаға, Мирсоат акага ва бошқа шунга ўхшаш бадавлат кишиларнинг эшигига... Бирни иккимен уч килиб олиш шарти билан бўлса ҳам, насияга буғдой, пул бериб юрган Исҳоқ бойларға, Зокир домлаларға, Мирсоат акаларга қарши бир сўз айтиб бўладирми? Йўқ, албатта, йўқ. Маҳалла катталарига, домлаға қарши бир сўз айтиб бўладирми?..

Шу Исҳоқ бойлар, Зокир домлалар, Мирсоат акалар бундан уч йил илгари Сотиболдини исполкумга кўйишидилар. Ким бунга қарши бўлолади? Ҳеч ким. Сотиболдиға қарши бўлиш, ҳалиги Исҳоқ бойларға, Зокир домлаларға қарши бўлиш билан бир эмасми? Уларга ким қарши бўла олсин? Давлат уларда, куч уларда. Ялангочда бўлса на фирмә, на кўшчи, на капитатиф... ҳеч бало йўқ, Сотиболди бу тўғрида яхши ишлайдир, ўзига мансаб олиб берган Исҳоқ бойларнинг манфаатига тегадургон ҳеч бир нарсага йўл кўймайдир.

Шунинг учун Сотиболди Ялангочнинг подшоҳи, Ялангочнинг худоси...

III

Олимжон шуларнинг ҳаммасини ўйлади.

Уч йил давомида ўзининг халқдан бармоқ бостириб, шаҳарга неча марта ариза олиб борғонлигини, Сотиболдининг бу тўғрида хабари бўлиб, уни ҳамма вақт сикиб юргонлигини, “Ҳах, шошма, падарингта лаънат бузуки, мен бир кун сенинг бошингта етмасам!” деб айтганини ҳам ёдиға тушурди.

Тишларини ғижирлатди, муштумини тўқмоққа айлантириди...

“Агар мен шу қонхўрнинг ўз ўзбошмачолигига чегара кўёлмасам, отим Олимжон бўлмасин!” деб тез-тез уйига қараб кетди...

Уйига қайтиши билан, чой олдида хотиниға мажлисда бўлгон гапларни сўзлади...

— Айтди, бўлмади... Бу падар лаънати жуда ҳам елкамизга миниб олди... Бир чорасини кўриш керак... Қачонгача чидаб тура берамиз? Мен эртага шаҳарга бориб, бутун аҳволни газетага солдираман... Корабулокдаги Омон порахўр ҳам шу газет билан хайдалди-ку... – деди. Хотин, нима дейсан?

— Ўзингиз биласиз энди, отаси, ўзингизга бир зарар келмаса бўлғони, қани, мен йўлингизга иссиқ нон ёпиб берай... Чойхоналарда нон жуда киммат, – деб ҳовлига чиқиб кетди.

Олимжон эртасига кечкурун кетадурғон бўлди.

IV

Хотин дегоннинг оғзида сўз турадими? Бир гап бўлдими, уни қўни-қўшиларға эшитдирмасдан чидай олмайди.

Мана энди Жамолни (Олимжоннинг хотинини) кўринг: эрининг шаҳарга кетишини ўз ичидагина саклаб турса, нима бўлар эди? Бўлар эдими? Йўқ, а! Шу гапни ҳам ичидаги соқлай олмади!

Нон ёпиб ётқон вақтида унинг олдиға синглиси Шарофат келган эди. Шарофат Жамолнинг нон ёпқонини кўриб сўради: “Ҳа, нима бўлди сизга, опа! Кечагина нон ёпқон эдингиз-ку?” – деди.

Жамол ҳам унга Олимжоннинг шаҳарга кетишини, унда Сотиболди устидан ариза беришини сўзлаб бермасинми? Бундай бўшлиқнинг нима бўлиши маълум:

Шарофат секингина холасига, у бўлса – ўзининг якин ўртоғи бўлғон Марзия бибига – Раҳмат чўлокнинг хотиниға, Раҳмат чўлокнинг хотини – Йўлдош бокқолнинг хотиниға, Йўлдош баққолнинг хотини Абдужаббор чатоқнинг хотиниға, Абдужаббор чатоқнинг хотини эрига Олимжоннинг нима учун шаҳарга кетаётқонлигини сўзладилар. Абдужаббор чатоқ ўзи Сотиболдидан энг кўп калтак еган киши бўлса-да, бир йилдан бери Олимжон билан аразлашиб юрган эди. Шунинг учун ўчимни олай, деб бутун гапни Сотиболдига сўзлаб бермасинми?

Сотиболди бу гапни душанба куни (мажлиснинг эртасига) кечга томон эшитди. “Яхши, сен кета бер!” деб Абдужаббор чатоқни юборди.

V

Шомдан кейин Сотиболдининг елқасига берданка¹⁰⁴ милтиқ осиб, боғ тарафи билан кишлоқдан бир чакирим четроқдағи күпрук ёниға кетканини ҳеч ким күрмади...

Хоин оқсоқол күпрукка етар-етмас бир тош орқасига бекинди.

Ярим соат ўтди. Бир соат ҳам бўлди. Ҳеч ким йўқ.

Жудаям зерикиб кетиб, чўнтағидан носқовоғини чиқорди. Лекин чака олмади: энди чакаман деганида оёқ овози эшитилди. Носқовок қўлидан тушиб кетди. Милтиқни қўлиға ушлади. Оёқ овози келаётқон томонға қаради: Олимжон.

Бечора дехқон ҳеч нарсадан хабари йўқ, тез-тез юриб келаёттибдир. Кўпрук олдига келиб етиши билан бирдан “торс” деган овоз эшитилди. “вззз!” этиб бир нарса Олимжоннинг қулоқ ёнидан ўтиб кетти.

– Босмачи! Дод! - деб Олимжон олдинға қараб югириди. (Бир қишлоққа қараб югурмакчи бўлғон эди, лекин милтиқ овози орқа томондан эшитилгани учун кўрқди.)

Иккинчи мартаба отувчи бўлмади. Олимжон ҳам бир-икки чақирим жойни тўхтамасдан чопиб борғондан кейин, бир оз тўхтади. Дам олиб, секин илгари қараб кета берди.

Ул ўзига бирорта босмачи учради, деб хаёл қилар эди.

VI

Сотиболдининг бир отғони тегмади. Иккинчи марта отаман деса, ҳўл ўқ отмади. Жаҳлидан нима қилишни билмай, уйига қайтиб кетти. Нос қовоқ эска ҳам келмади.

Уйига етар олдидан анга қишлоқнинг Аъзамхўжа деган бир чоли учради.

– Ҳа, Сотиболди ака, нима қилиб милтиқ кўтариб юрибсиз? - деб сўради.

Сотиболди:

– Бекор, боғни айланиб келиб эдик, - деб уйига кириб кетти.

Аъзам чол унинг орқасидан:

– Ҳа, падари лаънат! Пора пулларига олғон боғингни ўтри урар, деб кўрқасан-да! Шошма, бир куни Худо урар сани! – деб қолди.

Сотиболди Олимжоннинг кутилиб кетганига унча ташвишланмади. Ул ўзининг уездаги алоқаларига яхши ишонғон эди.

¹⁰⁴ Бердяника – кўшотар милтиқ.

VII

Олимжонни газета идорасида жуда яхши қабул қилдилар.

Газетани чиқарадургон каттаконни жуда мулойим, очиқ юзлик бир киши экан. Олимжондан суриштирди. Олимжон қишлоғининг бутун ахволини сўзлаб берди. Сотиболдининг уч йил бўйинча килғон киликларини бирма-бир сўзлаб берди.

Газета муҳаррири анинг ҳикоясини жуда дикқат билан тинглади. Охири устол устидаги кўнгирогини чингтиратди. Эшикдан соқол-мўйлаби қирқилғон йигит қўлига қалам-қоғозлар ушлагани ҳолда югириб кирди.

– Ҳа, нима гап?

– Мана, Али, бу киши Яланғоч қишлоғидан уч кунлик йўлни пиёда юриб келгон бир деҳқон. Қишлоқларида шундай ўзбошимчалик, шундай катта хиёнатлар қилинғон-ки, кўя бер... Ўзининг ёзғон бир нарсасиям бор. Ма, кўриб чиқ! Ўзидан ахволини яхшилаб сўраб, тўлдириб ёзиб қол. Майли, узун бўлса ҳам бўлсин!

– Хўб бўлади. Қани, юринг, ўртоқ! – деб ҳалиги йигит Олимжонни иккинчи бир уйга олиб кетти.

– Ҳой, Али, мақолани иккинчи бетка киритинглар! Сарлавҳаси кўзга илинатурғон бўлсин! Мумкин бўлса, Олимжон аканинг суратини ҳам олдиринглар! – деб орқаларидан муҳаррир кичқириб колди.

Мақола тайёр бўлғондан кейин, Олимжон яна муҳаррир олдиға кирди.

– Ўртоқ, сизга яна бир арзим бор эди...

– Хўш, қани, гапиринг?!

– Мен қишлоққа қайтқали кўркиб турибман. Чунки Сотиболди бу гапни эшитса, мани шартта ўлдиради, кўяди... Ман энди нима килсам экан?

Муҳаррир дарров гапни тушунди:

– Ҳа, яхши... Сиз бир неча кун шаҳарда турарсиз. Ман сизнинг ишингизни хозиргина сика партияга¹⁰⁵ маълум қилдим. Икки-уч кун ичida қишлоғингизга комиссия чикса керак. Сиз шу комиссия билан бирга борарсиз... Биз сизга бир оз пул берармиз. Сиз бирор чойхона-пойхонада ётиб турарсиз, – деди.

Олимжон раҳматлар айтиб, хайрлашиб, шаҳарни томошо қилғоли чиқиб кетти.

¹⁰⁵ Сика партия (ЦеҚа партия) – русча: партия марказкоми.

VIII

Эртаси кун газетанинг иккинчи бетида катта харфлар билан “Бундай хоинларга қаттиқ жазо берилсін!” “Яланғоч қишлоғининг ижрокум раиси Сотиболди оқсоқолнинг жабру зулмлари”, деб ёзилғон мақола чиқди, Олимжоннинг сурати ҳам солингон эди.

Олимжон газета идорасига келиб, газетаны сүраб олиб, минг бало билан бўлса ҳам, мақолани ўқиб чиқди. (Саводи чала эди.)

– Жуда ҳам яхши ёзибсиз, маним айтгонларимнинг биртаси ҳам қолмабдир. Жуда яхши, жуда яхши, – деб хурсанд бўлди.

Олимжонни шу кун яна бир неча маҳкамага чакирдилар. Ундан яна бутун ахволотни суриштирдилар. Олимжон бутун гапни яна сўзлаб берди.

Уч кундан кейин қишлоққа 4 кишилик бир комиссия кетти. Олимжон ҳам шулар билан бирга қайтти.

IX

Борғон куни комиссия Сотиболдини қамоққа олди. Ҳалқни тўплаб, катта мажлис қилинди. Мажлисда Сотиболдининг қылғон хиёнатлари ҳукуматка маълум бўлғонлиги, унинг уездаги ошналари ва ундан пора еб юрган кишилар ҳам қўлға тушканлиги халқ-қа билдирилди.

Комиссиянинг каттакони халқдан тўғрисида ҳар ким ўз билганини сўзласин, деб сўради.

Деҳқонлар бошда торгиниб турсалар ҳам, кейин оғизлари ечилди. Комиссиянинг ёзувчиси олдиға ҳар қайси бирта-биртадан келиб, уч йил ичида кўрган жабр ва ҳақсизликлари тўғрисида арз қила бошладилар.

Сотиболди устига жуда кўб айблар тушди.

Икки ҳафтадан кейин суд ҳам бўлди. Судни Яланғочнинг ўзида қилдилар. Тигра қишлоқлардан келган деҳқонлар билан суд бўлаёткен майдондаги гузарда икки мингдан ортиқ ҳалқ тўпланди.

Сотиболди ёнида ундан бир ярим минг пора олган “тафтишли” комиссия аъзолари ҳам мўлтиллашиб ўлтурғон эдилар.

Бошда тонса ҳам, хисобсиз кўб гувоҳларнинг бирма-бир қоралashi, унинг бутун айбини устига олишга мажбур этди.

Суд вақтида Сотиболдининг устига яна бир оғиз айб тушди.

Олимжон суд раисига ўзининг қишлоқдан чиқиб, шаҳар кетишларини сўзлаганда, кўпрук олдиға етар-етмас бир босмачининг

милтиқ отқонлигини ҳам айтиб ўтди. (Олимжон-ку у босмачининг ким эканини билмас эди.)

Шу вакт халқ ўртасидан Аъзам чол сакраб чиқиб, сўз сўрамасинми?

– Раис ўртоқ! Мен шу Олимжоннинг шаҳар кетган куни кечаси кўчада Сотиболдини йўлиқтиргон эдим. Бўйнига милтиғини осиб олғон, бошини эккан... Ўзи шу катта кўча тарафидан келаётқон эди. Мен у богини айланиб келаётгандир, деб ўйлағон эдим. Сотиболдининг жуда ҳам ўғрилардан кўркканини билар эдим. Ҳозир босмачи деган гап чиқкач, кўнглімга шубҳа тушиб қолди: Олимжоннинг босмачи дегани шу Сотиболдининг ўзи эмасмикан!.. – деб чол ҳамманинг оғзини ўчирди-кўйди!

Сотиболди бу айни устига олмади: “Қасамлар ичди. Мен Олимжоннинг кетканини ҳам билганим йўқ!” – деди.

Лекин суд бу ишни текшириш учун бир комиссияни тайинлади. Комиссия энг аввал қўпрук атрофини текширди. Бир соат ҳам ўтмади, комиссия аъзолари бир дона “берданка” гильзаси ва бир дона носковоқ топиб қайтдилар. (Бу носковоқни Сотиболди каерда йўқотқонлигини била олмай саргардон бўлғон эди!)

Кишлоқда Сотиболидан бошқа ҳеч кимда “берданка” милтиқ йўқ эди. Кумуш билан безалган қимматлик носковоқнинг Сотиболдиники эканини анча киши тасдиқлади. Гильза билан носковоқ Сотиболди устига жиноят қонунининг яна бир оғир бобини юклади.

Сотиболди отилишга ва авфи умумий бўйича 15 йилга камалишға, порахўр “тафтишчилар” ҳар қайсиси 5 йилданга кесилдилар.

* * *

Ҳозир Яланғочни таниёлмайсиз. Кўшчи, мактаб, калиратиф, ячейка, газеталар ... Исполқумда кишлоқнинг бир ботроғи... Газетага мухбир бўлиб олғон Олимжон доимо кишлоқ ахволи тўгрисида ёзиб турадир.

Агар Сотиболди тўгрисида бирор яланғочлик билан сўзлашсангиз, фақат шу гапнигина эшитасиз:

– Эй, гап Сотиболдининг ёмонлиғида эмас, ўзимизнинг қоролигимизда экан! Ўзимиз нодон, неч нарсадан бехабар бўлғондан кейин ул билганини қила берган-да... Мана энди тушуниб олдик,

Сотиболдининг суди кўзимизни ончагина очди. Энди бизга бирор хўжайинлиқ қилип кўрсин-чи, қани!..”

*Нашрга тайёрловчи
Мурод ЗИКРУЛЛАЕВ*

“ГАЗЕТЧИ”¹

РОБИНДРАНАТ ТОГУР ВА “ФАРБ МАДАНИЯТИ”²

Америкада чиқадиган газеталардан бирининг муҳаррири бу йил ёзда Тогур Оврўпо саёҳатидан қайтиб келгандан сўнг, у билан кўришган ва ораларида шу мусоҳаба жараён этган.

– Фарб маданияти тўғрисида Осиёнинг фикри қандай?

Тогур, бу савол устида бир неча дақиқа ўйлаб тургандан сўнг, ўзининг ширин ва мунис овози билан, ҳилм ва сукун ила бундай жавоб қайтарган.

– *Фарб секин-секин Осиёдаги бутун нуфузини йўқотиб туради. Осиёликлар ортиқ Оврўпадан маънавият соҳасида ўзлари учун ҳеч бир нарса келмаслигини жуда яхши тушунадилар. Осиё кўп замонлардан бери Оврўпони дикъат ва ҳайрат ила томоша қилиб турур эди. Аммо, бугун Оврўпанинг ҳақиқатни кўрмагани ва сўйлагамаганига инониб олмишидир. Мен болалигимда Оврўтога бўлган саёҳатимни ҳали ҳам унумтмайман. Оврўпада етишган буюк адаблар ва мутафаккирларнинг китобларини ўқуб, у ерга жуда муҳаббат қўйган ва дунёнинг латофати, юксаклигини ўша ердан топаман, деб ўйлаган эдим. У ердаги ҳалқнинг шуурини қорни эмас, бутун миллият ташкил этади, деб ўйлаган эдим. Мен бу ҳаёлимда мудҳииш бир суратда алдандим. Оврўна, Амрико ва Япония каби маданиятда илгари кетган мамлакатларга бўлган саёҳатларимнинг ҳар биррида у ердаги инсонларнинг, хусусан, ёши наслаларнинг моддий нарсаларга кўпроқ аҳамият қарататётганликларини, манфаатпарамастликларини кўрдим.*

¹ “Газетчи” – журналист ва таржимон Санжар Сиддикнинг тахаллуси.

² Машҳур хинд шоири ва файласуфи Робиндранат Тогур бултурги Оврўпо саёҳатида Италиядан ўтиб кетганидан сўнг, Оврўпо газеталари унинг Италия бош вазири фапист Муссолинини, унинг идора услубини мақтаганилиги ҳакида ёзгандилар. Бир амриколик газетчининг яхши кунларда Тогур билан бўлган мусоҳабасида унинг айтмаган гапларини айтди, деб хабар тарқатанини хиёнаткорлик, деб атайди. Тогурнинг бу гапи манфаатпарамаст Фарб дунёсининг маҳсули бўлган фашизмнинг юзига Шарқдан кўндирилган бир шапалоқдир. (“Ер юзи” журнали изоҳи.) Мақола “Ер юзи” журналининг 1928 йилдаг 2-сонида босилган.

Сизнинг назарингизда, энг зўр мавқе тутган нарса пул бўлиб қолди. Оврўпо маданиятининг наздида, фикр, тушунча, амал, идеал деган нарсалар аҳамиятсиз бўлиб қолдилар. Бугун Лондон кўчаларида сотилиб турган 20-40 саҳифалик газеталар, кўринишида ҳар чандки катта бўлсалар ҳам, биздаги янги уч саҳифалик газеталардаги қимматлик ёзувлар олдида ҳеч ҳукмидадир. Оврўпода маданиятни миқдор ва бўй билан ўлчайдиган бўлиб қолганлар. Ҳолбуки, бизнинг назаримизда, аҳамиятлик бўлган нарса шакл эмас, балки, амалдир.

Бугун осиёликларнинг алам ва изтироб билан қараб турганлари бир нарса бўлса, у ҳам Оврўна миллиатларининг инсон миясида яратиб ўстиргани миллиатчилик (национализм) ва жаҳонгирилик (империализм) ақидалариидир. Бу билан дунёга яна ўт қўйиб турибсиз. Оврўпанинг сиёсий ахлоқсизлиги шитоб билан илгарига боргани сари Осиёда акс таъсири кўрсатмоқдадир. У Осиёнинг асрлардан бери Гарб истисмори ва ихтисобининг асирлари ва ёмонликларини саёр этиб тургон қурбонлари билан тўлди.

Тоғурнинг бу самимий таасуротини кўрган амриқолик ундан:

– Бундай бир руҳ Оврўпада бўлғонидай, Амриқода ҳам бор, деб ўйлайсизми? – деб сўраган. Тоғур айтади:

– Бу руҳ унда, балки бу шаклда эмасдир. Лекин, унумтмангизки, сизларнинг ҳам Осиёда Филиппин оролларида мустамлакаларингиз бор. Амриқода мафкура учун тиришаётган бир руҳ бор, аммо бу руҳни ҳозирда моддиятпарастлик бир девдай босиб ётади. Амриқонинг: “Ўзинг ҳам яша, бошқаларга ҳам яшашига қўйиб бер”, деган ақидасининг қандай натижалар берадётганини кўриб турибмиз.

Бундан кейин сўз Японияга ўтди. Тоғур Японияда ҳам Гарб маданиятининг таъсири билан манфаатпарастлик ва бошқаларнинг ерига кўз олайтириш пайдо бўлгани хақида гапириб айтади?

– Бир миллиятнинг ахлоқи, иззат-нафси бутун моддий шараф ва сарватлардан юқори туради. Империализм иззат-нафсни синдириб, инсонларни асир қиласди. Гарб маданияти “Идора ҳаққи бутун халиқни” деган бир шиор билан ўртага чиққани ҳолда бугун ҳукумат ва идора тегаларида алоҳида фардлар, шахслар ўлтуруб, ўз диктотураларини юргизмакдалар. Фарди ва машшалари (кўтчилик) шуурни овози чиқмайдургон бир ҳолга тушуриб қўйшишлар.

Амриқо мухаррири бу ерда Тоғурдан сўради: Сизни Муссолини ни такдир этувчи бир киши, деб биладилар. Ҳолбуки, сиз бунда

хуррият ақидаларини ўртага қўйиб турасиз. Фашизм методлари билан машори ва фарқи шуур деганларингиз қандай тўғри келади?

– Менга Италияда шундай бир тұхмат тақибдишар. Ҳолбуки, мендан ҳукумат түгрисидаги фикримни сұраганларида, ҳукуматларининг фард (алоҳида шахс – Б.И.)ларга озгина ҳам ҳуррият берилмаганини айтган ва бу билан фикримни бир чамбарга солишларига йўл қолдирмаган эдим. Италияда қўмитага чўқинадилар, бу ҳол миллатчиликнинг кучли бўлганидан келади. Бундай бир қувват миллатлар орасида шубҳа ва рашк уйғотади.

Муҳаррир:

– Сиз Италиядан кетгандан сўнг, ундағи газеталар фашизм усуулларини тақдир этганингизни ёзиб чиқардилар ва Италия телеррафлари бу хабарларни бутун дунёга тарқатдилар. Тоғур бунга қарши хафалик кўрсатган бир товуш билан жавоб берди:

– Мен сўз ҳурриятини ман этган амирлар (диктаторлар)га итоатни мајсбурий қўлган, фардни инкор этган, истибдод жабр ва шиддатга йўл очган, яширин жиноятларни мубоҳ кўрган бир режимни ҳеч бир вақтда олқишиламайман. Нацизм ва империализмнинг бутун дунёга изтироб бершишини неча дағъялар дунёга эълон этдим. Буни Оврўтонинг бугунги ахлоқ бузгунилигини Гарб сиёсати майдонга келтирмисидир. Бунинг берадирган натижаси, айниқса, Оврўтанинг истисмори билан эзилиб ётган Шарқда бунинг оқибати жуда мудҳисидир, қўрқинчлидир. Минг жабр ва шиддатдан туғилган бир сиёсий мағкуруни олқишилаганини сўйламак жиноят бўлмаганда ҳам катта хиёнатдир.

Тоғур бир қанча замонлардан бери инсонларга сулҳни ва бирликни талқин этиб келаётган бир шоирдир. Тоғурнинг мафкураси муттаҳид бир инсонликдир. Тоғур фалсафаси (ваҳдат) деган бир сўз билан хулоса қилинса бўлади.

– Ҳар бир фард инсониятга бўлган робитасини (хослик, алоқадорлик) кўра олмоғи керакдир. Лекин, сизлар ваҳшатни маданият деб атаб турганингиз муддатда фард билан жамият орасида мувозана бўлмас, – дейди.

Амриқоли муҳаррир Тоғурнинг бир замонлар “Исо Нью-Йоркка келса, умматларини тополмай кетар эди” ёки “Исо агарда Амриқода туғулса, куклукскланлар (АҚШ миллатчилари) уни ўлдириб қўяр эди” – деб ёзган бир сўзини хотирга олиб: “Бизларни шундай ёмон кишилар, деб биласизми?” деган. Бунга Тоғур ўзига

хос бўлган бир хилм ва қатъият билан шундай деб жавоб қайтаради:

– “Кувват ҳақдир” сўзи бугуннинг сиёсий бир ояти эмасми? Агарда бугун Исо Амрикога келиб, “факирлик муқалдасдир”, деса, у ҳолда Амриқонинг манфаатпараст инсонлари унга қайси назар билан бокар эдилар? Бугун Амриқода оёқ остида қолган кишилар факирлардир.

Кейинги бир савол:

– Шу ҳолда Оврўпа ва Амриқонинг истиқболи тўғрисида нима дейсиз?

– *Бугун инсоният ислоҳи йўлида ҳаракат қилиб юрган ва мағкура ахтариб турган кучлар Оврўпа ва Амриқода бордир. Лекин, булар ё кундан-кунга ўсиб турган манфаатпастларнинг ҳужуми остида йўқолиб кетарлар, ёнки ўз орқаларидан кетадиган кучларни инсонлар орасидан топиб, ишларида муваффақият бўладиrlар. Бу натижсани олдиндан кашф эта олмайман, аммо муваффақиятларини орзу қиласман. Моддиятпастлик (тулчилик)ка қараб кетаётган бугунги дунё бора-бора бошини деворга тоқ этиб урад ва бутун инсонлар орасида маънавият (буюк амалиарга)га тўғри мудҳии бир акс амал қиласар, – деди. Мусоҳаба шу билан тутайди.*

Донишманднинг шу икки-уч нуктадаги андишалари унинг ички руҳиятини, фикрларини ва мулоҳазаларини тамоман очиб беришга кифоя киласди:

– *Гарбнинг маданият отагони қуруқ бир ваҳшатдир. Гарб Шарқ ўлкаларини босиб истимор қилиб ётган муддатда, унинг ҳақиқатчи эканига қатъиян ишониб бўлмас. Миллатчилик деган нарса инсонларни бирликка эмас, бир-биридан ажратишга, бир-бирига душман бўлишига олиб боради. Овропа ва Амриқода моддиятпастлик, камбагалларни эзиши, фақир синфларни хўрлашилик бор. Бундаги жасиятнинг, инсоният йигинларининг истаги, мақсади муқаддас аъмоли тул топиши ва шахсий манфаатгина бўлиб қолмишидир. Фарди ва машҳари фикрни бўғиб ётқон амирлар инсониятни ҳақ йўлга киришдан тутиб тургувчи қувватлардир.*

Тоғурнинг мана бу ергача айтган фикрлари бизга янги нарса эмасдир. Бундан ярим аср бурун Маркс бундан ҳам возехроқ бир суратда баён қилгандир. Ҳатто, баён қилиш билангина қолмасдан, бундай ваҳшат ва шароратнинг ислоҳи йўлини ҳам кўрсатиб ўтганди. Бугун Тоғур билан бизни бу соҳада ажратиб турган бир нарса бўлса, у ҳам шу ислоҳ чорасини бошқача тушунишдир.

Тоғурнинг фикрича, дунёнинг ҳақиқатга эришиши учун маънавият соҳасида, фикрий кураш майдонида ишламак керакдир. Ҳолбуки, Тоғур бу фикрида бир дафъа аччиқ бир маҳрумият сезгандирки, буни “Оврўпонинг етишидирган адаб ва мутафаккирларининг асарлари, назаримда, *Фарбни* буюк бир ҳақиқат манзили қилиб кўрсатар эди. Лекин, бу ҳаёлимда алданганимни кўрдим”, деган сўзлари, яна: “Идора ҳақи ҳалқнинг қўлида бўлиши керак, деган буюк амаллар билан майдонга келган, *Фарб* маданияти бугун башарият ҳукуқини поймол қилиб ётади”, деганлари буни очик исбот килади. Кўринадирким, маънавият ҳар чандки юксак амалларни талқин қилиб турса ҳам ва ҳаттоқи бу йўлда амалий равишда бир даража ишлаган бўлиб кўринса ҳам, ҳаёт тамоман бошқа бир йўлда кетар экан. Шу ҳолда Тоғурнинг “дунёни ислоҳ” чораси кейинги бир мавқеда қолади. Аммо, Маркс бу тўғрида нима дейди? Ҳаммамиз ҳам биламизки, Маркс маънавият соҳасида ишлаб, амалиётта томошабин бўлиб колингиз, демайди. Маркснинг кўрсатган “ислоҳ” чораси: зулмга қарши кўтарилиш, золимларнинг ўзларига жабр ва зулмнинг мазасини тотдириш ва мазлум синфларнинг қаҳхор иродаси ва идораси орқали янги бир ҳаёт қуришдир. Тоғур хилм, шафқат, маънавият ва ҳақиқат дейди ва буни ҳақсизликга қарши курашиш деб билади. Маркс бўлса, жабр, шиддат, моддиёт ва амирлик, дейди ва ҳақиқатни қадоқли қўллар билан барпо қўлмоқчи бўлади. Лекин, Маркснинг амирлик (диктаторлик) дегани, Тоғурнинг наздигида, шарир бўлган фарди амирлик эмасдир. Бундай амирлик Маркс назариясида ҳам хайр эмас, шаръдир. Маркс айтган амирлик бутун бир синфининг, пролетар синфининг амирлигидир.

Шу ҳолда биз Тоғурни нима учун ҳурмат қиласиз? Тоғур *Фарбнинг* бутун шароратини, ваҳшатини, жабр ва зулмини, ҳақсизлигини, қаллоблигини инсониятнинг мусавватсизлигини, башариятнинг буюк бир бўлаги оёқ остида бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг тизгинини озчилик ташкил этган манфаатчи ва шахсиятчи бир бўлакнинг қўлида эканини кўрган, мушоҳада этган ва бу ҳолга қарши ўзининг фарёд ва фигонини бутун дунёга эриштириб турган бир зотдир. Тоғур *Фарбнинг* дағаллиги, кўполлиги, ярамас ва ёмонлигига қарши шарқнинг етиштирган, ҳалим, ҳакпарат, самимий, ҳақиқатчи бир авлодидир. Маданият дунёси оталғон сармоядорлик тузилишидаги ифлос, чиркин ва ёмон томонларини биз билан бирга кўради. Лекин, унинг ҳақсизликларининг алам ва оғриқларини

тортган музтариб шоир рухи ундан биз чикарган хулосани чикара олмайды, биз келган натижага кела олмайды. Унинг биздан айрилган чуктаси мана шундадир. Лекин, шундай бўлса ҳам, биз уни мазлум Шаркнинг моддий мажбуриятнинг самарааси бўлган маънавий изтиробларини бутун дунёга очиб кўрсаттан. Жаҳонгир Гарбнинг бутун ифлослигини олиб, ўз юзига урди ва маданият деб аталғон чиройли никоб остидаги кирли юзига туфургони учун ҳурмат қиласиз. Шунинг учун ҳам юз ва минг дафъа айтган сўзимизни Тогур билан бирга яна бир маротаба тақрор қиласиз: Гарбнинг маданият деб атаган нарсаси аслида ваҳшийликдан бошқа нарса эмас. Жаҳонгирлик, миллатчилик ва фашизм инсониятнинг думанидир!

*Нашрга тайёрловчи
Баҳром ИРЗАЕВ*

МУНДАРИЖА

Сўзбоши..... 3

Биринчи қисм. Илмий мақолалар

Ҳасанов Б. Санжар Сиддик ва унинг адабий мероси.....	6
Каримов Б. Бир ҳикоя кисмати.....	13
Каримов Н. Юнус Латиф – таниқли шоир, журналист ва адабиётшунос.....	18
Аҳмад С. Фози Юнус фельетонларида давр ҳавоси.....	25
Мирзаева З. Саттор Жаббор ва унинг илмий-адабий мероси.....	36
Ирзаев Б. Аъзам Аюб – иқтидорли журналист ва таржимон.....	47
Зикруллаев М. Муҳаммад Ҳасанов – муҳаррир, таржимон ва адаб.....	52
Шигабдинов Р. Общественно-политическая деятельность и трагическая судьба Исмаила Абидова.....	57
Тўлаганова С. Абдулла Қодирий публицистикаси билан боғлиқ айrim масалалар.....	66
Раҳмонова Д. Тавалло ижодининг баъзи бир масалалари.....	72
Ирзаев Б., Йўлдошев А. Қосим Сорокин – ҳам нозир, ҳам қаламкаш.....	81

Иккинчи қисм. Адабий-бадний ва публицистик асарлар

А. Қодирий. Күёш билан ҳам курашаман.....	88
Ҷўлпон. Мерос.....	103
Юнус Латиф. Янги меҳмон.....	109
Шарофат.....	110
Укамнинг ҳикояси.....	112
М. Ҳасан. Гап қоралиғимизда экан.....	113
Газетчи. Робинранат Тоғур ва “Фарб маданияти”.....	122

Босишига руҳсат этилди 05.06.2015

Қоғоз бичими 60x84 1/32. Офсет қоғози

Times New Roman гарнитураси. Ҳисоб-наприёт тобоги 7,0

Шартли босма тобоги 8,0. Адади 50

Баҳоси келишилган нархда

«MUMTOZ SO‘Z»

масъулияти чекланган жамиятининг
матбаа бўлимида чоп этилди. Буюргма 08-15.
Манзил: Тошкент, Навоий қўчаси, 69.
Тел.: 241-81-20